

САОДАТ

1925 йилдан чиңа бошлаган

8-9
2020

*Салима
Ходорова*



Асқад МУХТОР

(1920–1997)

Асқад Мухтор интеллекти баланд, дүнёқараши кенг шоир, ёзувчи, таржимон ва муҳаррир. Умрини миллий адабиётимиз ва маданиятимизниг равнақига, жаҳон адабиёти дурдоналарини ўзбек халқига етказишга багишилаган атоқли адаб ва жамоат арбобидир.

Адаб қарийб олтмиш йиллик ижодий фаолияти давомида адабиё-

тимиз хазинасини бойитган, бадиий юксак асарлари билан китобхонлар қалбидан мустаҳкам жой эгаллаган. Асқад Мухторнинг ўзига хос салмоқли насри, бетакрор шеърияти қатор хорижий мамлакатларда ҳам адабиёт мухлислари кўнглига кириб борган, десак, асло муболага бўлмайди.

Унинг адабиётимиз, миллий маданиятимиз равнақи йўлидаги улкан хизматлари муносаб тақдирланган. Асқад Мухтор – Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Давлат мукофоти лауреати, “Дўстлик” ордени соҳибидар.





Асқад МУХТОР



Умид

Куз эртаси. Намгарчилек,
Хазон биқсиб, тутун таралар.
Оёқ ости – “чилип-чилип”,
Зирқирайди эски яралар...

Бор умрингни ўйлайсан қайта,
Нимадир юракни эзди..
Имони сустроқлар мана шундай пайтда
Яшаидан безади.

Аммо сен боқ ҳаёт дengизига:
У ўжарлик билан қилар ишини.
Разм солсанг,
ҳар дам ўзига
Минг-минг иплар билан боғлайди сени.

Фаслар алмашар,
долгаланар ҳаво,
Күшларнинг товуши – қишининг дараги.
Тротуарда
букчайган бир бобо
Ёш кўчат кўтариб ўтиб боради.

Ниҳолни авайлаб маҳкам ушилаган,
Томири бўртиб чиқсан титроқ қўллари.
Хаёлида, балки,
оламни хушилаган,
Баҳор,

бодроқ-бодроқ ўрик гуллари.

Кўм-кўк шовулмаси балки қулогида,
Кўкси билан сезар соя-салқинин.
Совутгиси келар кўнгил булогида
Саратоннинг лов-лов ёлқинин.

Бобонинг умрида кўп бўлгандир баҳт,
Лекин баҳт – ўткинчи,
умид – абадий.
Кекса қўллардаги мана шу дарахт –
Эртага кимнингдир толеи каби.

Бобонинг кўзида умид ялтирар,
Кўчатни кўтариб шошиб боради.
Маҳалла устида ҳамон қалтирар
Бебош болаларнинг қозог зарраги.

ЗАР ҚАДРИНИ ЗАРГАР БИЛДИ

1995 йилнинг асад ойи охирлари эди. Ватанимиз мустақиллиги 4 йиллиги муносабати билан бир гурух юртдошларимизнинг фидокорона меҳнатларини муносиб тақдирлаш учун чиқарилган Фармон мавбуотда эълон қилинди. Фармонда “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвонига муносиб деб топилган аёллардан биринчи вакил – Муяссар Темирова бор эди. Унвонга лойиқ деб топилганлар рўйхати эрта тонгдаёқ телевидение, радиода ўқиб, эълон қилинганида Бухоро бир қалқиди. Бу гўшанинг қадимий ва ҳамиша навқирон бағри фахр, ифтихор, шукроналикларга тўлди...



Үшанда Муяссар опа Темирова 54 ёшда эди. Эрталаб, одатдаги дек, Бухороча ширчой тайёрлади. Мурч, майдаланган ёнғоқ, нок дарахти шохчалари солиб пиширилган ширчойдан бир косадан ўғил, келин, умр йўлдoshига сузиб бериб, туз солиб эритилган сариёғ косасини дастурхон ўртасида қўйди. “Ҳар кимнинг таъби, кўпроқ солсан гизлар, хушбўй бўлади”, деб ўзи ҳам ўтириб нонушта қилди. Ишга жўнади. Бухоро зардўзлик фабрикаси эшигидан кираётib, қоровулга рўпара келди. Ҳар доим радиони баланд қўйиб эшлиб ўтирадиган чол жил майиб салом берди:

– Зардўз опа, Сизга хушхабар бор!

– Янги буюртма бўлса керак-да. Театр саҳнаси пардаларини зардўзи қилиб бердик, яна бошқаси келган бўлса керак, – деди опа. Иш одамининг хаёли ишда-да, ахир!

– Киринг ичкари, кейин биласиз, – деди радио карнайи билан бирга туғилган қоровул.

Опа иш залига кирди-ю, ҳангуманг бўлиб қолди. Корчўпи устида бир олам анвойи гуллар. У яхши кўрадиган қорарайхон гуллари ҳам бор. Ҳамманинг қўли кўксида: “Муборак бўлсин, шараф бар шумо устоз. Қаҳрамон бўлдингиз...”

Муяссар опа гангиб қолди. Қоровул шаъмаси, гуллар, табриклар. Унгача корхона раҳбари кириб келди. Опани кутлади.

– Сизни Президентимиз “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвонига лойиқ кўрибдилар. Қаҳрамонлик муборак, – деди қарсак чалди.

Яна бир зардўз:

– Мустақил Ўзбекистон тарихида аёл кишига “Қаҳрамон” деган унвон берилмаган эди. Шу бахтга Сиз эришдингиз, – деди.

Шогирдлари: “Игна аҳлининг вакилига “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвонинираво кўришнинг ўзи қаҳрамонлик десалар, Муяссар Темированинг кўзларидан дув-дув қувонч ёшлари оқарди. Кейин вилоят ҳокими, шаҳар ҳокими келиб табриклаб кетишаркан, аёлнинг ҳайратлари минг чандон ошган эди. У қучоқ-қучоқ гулларга тикилиб туриб, хаёлга толди. Ўтган умрининг ҳар бир дақиқасига шукронга ўқиди. Қишлоғига боргиси, ота-онаси қабрини зиёрат қилгиси, Чорбакр тарихий – меъморий обидалари остонасига бош қўйиб, бир нафас саждада бўлгиси келди... У шу тупроқда туғилди. Игна, ип, матоҳ кўтариб бориб, яхши ниятлар билан Чорбакр меҳроби рўпарасида туриб, ягона Тангридан шу худдунинг катта зардўзи бўлиш баҳтини сўраганди. Ўша сўраган баҳтига бугун эришди. Энди яна бориб шукронасини адо этиш он-

лари келганини ҳис этиб, катта ўғлига қўнғироқ қилди.

- Рустамхон, ишингдан узила оласанми, ўғлим? Машинамизни олиб ишхонамга кел...

- Яна дарсим бор, шуни ўтиб кейин борсам-чи. Биласиз-ку, ўқувчиларим шумтака, Саъдуллаев ўқитувчимиз йўқ деб, мактаб остонасини бошларига кўтарадилар.

- Йўқ, ҳозир кел! Бухорода бир зардўз аёлга “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвонини берадилар-у, болалар мактаб остонасини бошларига кўтарсалар бир кўтарибдилар, демасанми? Бўл, болам, раҳбарингга айтиб, буёқقا кел. Бу гулларни машинага юклаб, олиб кетмасак, бир ўзим эплай олмайман. Бугун менинг куним экан. Тушликда боғонинг капкирларини қўлимга олмасам бўлмайди. Ҳаммага Бухорча палов қилиб бераман. Келинимни ишдан чақир, уйга келсин, отангга айт, бозорга бориб келсинлар. Пул дейсанми? Шифонерда, янги камзулимнинг чўнтағида қўл рўмолчага туғилган. Бўл болажоним, тез бўл...

... Бухоро зардўзлик фабрикасининг ўша йиллардаги раҳбари Робия Раҳматованинг айтган гаплари ҳали ҳануз опанинг қулоқларида жаранглайди: “Муясаржон! Ахири зар қадрими заргар билди-да. Қара-я, бир кунда сени бутун юрт таниди”.

...Яқинда “Саодат” журналининг буюртмаси асосида Ўзбекистон Қаҳрамони Муяссар Темирова хонадонида бўлдим. Фатҳобод худудида жойлашган чоғина ҳовли. Баҳаво, сарандом. Дарвоза миён саройида корчўп қўйилган. Муяссар опа қўзойнак тақиб, зарчопон тикяптилар. Саломлашдик. Жой кўрсатдилар. Ўтирдим. Узоқ сухбатлашдик. Неваралари Мұхаббатжон чой келтирди. Шириналлик, бир ликопчада новвот...

- Олинг, чойингизга новвот солиб ичинг, – дедилар Муяссар опа.

- Шириналликка унча хушим йўқ, бир пиёла чой исчам бўлди. Сиз билан сухбатнинг ўзи новвот-ку, опа.

Бир дона зарчопон тикиб, эгасига топшириш ҳам новвот пиширгандай гап. Унда ҳам, бунда ҳам иплар тиллабозлик қилади.

- Майлику-я, новвот емасангиз бўлмайди. Бу чойсиз Бухоронинг гўзаллигини унчалик ҳис қила олмайсиз. Шуни эшитганмисиз?

- Билмасам...

- Бухоро қуёш буржида жойлашган. Обидалар, ҳовли жой, девор, чўллардаги қумлар ҳам кўнгилга тегмайдиган оч сарғиш рангда. Тилласи ҳам... Мевалари, хусусан, зардолизорлар, қовун, новвот ҳам шу рангда. Фарқ пишган Бухорий қандак ўрикзор ичи-

да бўлганмисиз? Боғдан сариқ ранг тилла, новвот ҳидиу жилваси анқийди. Бу муаттарликдан бошингиз айланади. Новвотнинг пиширилиши ҳам қандак ўрик пишишидай мўъжиза. Бир дона зарчопон тикиб, эгасига топшириш ҳам новвот пиширгандай гап. Унда ҳам, бунда ҳам иплар тиллабозлик қилади. Новвот солинган чой исчангиз, Бухоро ранглари ичига сингиб кетасиз, синглим...

- Сиз шаҳар фарзандими ёки қишлоқда туғилганмисиз?

- Мен Бухоро туманидаги Ўзбакон қишлоғи фарзандиман. Ўзбакон қадимий Чорбакр худудида жойлашган. Она томонидан Жўйбор хожаларига боғланамиз. Бизнинг авлодга зардўзлик ҳунари бобомерос. Катта бобом Тоҷиддин Ҳасанхожа таниқли табиб бўлганлар. Бухорода биринчи бўлиб касалхона очганлар. Яна дорихона ҳам ташкил этиб, дори-дармонни касалларга бепул тарқатган инсон. Хасталарнинг касалликларини аниқлаб, гулоб, шифобаҳш қайнатмалар билан даволаб, ўзлари учун кийим-кечак ҳам тикканлар. 20 та чорчамани бор табибининг 10 та нонвойхонасидан ҳар куни 1000 дона нон пиширилиб, мадраса талабала-



ри, ночор, касалманд, мусофиirlарга бепул тарқатиладиган одамнинг чопони карбосдан экан... Тожиддин Ҳасанхожадан: “Булгорий теридан тикилган ковуш-маҳси кийиб, подшоҳ ҳузурига боринг, базмига сизни чақирган эканлар. Ахир, подшоҳ синглисига уйлангансиз. Давра гирдларига қўшилинг”, десалар, у киши нима деган эканлар денг...

- Нима деган эканлар катта бомиз?

“Бухоро қизлари шоҳи кийса, шоҳ бўламан. Ўғилларим булгори ковуш-маҳси кийиб, шоҳнишинларда ўтиrsa, боғ бўламан. Касалларим тузалса, чорбоғ бўламан,” - деган эканлар.

- О, қандай ажойиб шукроналик. Тожиддин Ҳасанхожа ҳақларида “Матлаб ут-толибин” китобида ўқиган эдим. Умрларининг охирида ўзларини Бухоро шаҳристони халқи учун қурбон қилган эканлар, Шоҳ Бобур хаста ўғли учун ўзини қурбон қилгандек, опа.

- Ҳа-да! Бухорода ўлат келган иили ўлим кўп бўлиди. Имомқулихон эса шаҳардан чиқиб, овни баҳона қилиб, Қарши даштига кетиби. Тожиддин Ҳасанхожа икки марта Имомқулихонга мактуб ёзиб, маслаҳат солиби, ўлат олдини олиш учун. Хон эса даму дудмиш. Учинчи марта хонга хат ёзиб, “Вабодан халқни қутқариш учун бир катта қурбонлик керак. Биз ўзимизни шу йўлда қурбон қилдик. Уч кундан кейин таъзияга келинг”, дебди: 57



ёшларида омонатни Тангрига топширган эканлар. Ҳасанхожанинг жони чиқар-чиқмай, вабо тўхтабди.

- Онангиз ҳам зардўз бўлганларда-а?

- Ҳаммамиз. Биласиз-ку, вақти замонида зардўзилик билан Амир корхоналарида эрқаклар шугулланганлар. Устозим Нурмат зардўз Султонов эди. Турмушга чиққанимдан кейин умр йўлдошим савдо ходими, ишлари шаҳарда бўладиган бўлди. Шаҳарга кўчиб келдик. Бухоро зардўзлик фабрикасига ишга кирдим. Уста Нурматга шогирд тушдим. Фабрикада таомил шунаقا экан. Кейин ўзим шогирд тайёрладим. 47 йиллик фаолиятим давомида 700-800 нафар шогирд чиқарганим – кўнглим қувончи. Бу йил 80 ёшни қаршиладим. 80 ёшга кириш яхши экан. Шогирд, невара, келин, ўғиллар сизнинг оғзингизга қарайди. Ҳамёндан бошлаб ҳовли калитигача сизнинг қўлингизда. Яна устоз-шогирд мактабини бошқариш ҳам мен билан игнаю корчўп ихтиёрида.

- Устозингиз фабрикада сизга зардўзликнинг нечта усулини ўргатдилар?

- Уйда бибим, онамдан “Зардўзи-заминдўзи”, “Зардўзи-гулдўзи”, “Зардўзи-гулдўзи-заминдўзи”, “Зардўзи-абришимдўзи”, “Зардўзи-пилакчадўзи” усулларини пухта ўрганиб келган эдим. Уста Нурмат қўлида яна тобландим. Ўша даврнинг энг харидоргир буюмлари – дўппи, чойнакпӯш, зарковуш, зартахтабаргак, ёқачок, зархалтага тикиладиган зардўзи эди. Катта ишларга қўл урдим. Намоён, дарпарда, хонакатиба, сўзана, жойнамоз, қабрпўшгача тика бошладим. Бироз муддатдан кейин эрқак ва аёллар учун зарчопонлар тикишга ўтдим. Буюртмалар кўп тушкиди. Улгурмасам уйда ўғилларим ёрдамлашардилар. Ишларим гуллаб кетди. Республика ва чет элларда

Ўша даврнинг
энг харидоргир
буюмлари – дўппи,
чойнакпӯш, зарковуш,
зартахтабаргак,
ёқачок, зархалтага
тикиладиган зардўзи
эди.

ўтадиган ҳунармандлар кўргазмалари га мени юборадиган бўлдилар. Ҳиндистон, Германия, Франция, Москва, Қирғизистон, Туркманистонларга бориб, Бухоро зардўзлик санъати жавоҳирларини ҳаммага тарғиб қилиб келдим. Тарихдан маълумки, зардўзликка биринчи бор Бухорода қўл урилган. Ҳатто айрим зодагонлар пайтавасига ҳам зар ип билан гул туширилган. Энди ёстиқ жилдларию ойна халталарни қўяверинг...

– Нега бу ҳунарга бунчалик эътибор қаратилган?

– Бухорода хом тилла кўп бўлган. Ҳамма ҳикмат ҳамёнда-да, синглим. Ер ости тилласи билан Зарафшон дарёси сувидан олинадиган тилла, буҳороликларни бой қилиб юборган. Улар баҳор ойларида ариқлар лабида ўтириб олиб, эчки пўстаги устида ариқдан сув олиб ташлаш йўли билан сувдан хом тилла ажратиб олиб, дардларига дармон қилганлар. Китобат қилишда ҳам хом тилладан фойдаланганлар. Оқ, сариқ тилла деб зар билан кумушни айтган эканлар.

– Опа, зардўзлик санъатида қўлнинг баланд келиш сири нимада?

– Мато танлашда. Духоба, шойи, атлас, дока, мовут, жун, маҳаллий шойи, олача, адрес, баҳмал бойбарак. Бу матоларнинг энг биринчиси занданачи бўлган. Занданачи билан Бухоро савдогарлари чет элларда ҳам савдо қилганлар. Бельгиянинг Юм шаҳри бош черковида тириклик дарахти тасвири туширилган мато бор экан. Унинг орқа томонида сурға ёзуви билан ёзилган “Занданачи” сўзини ўқиган олимлар кейинчалик гарбий Европанинг музей ва черков омборларида сақла наётган 11 турдаги занданачи матоларини топишга мушарраф бўлганлар. Бу мато Бухоронинг Зандана қалъасида тўқилган. Мен унинг эскидан қолган бир бўлагини катта бобомнинг сандиқларида кўрган эдим. Онам уни бобомнинг бобосидан қолган энг қиммат Занданачи матоси деган эдилар. Матони танлай олсангиз марра сизники. Бу зардўзнинг синовчанлигига боғлиқ. Изландим, меҳнат қилдим. “Ўзбекистон ҳалқ рассоми” бўлдим. “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвони эса мен учун ютуқларим, эътирофлар орасида энг баланди.



Изландим, меҳнат қилдим. “Ўзбекистон ҳалқ рассоми” бўлдим. “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвони эса мен учун ютуқларим, эътирофлар орасида энг баланди.

– Фарзандларингиз иккита ўғил. Неварадар-чи?

– Сиз неварабозор деган сўзни эшитганмисиз?

– Эшитгандайман, опа.

– Ана ўша неварабозор ҳар ҳафтанинг якшанба куни бизнинг ҳовлида бўлади. Улар келадилар. Ана ўйину мана завқ. Мен эса уларга буҳороча ловия палов пишириб, едириб, кейин уй-уйларига юбораман. Сиз ҳам якшанба куни бир келинг, Муяссар опангизнинг 50 йилга ёшарганини кўриб, ловия палов еб қайтасиз...

Албатта, мен қаҳрамон аянинг уйига қайта – ош ейишга бормадим. Зеро, қаҳрамонлик иззат-обрў, узоқ ёш учун қувват, юрагига завқу суур берган аёл билан қилинган сұхбат таъми ҳар қандай ширин таомдан-да ширин эди.



Ибодат РАЖАБОВА,
“Саодат”нинг Бухоро вилоят мухбири.

ХАДЕМАЙ ҚҮЁШ

чықади



Улугбек ҲАМДАМОВ,
филология фанлари доктори

Аввалига эътибор бермадик, ҳисоб. “Хитойнинг Ухань деган шаҳрида кўршапалак ва илон истеъмол қилган одамлардан оммавий вирусли касаллик тарқади. Улаётганлар бор”, деган хабар ОАВ орқали эълон қилинганди, уни эшиштган эшиштди, эшиштмаган йўқ. Секин-аста эса эшиштмаган қулоқ қолмади. Лекин бошланишида одамлар хабарга чиндан-да етарлича парво қилмади. Чунки “вирусдан одам улаётган бўлса-да, у қайдадир узоқда юз бермоқда, бизга алоқаси йўқ”, деб қаралди. Инсон табиати. Қолаверса, одатда, шундай бўлар эди-да!..

Ахир шу кунгача башар аҳли не-не балоларни бошидан ўтказмади, дейиз. Охирги юз йилни олганда ҳам, қанчадан-қанча юқумли касалликларни бошидан кечирди у: испанка, ОИТС, эбола, парранда гриппи, чўчқа гриппи... Лекин уларнинг аксари эпидемик характерда бўлиб, заминнинг бир-икки жойида қайд қилинар, сўнг чора-тадбирлар натижасида даф бўлиб кетар ёки маълум масофада жиловлаб туриларди. Коронавирус-чи? Йўқ, у дунёни икки ой ичида ўз тўрига фарқ қилиб, уч ой деганда пандемияга айланди. Хўш, нега? Чунки ташқарида глобализм қонунлари ҳукм сурмоқда. Ҳозир дунёнинг у бурчагидан бунисига бир кунда “виз” этиб келиб қўйиш мумкин. Товарлар ҳам худди шундай тезлик билан айирбошланмоқда. Одам ҳам, товар ҳам ўзлари билан бирга вирусни олиб юрибди ва...

Секин-аста “Хабарлар”да вирус ўта юқумли бўлиб, дунёнинг бошқа давлатларига ҳам тарқалаётгани ҳақида тинимсиз, ҳа, тинимсиз жар солина бошлади. ОАВ, жумладан, интернет ижтимоий тармоқлари эса Ухандаги касаллик билан боғлиқ реал вазиятлардан даҳшатли лавҳаларни ёйинлади. “Карантин ҳолати жорий қилинди” дейилди. Тушундикки, бу ҳазил эмас. Москва ёки Истанбулдек мегаполислар каби сераҳоли бўлган Ухань шаҳри худди мозорга ўхшаб қолганди: кўпқаватли уйлар қабр-

лар янглиғ сўппайиб турар, кўчаларда зоф ҳам кўринмасди. Бу энди ғоят жиддий SOS сигнали эканлигига шубҳа йўқ эди. Ҳадемай, дунёнинг “манаман” деган супершаҳарлари худди шундай “қабристонлар”га айланди.

Бугунга келиб эса, “коронавирус” деб аталувчи вирус деярли бутун ер шари қуруқлигини қамраб олди. Энди у инсониятнинг умумий, муштарак дардига айланди. Бир пайтлар “Сайёрамиз – умумий уйимиз!” дегандек шиорлар бўларди. Ёки “Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун!” деб ёзиб кўйишиарди. Шу пайтгача ўша шиорлар кўпчилик учун шунчаки чиройли сўзлар йигиндиси бўлган эса, бугун ҳақиқатга айланди. Энди улар ҳамманинг – ирқидан, миллатидан, динидан, жинсидан қатъи назар, – кундалик шиорларига дўнди.

Аввало, бир аччиқ ҳақиқатни тан олиб кўйишимиз керак бўлади: коронавирусгача замонавий инсон ҳаддан зиёд “кўчаники” бўлиб қолганди. “Янги инсон” деган достонда камина бани одамнинг кўчага шунчаки чиқиб кетмаганини, балки юрагини тарқ этиб, ташқаридаги шовқинга асир тушганини изтироб билан тасвирлаганди. Энди кўрингки, тақдир шамоли гув этиб бир эсди-ю, ҳаммани уйига ҳайдади, уйига қамади... Майли, коронавирусни кимлардир Оллоҳ томонидан юборилган жазо десин, бошқалар айрим им-

периалистик давлатлар ўйлаб топган биологик курол десин, булардан қатъи назар, унинг бир тажриба, бўлгандаям инсониятга фоят қимматга тушган, тушаётган аччиқ тажриба эканлиги нақд гап. Демак, инсон хушёр тортиши керак! Вируснинг қандай пайдо бўлгани ҳали маълум бўлар, лекин бугун у башар аҳли юзига тортилган бир шапалоқ мақомида турибди. Уни тақдир одамларга синов сифатида юборди, десангиз ҳам аччиқ тажриба, дунёни бошқараётган кучлар биологик курол сифатида тарқатди, десангиз ҳам шу! Энди сиз билан биз юзимизга тортиб юборилган ана шу шапалоқдан сабоқ чиқаришимиз лозим бўлади. Демак, цивилизация туфайли кўчаларга чиқиб кетган эканмиз, энди уйларимизга шунчаки қайтмайлик, уйга қайтаркан, айни пайтда, юрагимизга, юракларга ҳам қайтайлик. Шундай қилинганда, умримиз, аслида, бир тутам эканлигини, бас, бу умрни инсон деган шарафли номга муносиб тарзда яшаш кераклигини, ёнимиздаги одамларга одамдек муносабатда бўлишимиз зарурлигини тушуниб етармиз, балки. Майли, ўнтамидан биттамиз тушунайлик, майли, ўша ҳақиқатнинг ўндан бирини ҳис қиласайлик, шунинг ўзи катта гап. Шунинг ўзи дунё жамиятларида соғлом кучларнинг кўпайишига, қувватланишига олиб келади. Бизга мана шуниси керак!

Демак, коронавирус минг-минглаб одамлар ёстигини қуритган, ҳануз қуритаётган эсада, инсоният учун чиндан ҳам аччиқ тажриба мактабини яратди. Эътибор беринг, кечагина кўкларни тўлдириб учётган самолётлар бугун ерларда, кечагина сувларни ёриб сузаётган кемалар бугун бандаргоҳларда, кечагина кўчаларни тўлдириб елаётган автоуловлар бугун гаражларда, кечагина дунёни забт этаман деб ҳовлиқиб юрган одамлар эса бугун уйларда - бошларини болаҳонадан чиқариб қарсак чалишгаю сўнг ичкари кириб қўл ювишга зўрга яраяпти, холос!.. Инсон томонидан уюштириладиган барча катта-кичик тадбирлар, концертлар, конференциялар, томошалар, спорт ва бошқа мусобақалар бир деганда тўхтади-қолди. Ҳаммани ўйлашга, фикр-хулосалар чиқаришга ун-

“Қани энди, бу дард ҳақида фақат фантастик асарлардагина ўқиган эсак!..

дайдиган оламшумул фоже ҳодиса бундан ортиқ бўлиши мумкинми?.. “Қани энди, бу дард ҳақида фақат фантастик асарлардагина ўқиган эсак!.. Тажриба деймиз, сабоқ-дарс деймиз, огоҳлантириш деймиз, булар не-не одамлар ҳаётларининг ҳазон бўлиши – нафаслари бўғилиб, даҳшатли иситмалар ичидан тўлғониб, кўзларида қотган ёш билан ўлишлари эвазига келаётганини қайси тарози ўлчаб беради?! Керакмиди бизга шундай тажриба?! Тажрибанинг аччиқлигига чек-чегара борми ўзи?!” дея ҳайқиргинг келади туриб-туриб.

Хуллас, ўша аччиқ тажриба бизларга ўргатдики:

ҳар куни ишга ё ўқишига, якшанба кунлари эса дўстлар билан тоқقا ё боққа, бир-бировимизникига меҳмонга боришлар... ҳазилакам баҳт эмас экан!..

кўчадан уйга кирганда ўғил-қизимизни, невараларимизни, яқинларимизни пешонасидан ўпib, бағримизга босиб қўйишлар чакана саодат эмас экан!..

қаршингдаги бегона инсонга ҳадиксиз қўл узатиб сўрашиш кичкина неъмат эмас экан!..

эрталаб уйкудан уйғонганингда, ўз оёқларинг, ўз ихтиёринг билан хоҳлаган томонингга бора олишингни билиш, ташқари чиққанингда эса ҳеч қандай тибниқобсиз Худо берган ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олишлар унақа-бунака озодлик эмас экан!..

Буни инсон, инсоният ўз иссиқ танасида си nab кўрди, кўрмоқда, ҳис қилди, ҳис қилмоқда...

Бироқ “пандемик уруш” бошланди, дея ҳамма ўз ишини ташлаб қўйса ёки уни ўзгартиrsa, эртага, дунё тинчигандан кейин бошқа “урушлар”га дуч келишимиз тайин. Бас, шунинг учун ҳам мен қеча нима иш қилган бўлсам, бугун ҳам ўша ишни давом эттиришим керак, деб ўйлайман.

Агар шундай қилмасам, эртага мамлакатда мих етишмай қолиши мумкин. Мих етишмаса эса...

Ривоят. Уруш вақтида мих тақчил бўлиб, тақачи уста қўшин саркардаси отининг туёғига битта михни кам қоқибди. Жангга кирар экан, тақа тушиб, от қоқилибди-ю, устидан учиб кетган саркарда ерга қаттиқ ийқилиб жон таслим қилибди. Саркардасиз, бошсиз қолган қўшин эса тумтарақай қочиб, юртни ёвга бой берибди. Қаранг, битта мих мамлакат тақдирини ҳал қилибди.

*Ҳар куни ишга ё ўқишига,
якшанба кунлари эса дўст-
лар билан тоқقا ё боққа,
бир-бировимизникига меҳ-
монга боришлар... ҳазилакам
баҳт эмас экан!..*

Қиссадан ҳисса шуки, кеча (коронавирусгача) тақачилик қилған инсон бугун ҳам тақачилик қилиши керак. Лекин бутунлай бошқа – юксак савияда! Агар тақа, тақачилик менсилмаса, күшин, юрт, ҳаёт... такрор бой берилади.

Ҳаётий лавҳа. Қишлоқда бир йил пиёз, бошқа йил саримсоқ, яна бошқа йили эса картошқаю сабзи қиммат бўлар эди. Қизиги, бу йил нима қиммат бўлса, келаси йили ҳамма ўшани экаман, дерди. Келаси йил, дейлик, кўпчилик картошқа экиб, бозорлар картошкага тўлиб, ҳеч ким унга қиё боқиб қўймас, натижада картошқа сувнинг баҳосига сотиларди. Қанчадан қанча дехқонлар “кавлашу бозорга олиб бориш ҳаражатини ҳам қопламайди”, дея картошкани ернинг ўзида қолдирғанларига гувоҳ бўлганман. Ёки ўрадаги сабзиларни ўраларда ириб кетишига ташлаб қўйишарди. Ундан кейинги йил эса кўпчилик дехқонлар бир йил аввал арzon бўлиб, хор бўлган картошқа ёки сабзини экмас, оқибатда унинг нархи осмонларга чиқарди...

Румийдан ривоят. Бир олим дengizning у томонига ўтиш учун қайиқقا чиқиб, йўлда қайиқчини гапга солиб:

- Навхни (тил грамматикасини) биласанми? - деб сўрабди.
- Йўқ! - деб жавоб берибди қайиқчи.
- Унда умрингнинг ярми беҳуда кетибди...

Зеро, кейинги гал ҳужум қайси томондан бўлишини ҳеч ким билмайди.


– дебди олим. Сал ўтмай, дengizda шамол туриб, қайиқ ағдарила бошлабди. Шунда қайиқчи тилчи олимдан сўрабди:

– Сузишни биласанми?

– Йўқ! – саросимага тушибди олим. Унда бутун умринг зое кетибди, – дебди хўрсиниб қайиқчи.

Эсланган бир ҳаётий лавҳаю икки ривоятдан хулоса шуки, халқимиз “бир товуққа ҳам дон керак, ҳам сув керак”, деб топиб айтганидек, инсонга ҳам, жамиятга ҳам ҳамма нарса керак. Бугун дунёда рўй бериб турган мудхиш пандемия туфайли соҳаларнинг бальзиларига эътибор бериб, бошқаларини менсимай, ўз ҳолига ташлаб қўйиш ўта хатарли оқибатларга олиб келиши муқаррар. Отдан йиқилган саркарданинг, сувга гарқ бўлган олимнинг, сабзию картошкасини ўраларда чиритган дехқоннинг ҳолига тушмаслик учун ҳам керак бу иш!

Хўш, мен буларни нима учун айтяпман?.. Шунинг учунки, бугун жаҳон ОАВ ларини, интернет сахифаларини кузата туриб, кўнглімда бир хавотир туғилмоқда. Хавотирки, энди дунё миқёсида





асосий капитал биология, химия, генетика, медицина, унинг вирусология, фармацевтика каби турли-туман шохобчалари ва бошқа ўхшаш соҳаларга ажратилиб, қолган тармоқлар эътибордан тушиши мумкин. Агар шундай қилинса, бугунги хато йиллар ўтиб яна тақорланади. Ахир коронавирус пандемияси шуни кўрсатдики, инсоният космосга чиқиб, ўзга сайёralарни тадқиқ этишу бир-бирига хавф солиш учун бомба ва ракеталарга сарфлашга миллиард-миллиард маблагни топибди-ю, лекин медицинаси битта бегона вирусни ўз вақтида жиловлай олмайдиган даражада қолоқлигича қолаверибида-да!.. Бас, шундай экан, инсоният ҳамма соҳаларни назардан четда қолдирмай баравар олиб бориши керак бўлади. Зоро, кейинги гал ҳужум қайси томондан бўлишини ҳеч ким билмайди. Эҳтимол, ер шари томон яшин тезлигида баҳайбат бир астероид учиб келаётгандир. Уни юксак даражада ривож топган вирусология соҳасининг энг сўнгги ютуқлари билан тўхтатиб бўлмайди. Бу борада сузишни билмаган олимнинг аянчли ҳолига тушиб қолишимиз ҳеч гапмас. Шуларнинг ҳаммасини ҳисобга олиб, жамиятдаги барча соҳаларни ривожлантириш умуминсоний ва умумзамоний манфаатга мувофиқ келади, дегим келади.

Эсимда, талаба бўлиш орзусига чўмиб, поездда Тошкентга келаётган эдим. Кечаси “пласкарта вагон”нинг иккинчи қаватдаги ўз жойимга чиқиб, тошдек қотиб ухлаб қолибман. Эрталаб поезд манзилга келиб пишқирди. Жанубий вокзалдан автобусга ўтириб, Олой бозори ёнида тушишим, кейин у ердан ижара уйга келишим керак эди. Йўл анча... Йўлҳақини олдиндан тайёрлаб қўяй деб, иккита тугма билан қадалган кўкрак чўнтағимга кўл тиқсан, пул йўқ!.. Унисига бармок урдим: қуп-қуруқ. Шимимни, сумкамни қарадим – бўм-бўш... Шунда пулни кис-савурларга олдириб қўйганимни тушундим. Бориб кондукторга ҳолимни айтсан, аччиғи чиқиб турган эканми, мени ҳақорат қилиб автобусдан тушириб юборди. У пайт анча фўрман денг, муносиб жавоб беришни ҳам эплолмадим. Роса алам қилган лекин. Олисдан одамлардан йўл сўрай-сўрай салкам 15-20


километр йўлни яёв босиб, кеч тушгандагина ижарали уйга кириб келганман. Ўшанда биласизми, нимани ўйлаганман: изкувар бўлишини! Яъни прокурор ёки ҳакам бўлиб, мени тунаган ўғриларга ўхшаган жамият “шоқол”ларини топиб жазолаш ўтида ёнганман. Лекин эрталабгача бу ёниш пасайган ва мен ўзим болалиқдан орзу қилган университетга ҳужжат топширганман. Агар ўша кайфият, ўша ёниш таъсирида ҳужжатларимни ҳуқуқ ўйналишига топширганимда нима бўларди? Яна битта ноқобил, ўз ишини севмайдиган баҳтсиз мутахассис пайдо бўлиб, ўзига ўзгаларга зарар келтириб яшарди.

Шунинг учун ҳам ҳамма ўз ишини, ўзи севган, ўзи билган ишини адо этишда давом этиши керак. Пандемия таъсирига берилиб, айрим соҳаларни ривожлантириш учун кенг имкон яратиш, бошқаларини ўз ҳолига ташлаб қўйиш ёки бутунлай йўқотиб юбориш вақтлар ўтиб бошқа соҳанинг “пандемияси”ни келтириб чиқариши муқаррар.

“Инсон табиатни ўзига бўйсундирди, у энди ер юзининг ягона ҳукмдори”, деган олифта хитобларни хўп эшитган, ўқиган эдик. Тан олайлик, ўрни келганда, ўзимиз ҳам ҳаётимиз мобайнода ушбу ёлғонни, ҳеч йўқ, бир марта бўлсин, ишлатганимиз. Чунки унинг қалбакилигини билмаганимиз, чин деб ишонганимиз. Хўш, энди-чи? Неча минг йиллардан бери ҳайвоноту наботот оламини қандай ҳақир кўрган бўлсан, энди кўзга кўринмас бир зарра келиб инсон деган ўша “хукмдор”ни ер билан бир қилди-ку!.. Ўша зарра маҳлук инсон деган мукаррам зотнинг ўлигини хўрлаб, тиригини қаршисида тиз чўқтириди-ку!.. Майли, вақтлар ўтиб, вируснинг давоси ҳам топилар, топилмоқда ҳам. Ана ўшанда инсон яна ўз мавқенини қайта кўлга киритади. Баъзи хотираларни унутмаслик ёмон бўлса, баъзиларини унутиш ёмон! Бу ўринда унутиш даҳшатdir! Зоро, вирус қайта туғилиши мумкин. Мен ўринисиз пессимизмни ёқтиргмаганимдек, саёз оптимизмни ҳам хуш кўрмайман. Агар чиндан ҳам ақлли жонзор эсак, ер юзининг гултожи, суйиб-сайлагани бўлсан, буни – вирус туфайли не кўйларга тушганимизни унутишга ҳаққимиз йўқ. Унучсан, ҳаммаси тақорланади: биз қайтадан яна тиз чўқтириламиз. Балки тур сифатида бутунлай йўқ этилармиз ҳам. Бу ҳақида ўйлаш жуда оғир. Аммо аччиқ тажрибани унутмаслик билан эртанги кунга ишонч уйғотиш мумкин. Нажотимиз шунда. Демак, нажот ҳақида ўйласа бўлади. Демак, жилмайишга асос бор. Ҳа, кўзларда ёш билан жилмаямиз. Ҳадемай, куёш ҳам чиқади ва биз яна қаҳ-қаҳ отиб кула бошлаймиз... Тезроқ келсин ўша кунлар, тезроқ!..

ХАЁТИМДАГИ БИРИНЧИ ТОМОША ТЕАТР ЭКАНЛИГИНИ ОНАМ АЙТГАН

Қишлоқнинг эгри-бугри, чанг кўпчиган йўллари, лойсувоқ, эрта баҳор томида қизғалдоқлар очиладиган уйлар олдидан илдамлаётган одамлар орасида она-бола кўзга ташланади. Болакай қариндошлари қуршовида қўшни Ўш вилоятига кетаётганидан бошқа нарсани билмайди. Гоҳ пиёда, гоҳи эшакда ўртоқлари билан бориб-келиб юрган болакай бу гал онасининг етовида келган жойида ажаб томошанинг устидан чиқди. Қилич ва қалқонлар билан қуролланган одамларнинг жиёдий чехраси, ҳайқириқлари, қаҳқаҳаларию йигила-рини кўриб, бир зум маҳлиё бўлиб қолди. Томоша қанча вақт давом этди, билмайди, қайтишида у онасидан қаерга борганинги сўради. “Биз сиз билан театрга бордик, ўғлим”, деган жавобни эшилди. “Teatr” деган сўзни биринчи марта онасидан эшилган ва кейинчалик бир умр юрагида шу сўз алганга-ланган болакай кун келиб эл ардоғидаги санъаткор, театр саҳнасини саждагоҳдек муқаддас билган актёр, Ўзбекистон халқ артисти Эркин Комилов бўлиб етишади.



Англаганингиздек, бугунги саҳифамиз халқимизнинг суюкли санъаткори Эркин Комиловнинг сизу бизга таниш роллари, театр ва кино оламида яратган минглаб, беқиёс ижролари ҳақида эмас, балки волидай муҳтарамалари ҳақидаги соғинчли хотираларга бағишлиланади.

– Болалик йилларим Андижон вилояти, Қирғизистон билан бир ариқ сув ажратадиган чекка қишлоғида кечган. Биз урушдан кейинги болалармиз, шунинг учун қишлоқ ҳаёти болаларни эркалатмаган. Суягимиз меҳнатда, машақатда қотган. Пахта териш, ягана қилиш, кўсак теришу экинларни сугориш каби ишларда катталар билан елкама-елка ишланганимиз. Эрта баҳордан то кеч кузгача мактабдан кейин оч-юпун бўлиб далага кетардик. Аммо нолимасдик.

Шундай пайтларда ҳам китоб билан кечган узун ва ёруғ тунларимизни яхши эслайман. У пайтларда китобларимиз токчалару жавонларда ярақлаб турмасди. Сандалнинг тагидан, гилам остидан, ундан кейин похолнинг тагидан

уралган китобларни олиб, дадам раҳматли дўстлари билан ўқишиарди. Бу Қодирий, Чўлпон каби қатағон курбонларининг китоблари эди. Болалигимга бориб, китоблар аслида шундай сақланиши керак экан, деб ўйлардим. Аслида эса бу асалар даврнинг силсиларидан асралган, халқнинг мулки, маънавияти экан. Дадам сингари зиёлилар бундай китобларни шу тарзда сақлашган экан. Ҳозир ҳам шу адабиётларни уйимда асрайман. Фақат ҳозирги шукронга кунларимизда бу китоблар эмин-эркин жавонларимда туради.



Онам Хайринисо ая жуда камтар, шу билан бирга чаққон, тўғри сўзни юзга айтадиган аёл эдилар. Оз эмас, кўп эмас, йигирма иккита фарзанд кўриб, фарзандлари туравермагач яна бир болани боқиб олган ота-онамдан ҳалоллик, тўғри сўзлик ва мардликни ўргандим.

Бугун биз тўрт фарзанд улардан олган ўғитлар сабаб, умр йўлларида қоқилмадик деб ўйлайман. Чунки камта-

рона ҳаётимизда улар биз болаларига доим ўрнак эдилар. Аям билан Ўшга бориб илк марта кўрган томошамнинг театр эканлигини, бу ном қалбимга ўша куниёқ чукур ўрнашиб қолганлигини йиллар давомида англадим. Бу сўзниңг жозибасини, сехрини онаги- нам дилимга чиройли қилиб нақшлаб қўйганларини сезмаган бўлса керак. Мактабларни битириб, бўйим чўзилиб, пойтахтга театр институтига йўл олганимда дадам Андижон вокзалига кузатиб қўйганларини бот-бот эслайман. Чунки ўша кунги насиҳати, ҳаётим давомида менга дастуруламал бўлди. Қўлимга жома- дон, чўнтағимга 27 сўм пулни соглан отамнинг ўшанда: “Эркинбой, ўғлим, қулоқ тут, бирорнинг ҳақини олмагин, ўзингникини бермагин, доим мард бўл!” деган сўzlари қалбимга чукур ўрнашган. Талабалик чоғимда ҳам у пайтлари қўл телефонлари йўқ, уйга хат ёзардим, хат олардим. Бир гал дадамдан шундай хат келганки, унда “Жиноят ва жазо”ни ўқишимни айтганлар. Шу асарни икки марта ўқиб чиққанман. Ота-онам мактубларида ҳам мени тергаб, насиҳатлар бериб турадилар.

Аяжоним бирорда бир айб кўрса, юзга айтади- ган одатлари бор эди. Кўча-кўйда очиқ-сочиқ юрган қизларни кўрса, тўхтатиб, дакки бериб ўтишдан эринмасди. Ҳатто бир гал уйимизга санъаткор аёл- лар борганда, ҳамкасбимиз бўлган аёлнинг кўйлагига қараб туриб, “Қизим, бошқа кўйлагингиз йўқмиди, ундей юрманг-а, айб бўлади, ахир сиз элнинг кўзи- даги одамсиз”, дея оналарча койиб берганди. Кейин исрофгарчиликни ёмон кўрарди. Уволдан кўрқинглар, деб кўп бора айтарди. Дастирхонга ортиқча нарса кўймасди, ҳашамни хушламасди. Яна яхшигина алёр- лар, аллалар айтгувчи эди. Ширали овозлари бор эди.


Онам илмли аёлларни, отинбувиларни яхши кўрарди. Хокисор, камбағал, қўли очиқ, танти одам- ларни жуда хушларди. Уларга қўлидан келгунча ёр- дам берарди. Болалик хотираларим ичиди онам билан тоғамларникига борганларимизни кўп эслайман. Тоғамнинг уйлари қишлоғимиздан йигирма чақирим нарида бўлгани учун бизни кўриб жигарларим келди, деб қулоқ очиб кутиб олардилар. Дарров дастир- хонга буғдой нон, майиз, туршак, ёнғоқ қўярди. Ўша нондан ҳаммага ушатиб берарди тоғам. Кейин ёнига чорлаб, менга афанди айттирарди. Тоғамнинг кенг, иссиқ бағрида ўтириб олиб афанди айтиб ҳаммани кулдирардим. Даврамиз қаҳқаҳага тўлиб кетарди. Бо- ла-бақра, қариндошлар йиғилиб, ярим тунгача чироқ ёруғида сухбатлашардик. Қайтишда йўл-йўлакай ҳам онам жуда қизиқ воқеаларни сўзлаб берарди. Мен шодон, олдиларида қувнаб кетганимдан йўл олисли- ги, мashaқатини билмасдим...



*Ўша ерда бўлганлар-
нинг ҳаммаси онамга
ҳавас билан қарашига-
ни фарх билан гапи-
риб юрадилар. Ҳа,
онажонимиз шунақа
тўғрисўз, дадил аёл
бўлганлар.*

Яна бир воқеа. “Гирдоб”даги ролим билан машҳур бўлган пайтим. Онам қишлоққа қайтишда автобусда тикка туриб қолибди. Манзилга етиб, тушаётгандা ҳайдовчи онамга: “Йўл ҳақини тўла-майсизми, ая?” деса, онам “Биринчидан, мошинингизда тик оёқда туриб келдим, болам. Иккинчидан мен Эркин Комиловдек йигитни халқ хизматига туғиб, катта қилиб бердим”, деган экан. Ўша ерда бўлганларнинг ҳаммаси онамга ҳавас билан қарашганини меҳрибоним фарх билан гапириб юрадилар. Ҳа, онажонимиз шунақа тўғрисўз, дадил аёл бўлганлар.

Онамнинг шахарда йўқолиб қолганиям ҳеч ёдимдан чиқмайди. Рўза пайти эди. Бизнигига мөхмон бўлиб келганларида, зерикибдими, кўчага айлангани чиқиб кетибди. Бозорга борганми, дўкон айланганми, ишқилиб уйимизни тополмай



қолганлар. Уйдан қўнғироқ қилиб онам уйдан чиқиб кетганига анча бўлгани, қайтиб келмаётганини айтишганида капалагим учиб, хаёлим бузилди. Театрда эдим. Онаизорим бу катта шаҳарнинг қай бурчидা адашиб юрган эканлар, деб фифоним фалакка чиқиб турсам, бир ички ишлар ходими онамни етаклаб келиб қолди. Ёш боладек қувониб турган онамни бағримга босдим. “Нега бир ўзингиз чиқдингиз, ая?”, десам, “Вой Эркинжон болам, яхшиям номингиз бор экан, бўлмаса Тошкентда йўқолиб қоларканман-да”, деганлар соддалик билан.

Дунёда шундай улуғ зотни яратган тангрим улуғ сифатни ҳам берган. Бу туганмас меҳр экан. Бугун ўтаётган умримда ортга қараб, бир этак фарзанд кўрган волидамни рози қилдим, дея олмайман. Зоро, фарзанд ота-онасини рози қилиши, унинг олдидағи қарзини узиши даргумон. Тасалли шуки, онам озми-кўпми рўшнолигимни кўрди, деб ўйлайман. Ўзбекистон халқ артисти деган улуғ унвонни олганимда хурсанд бўлган аям ҳаяжонланиб нишонни қўлига олдилар-да, чиройли экан-а, болам, дедилар. Фарзанди билан фахрлангани, мендан рози бўлиб турганлигини ич-ичимдан ҳис этганман ўшанда. Шу ютуқ, қувонч сўнгиси эканлигини хом сут эмган банда қаердан ҳам билибман. Ўша йили онагинам уйимда, ўз қўлимда вафот этди. Шундай беозор ва маъсум кетдилар. Кейин... Кейинги ҳаёт ўз йўлида давом этавераркан, бироқ онасизлигингизни, бу оламда ёлғизлигингизни, етимлигингизни бошга мусибатлар, ғамлар келганда янаям чукур ҳис этаркансиз... Ўйласам, халқ учун хизмат қилибман-у, онамга ёлчитиб хизмат қилмабман, Ҳажга олиб бора олмабман. Ҳозир имкониятим бор-у, онам йўқ... Дилдаги армон эса вақтни ортга қайтара олмаслигимиздир.

Наргиза АСАДОВА



Мен, онам ва

Ўрта Ер денизи

Хикоя



Исажон СУЛТОН

Онам билан Ўрта Ер денизи соҳилидамиз.

Поёни кўринмас яшилтоб сувлар тинмай долгаланади. Чагалайлар чийилаб учишади. Узоқларда оппоқ яхта кўпикли из қолдириб сузуб бормоқда.

Чап томонимизда сув қаъридан бош кўтарган кичик тоғлар кўзга ташланади. Устида сийрак арчалар ўстган, ораларида оқиш қоялар кўриниб турибди. Бу ерларнинг ҳавоси тоза, чанг йўқ, балки намлик кўплиги туфайлимикин? Қизиши ўйлакалар йилтирайди, баҳтиёр сайдёхлар тўда-тўда кезишади. Биронтасининг юзида ташвиш кўрмайсиз.

Бошига қизил қалпоқча кийган йигитча патнисда чой опкелади.

— Sorry, do you want a cup of tea or maybe drink some?

— Ҳа, яхшимисиз, болам? — дейди онам. Кейин савол назари билан менга қарайди:

— Чой-шарбат ичасизми, деб сўраяпти.

— Қанақа чой экан?

— Аччиқ, қора.

— Сўра-чи, кўк чойи йўқмикин?

Куламан.

— Бу ердагилар унақасини ичишмайди.

— Ростданми? — ҳайрон бўлади онам.

Ўтган-кетгандар она-болага қизиқсиниб тикилишади.

Ўтирибмиз икковлон, тош устида.

— Роса чуқур бўлса керак-а? — дейди онам сув шовуллашига, оқ чағалайларга маҳлиё бўлиб. — Қара-я, қанақа экан дентиз деганлари?

— Ҳа, жуда чуқур.

— Тавба, худойим шунча сувни яратибди-ю ичиб бўлмайдиган қилиб қўйганини кўр!

Бу маконларга уни қўярда-қўймай олиб келганман. Шу гўзалликларни, шу оромни жуда илингманман. Кўрса завқланади, қалби қувнайди, деганман. Саҳролару тоғ-тошлар оша учача, ниҳоят, манзилимизга қўндиқ. Улкан аэропорт, одам қайнайди, ҳар турли кишилар оломони бир лаҳза бўлсин тинмайди. Тизилишиб кетган ялтир-юлтир дўйонлар, охири кўринмас ўзиюрар зиналар...

— Your attention, please! Flyght Air France number five five two to Paris is boarding now. Passangers are requested to proceed to gate number two two one¹.

Бегона тиллардаги мана шу шовқин-сурон аро онам ҳар ёнга аланглайди.

— Роса сув ичгим келди-я. Боядан бери излайман, бирор жойда кўрмадим?

— Бу ерларда сиз билган шарқираб оқиб ётган сувлар йўқ-да, — дейман қулиб. — Сотиб олиш керак.

— Йўғ-э? — ҳайрон бўлади онам. — Сувни-я?

— Сиз ўтириб туринг, мен ҳозир...

Бориб сув опкеламан. Одамлар сувни тўғридан-тўғри идиш оғзидан ичишаверади. Онам эса ўйланиб туриб “Пиёласи йўқмикин”, деб атрофига аланглайди.

— Шундоқ ичаверинг, қаранг, ҳамма шунақа қилияпти.

— Э йўқ, қўйсанг-чи, уят бўлади.

Қайтиб бориб, қозоз финжон олиб келиб, қуйиб узатаман.

— Бу ернинг суви ичишга ярамайди, — деб тушунтираман. — Шу сабабли тозаланганини ичишади.

— Вой, бечоралар...

Бир соатча вақт ўтгач, ўз учогимизга чиқамиз-у, кўзлаган манзилимизга етиб келамиз.

Бу — денгизнинг шимолий соҳили. Субтропик иқлимининг нам ҳавоси бетга уради. Қайдандир шабада шўр исини олиб келади. Биз отини билмайдиган анвойи дараҳтлар барқ урган, ҳар тараф озода, топ-тоза.

Сайёҳларни кутиб олиш хизмати аллақачон шай турган экан, тез орада сароймонанд муҳташам масканга етиб келамиз. Олтинкори нақшлар кўзни қамаштиради. Тўхташимиз билан хизматчилар чопиб келиб, юкларимизни олишади.

— Вой, қўйинг, болам, — дейди онам бўхасини олган йигитчага. — Енгилгина-ку, ўзим обораверман. Сиз овора бўлманг.

Йигитча ҳайрон бўлиб қарайди, кейин аравасини фиддиратиб, бир дунё юқ билан кутиб турган бошқа кишилар ёнига кетади.

¹ “Дикёт қилингиз! 552-рейс билан угувти “Эйр Франс” Париж угоғига тиқиши эълон қилинади. Йўловчилар 221-угун ўйлагидан тиқишилари мумкин”.

— Одобли бола экан, таълим берган ота-онасига раҳмат, — дейди онам.

— Она, буларнинг вазифаси шу.

— Вазифаси шу бўлсаем-да, — дейди она. — Кулиб туришини қара. Хўмрайса нима қиласдинг?

Икковлон “Оилавий” дейилган бир хонага жойлашамиз.

Бунаقا хоналарга бир эшиқдан кирилади, аммо ичкарисида ёнмаён иккита хонаси бўлади. Ҳар тараф ораста, сочиқлар оққуш шаклида ўраб-таксаб қўйилиби. Ётоқларни кўздан кечираман.

— Ҳой бола, — дейди онам. — Кап-катта бўлсанг ҳам эсинг кирманти-я? Еч оёғингдагини!

Қарасам, ўзи оёқяланг бўлиб олиби.

— Бу ерда бўлаверади, она, — дейман. — Ҳар куни икки мартадан тозаланади.

— Бекор айтибсан, — дейди онам. — Тозалашар экан деб оёқ ости қила-верасанми? Ўша фаррошлар ҳам одам, меҳнатини қадрламайсанми?

— Хўп-хўп, — дейман кулиб.

Саҳарлаб онам мени уйғотади. Эҳ-ҳе, қанчалар соғинганман шу сасни, шу уйғотиши. Жилмайиб уйқудан кўз очиш саодати қанақа бўлишини билсайдингиз! Онангиз койиб уйғотишининг фарогатини туйсайдингиз!

— Ҳой бола, тур! Мусича “ку-ку” лаяпти, кун ёйилиб кетди.

Мусича? Бу ерда мусича бор эканми?


Ростдан ҳам қайдандир — баҳайбат япроқли палмалар, тўп-тўп шамшодгуллар орасидан ўша қадрдан сас эшитиляпти. Кўз ўнгимга айвонимиз, тоб ташлаган устунлар, михга илиб қўйилган чўпсават, хас-чўп ташиб “ку-ку” лаган құшлар, барқ уриб гуллаган бодом келади.

Онам хушдол, жилмайиб турибди.

Ўзимча ҳазиллашаман, онаизор эса қувнаб кулади. Бундай қувнашини кўп йиллардан бери энди кўрмоқдаман.

Мен университетга ўқишига кирганимда шунаقا қувнаган эди. Қизим туғилганида ҳам... Баъзан байрамларда, ҳайитларда кўйлак олиб берсан шунаقا суюнади.

Мана, узоқ эллардамиз-у, аммо қўзида ўша, ўзим яхши кўрадиган севинч учқунлари.



Юради, аланглайди. Теваракка разм солади.

Арчалардаги олмахонлар шоҳдан-шоҳга чопишади. Онам уларни кўриб, боладай суюнади. Олмахонлар одамлардан ҳайиқишимайди, биттаси олд панжаларида бужурини тутиб, кичкина қора кўзларини бизга тикиб турибди.

— Вой, айланай, — дейди онам.

— Мунҷоқ кўзчаларини қара! Ҳай, жонивор, келақол, ўргилай сендан!

...Овқат маҳали ресторонга кирамиз.

— Вой-бўй, — дейди онам у ердаги неъматларни кўриб.

Ҳақиқатан ҳам, дунё миқёсидағи кўнгилочар масканларнинг мижозларга хизмат тизими беҳисоб егуликларни қалаштириб ташлаган. Тўртта ресторанда одам гужрон. Кишилар кўлларида товоқчалари билан айланиб, кўнгиллари тусаган нарсани олишяпти. Таомларнинг саноғига етолмайсиз. Бир томонда тўп-тўп ширилниклару мевалар, турли ҳалқларнинг

тансиқ таомлари, итальянларнинг ҳар хил пиццасидан японларнинг “суши” сигача бор. Олaver, дейди замонавий маркетинг. Истаганингча завқлан, лаззатлан! Биз фақат сенинг ороминг учун хизмат қиласми! Нарироқда анча-мунча киши қовурилаётган тухумга навбатга туришибди. Булар — эрталаблари қўймоқ еб ўрганган кишилар. Баъзилари бола-чақаси, оиласи билан келган, калта шим кийган чол-кампирларгача бор. Аммо онаси билан келган ўғил кўринмайди.

Онам озгина овқат олди. Бориб, гиолос шарбати опкелиб бердим.

— Шу холосми? — дедим кам еганини кўриб. — Мўл-кўл-ку, тўйиб еб олмайсизми?

— Қўйсанг-чи, — деди онам. — Қорним озгина нарсага тўяди. Исроф бўлмасин...

Теваракни айланамиз. Палмалар типпа-тик бўй чўзган, хитой атиргуллари бутадай бўлиб ўсиб кетган. Ҳавода чучмал ис бор.

Дарахтлар орасидаги ғалати чирилдоқлар қаттиқ овоз чиқарып чириллашади.

– Мунча бақирмаса? Ўзимизнинг чирилдоқларми шулар? – деб сўрайди онам.

– Йўқ, бошқача, – дейман. – Бор-йўғи икки кун яшайди. Жуда қаттиқ чириллаб, бақира-бақира ёрилиб кетади.

– Э тавба, ўзимизнилар эслироқ экан-да, – деб кулиб юборади.

Оқшом қўнган.

– Тавба, кечалариям бир бошқача-я, – дейди онам.

– Худо кечаниям ҳар турли қилиб яратиб қўйганини кўрмайсанми?

– Нимаси бошқача экан?

– Билмадим. Чиройли-ю, аммо бошқача-да... Одамлари-чи? Бирор билан бирорвнинг иши йўғ-а...

Тунги кафелар атрофида оломон зич. Кайфу сафо масканларида ҳавога мушаклар отилади. Салдан кейин ёнгинамизда бир нима қаттиқ гумбурлайди: мусиқий кўнгилхушлик бошланади. “Оборайми?” деб сўрайман онаизордан.

– Йўқ, – дейди онам. – Ундан кўра юр, денгизга борамиз...

Сарин кечада она-бала қўл ушлашиб, соҳил томон кетамиз.

Чароғон чироқлар ёғдусида қорамтири тўлқинлар ийтириади. Кечки шамол турган, уни “бриз” дейдилар. Соҳил тинч, ҳеч ким йўқ. Сал нарироқда, палмалар остида севишган жуфт кўзга ташланади.

Онам ўйчан.

– Она, нималарни ўйлајпсиз?

Индамайди.

Ҳавога булат чиқади. Биз билгандай эмас, пағапаға, қорамтири-кулранг. Уни денгиз ичкарисидан шамол суриб келади. Шамол сувни ҳам, булатларни ҳам бирдай суради.

Денгиз долгалана бошлайди.

– Балиқлари ҳам бўлса керак?

– Ҳа, албатта.

– Бўлади-да, – дейди онам. – Ҳовлимизнинг этак томонидаги кичкина ариқча бор-ку, баҳорда қарсанг, ўшани сувидаям минглаб майдо балиқ митлилаб сузиб юрарди. Шундай катта денгизда бўлмасинми?

Яна термилади.

– Она, бир жойингиз оғримаяптими?

– Йўқ, болам.

– Нимага бошқача бўлиб қолдингиз?

– Ўзим...

Икковлон жим қоламиз.

“Онам... ўзгариб қолибди-ку?” деб ўйлайман билдирмасдан разм солиб.

Қаддини тик тутиб, мағрур юришлари ўша-ўша, бироқ аввалги шиддати сезилмайди. Секинроқ, авайлаброқ қадам босади. Мен олдин кўрмаган, пайқамаган кўп хавотирлар бор бу қиёфада.

Шу маҳалгача онам ҳали тетик, ўзини олдирмаган деб ўйлар эканман. Бир оз юрса тинкаси куриётгани, оғзи куруқшаб “Сув йўқмикин” дейишлари, салдан кейин ўтиргани жой излаб алангашлари... Қўлини кўзларига соябон қилиб узоқ-узоқларга қийналиб термишлишлари... кексалик деган бир куз фасли онамнинг умр боғига етиб келганини кўрсата бошлабди.

Ҳа, онам ўзгарибди. Мента боладай итоат қилиши-чи? Бошқа йўлакка қараб кетаверса “У ёққа борманг” десам, “Хўп” деб ортига қайтишлари, қайга борсам эргашишлари, ҳудди боламдай итоаткор бўлса-да, бу ҳам етмагандай, чиройли манзаралару хуштаъм егуликларни илинишлари... бир завқимни келтирса, бир хавотиримни оширади. Ҳар дийдор онода ёнида бўлиб, шуларни сезмаганимни қаранг.

Мусиҷа овози яна хаёлимни бўлади.

– Тавба, – дейди онам. – Ўзимизда Зухра ая деган бир хотин бор, – дейди кейин. – Тошкентта келаётганида томоғига нон увоги тиқилиб қолибди. Сув исчаям кетмасмиш, йўталсаям чиқмасмиш. Тошкентга етиб келиб, энди дўхтирга обoramiz деб туришса, ўғли елкасига бир урган экан, отилиб чиқиб кетибди, дегин. Бир мусиҷа нон увогини шундоқ чўқибдию пир этиб учиб кетибди. Худойим ўша күшчанинг ризқини шунча жойдан томогимнинг ичидаги олиб келди-я, битта мусиҷани деб жоним қанча қийналганини айтмайсизми, дейди. Биз ҳам эл-юртдан узилиб шунча олисга келганимизнинг бир ҳикмати бордир, йўлимиизни бежиз шу ёққа бурмагандир?

* * *

Онам ҳардамхаёл, қошларини чимириб-чимириб, бир нималарни ўйлајпти.

Тик қадли шамшодларга, улкан чинни атиргулларга термилади, ям-яшил барқут япроқларини силаб кўради-ю, хаёли ўзида эмас.

Тагин денгиз бўйига чиқамиз, ўша ердаги таҳта ўриндиқлардан бирига ўтирамиз.

– Яна нималарни ўйлајпсиз, она?

Тириш юзларига, ўзим яхши кўрадиган ғадир-буудир қўлларига тўйиб-тўйиб қарайман. Онам узоқларга тикилади, ўйларини билиб бўлмайди.

Бир маҳал кўзидан ёши дув этиб оқиб кетади.

– Она? Нима бўлди?

– Билмасам, – дейди ўзини тўхтатолмай. – Ўпкам тўлиб кетди, болам.

Теваракка термилади, рўмолининг учи билан мижжаларини артади-ю, ҳеч ўзини босолмайди.

– Нима бўлди, жон она?

– Энанг... – дейди ёш боладай ҳиқиллаб. – Келишимизда дунёда шунаقا чиройли жойлар бор, сизга илиндинг девдинг-ку? Мен ҳам энангга илиниб кетяпман...

Елкалари силкиниб-силкиниб, ўпкаси тўлиб-тўлиб йиглайди. Не қиларимни билмайман.

Бир гапиради, бир ўксинади.

– Болам-чақам деб сира тинмасди бояқиши. Иссиқларда совуқларда жонини жабборга бериб уринарди. Далаларда ишларди, етмаганига сигирга емиш бўлсин деб тутқатор ораларида ўт ўриб, ўшанча жойдан бошига кўйиб кўтариб ҳам келарди. Шом қўниб-қўнмай овқатга уриниб кетарди, эрталаблари аллақачон сут соғиб, ҳовлини супуриб, ўчоқда чой қайнатиб улгурган бўларди. Бу жойларга қараганим сайин эсимга энанг келяпти...

Денгиз шовуллайди, тўлқинлари кўпикланиб оёқлари остига бош уради-да, ортига қайтади.

– Мехнатлар, заҳматлар, қанчадан-қанча қийин машақатли кунлар, ўйласам, ичим тўлиб кетяпти. Отанг, сингилларинг, қўни-қўшниларим барি кўз

олдимга келиб туришибди. Болажон, бу жойлар ниҳоятда ажойиб экан... Умрим бино бўлиб кўрганим дастурхонда бир бурда нон-чой, нонпалов, ёвғон бўлди. Етти пуштим етти ухлаб тушига кирмаган жойларга опкеб қўйдинг-у... Мана, эртага тонг ҳам отади. Шу чиройли сувлар адогидан күёш чиқиб келади...

Ўксинишларини кўриб, меҳр билан бағримга босаман, уммонларнинг эркин шамоли юлқилаётган рўмолини тузатаман. Муштдайгина, ёш боладай бўлиб бир нималарни гапираётган онаизоримни юпатолмай ҳалакман.

– Жон болам, кетайлик ўзимизни юртларга, – дейди она. – Сен сира хафа бўлма, аммо мен бунаقا жойларда юролмас эканман.

Саҳарлаб яна соҳилга чиқамиз.

– Вой, тўлқинланишини! – деди онам, соҳилга шовуллаб урилаётган катта-катта долгаларга боқиб. Кейин худди одамдай ҳол-аҳвол сўрайди. – Ҳай, яхши ётиб турдингми сен ҳам?

Онаизоринг кайфияти яхши.

– Денгиздан ҳам ҳол-аҳвол сўрайдими?

– Сўрамайдими? Шу бечораям худойимнинг маҳлуқи...

Тўлқинлар келиб, яна оёғига бош уришади.

Онам денгизга қаратса шундай дейди:

– Бўпти, биз кетяпмиз. Яхши қол.

Қирмизи йўлаклардан бораётсак, онаизор бирданнiga тўхтайди. Дарахт шоҳида бир нимани кўриб, жилмаяди. Қарасам – олмахон! Қўлида ҳануз бужури, мунчоқ кўзларини тикиб туриби.

– Сен ҳам боргин биз томонларга, хўпми? – дейди онам олмахонга.

Юкларимизни тартибга келтираман. Онаизоринг кайфияти яхши, ҳужжатларни тўғрилагунимча бўхласини тиззасига қўйиб, шоҳлар тахтидан қолишмайдиган ором ўриндиқларининг бир четида ўтириби.

Бепоён денгиз соҳиллари шу тариқа ортда қолиб кетади.

“Эҳона, – дейман. Қадимий шаҳарларни, сув устидаги манзилгоҳларни, фор-қишлоқларни, шоҳ саройларинио қўхна ибодатхоналарнинг улугворлигини, бепоён уммонлардаги улкан юнусбалиқларни, кечалари ўзидан нур таратиб сузадиган денгиз ажойиботларини кўрсатаман, деган эдим. Ҳақиқатан ҳам узоқ йиллар сира тиним билмадингиз, томорқалардаю далаларда жонингизни жабборга бериб меҳнат қилдингиз. Иссик қайта бошлаган ёз оқшомларида оила жамулжам, кўнглингиз қониқиши ила тўлиб-тўлиб овқатлар пиширдингиз, шунча болани вояга етказаман деб уриниб-тиришдингиз. Ажойиб елканли кемаларни, куй ҷаладиган қоятошларни кўрсатаман, дегандим-ку? Ҳа, дунё шунаقا кенг, шунаقا ажойиб, шуларга маҳлиё бўлиб, қалбингиз бир дам яйрайди, деган эдим...

Бўлмади-ку?”

...Аэропортта келамиз. Сафар қариби.

Нотаниш тиллардаги турли-туман эълонлар орасидан бирданига иссиқ, қайноқ бир сўз янграйди:

– Your attention, please! Flyght Uzbekistan Airlines number two seven two to Tashkent is boarding now. Passangers are requested to proceed to gate number two two five².

– Вой, Ўзбекистон дедими? – атрофиға аланглаб сўради онам.

– Ҳа она. Тошкентта учадиганлар фалон жойга борсин, деяпти.

– Отингдан айланиб кетай, қулогимга бирам иссиқ эшитилди-я, – дейди онам. – Юрақол, болам.

Онам менга хушхол қараб турар, нигоҳида севинч балқирди. Ўша, мен университетга ўқишига кирганимдаги, қизалогим туғилганидаги, янги кўйлак олиб берганимдаги севинч...

– Умрим бино бўлиб дengизни кўрмаган эдим,

– дейди онам ўйчан. – Қара-я, ниҳоятда бепоён, шовуллайдиган бўлар экан. Халқини шу боқар экан-да... Тавба, кимдир шунаقا жойларга келиб маҳлиё бўлиб, маза қилиб дам олиб кетса, мени ўйлаганларимни қара, – деб хушхол кулади. – Энди, шунақаман-да, болам. Эл-юртсиз денгизијам, тоғиям татирмиди? Мана, шунча кун юрдик-у, еганим ичимга тушмади. Худо яратиб қўйган шу мўъжизаларни бир ўзим кўраётганимдан иймандим. Сингилларинг, амма-холаларинг, тоғаю амакиларинг, тумонат ҳалқ туриби у ёқда. Қўшни тўй бошлаб қўювди, тоганг қиз чиқармоқчиди...

Кейин чиганоқ парчасини кўрсатди.

– Шуни олвoldим, – деди. – Сувда чиройли кўринади дединг-ку? Обориб кўрсатай, қулогига тутиб шовуллашиниям эшитишсин. Худо хоҳласа, кейинги гал ҳаммамиз келамиз, ўшанда маза қилиб яйраймиз.

Нимаям дердим? Ўҳ-ҳӯ, шунча одамни олиб келиш осонми? Лекин онамнинг сўзлари қалбимга қувват бахш этди. Ҳа, албатта келамиз. Ахир, бир ўзим учун эмас, яқинларим, жигарларим учун тер тўкаман-ку? Шуларнинг қувнаши, яйрашини истайман-ку? Бир менгина эмас, юртда ҳеч ким ёлғиз ўзи учун уринмайди. Кўпчилик учун, рўзғорим, болам-чақам, отам-онам, қавму қариндошим деб заҳмат чекади-ку?

– Албатта, келамиз, – дедим онаизоримга. – Дунё гўззаликларини кўриш учун, ажойиботларни ҳайрат ила томоша қилиш учун, яқинларимиз, жигарларимиз, меҳрибонларимиз, бола-чақамиз билан келамиз.

– Ҳаммамиз биргалашиб-а? – сўради онам.

– Ҳаммамиз биргалашиб, ўзимизнинг одамлар билан!

Текширувлардан ўтарканмиз, хизматчи қизлардан бири онамга қарай-қарай, ниҳоят, ёнимизга келиб сўради:

– Sorry, where do you fly? Er-Riyadh? Paris? Jeddah?


– Кечирависиз, қаёққа кетяпсизлар, Ар-Риёдгами, Парижгами, Жиддагами, деб сўрайти, – деб тушунтиридим онамга.

– Уйга! – деб жавоб қилди онам менга бир қараб, ёйилиб жилмайиб. – Уйимизга-да, қизим...

² Диққат қилингиз! “Ўзбекистон Ҳаво йўллари”нинг 272-рейс билан Тошкентта учадиган учорига чиқиш эълон қилинади. Йўловчилар 225-учиши йўлагидан чиқишилари мумкин.

ШЕРНИНГ АЁЛИ ҲАМ ШЕР

Каттақўрғон туманидаги “Кумуш тола”
хусусий корхонаси директори,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пиллачи
Марям Ниёзова портретига чизгилар



Марямхон китоб ўқишига ҳам вақт топади. Одамга умид берадиган, енгилмасликка чорлайдиган асарларни ўқишини яхши кўради. У мадад оладиган қаҳрамонлар Бибихоним, Қурбонжон доддоҳ, Тўмарис момо, у севиб ўқийдиган асарларни Нодирабегим, Зулфия, Ҳалима Худойбердиевалар ёзган. Албатта, ижод оламида даҳолар кўп, уларни кучи етгунча ўқийди. Китоблар ичидан бобосининг, момосининг дуоларини, ота-онасининг насиҳатлари давомини топиб ўқийди.

Каттақўрғон тумани мактаб ўқувчилари Марямхон билан учрашишни истайдилар. Опа ўзини жон қулоғи билан тинглайдиган, кўзлари ёниб турган ёшларга жасоратнинг йўли ҳақида ҳикоя қилиб беради. У кирган давраларга шиддат, орзу, завқ кириб келади...

Марямхоннинг отаси ҳайдовчи, онаси уй бекаси эди. Улар оиласда ўн уч фарзанд эди, беш қиз, саккиз ўғил. Отаси одамларни манзилига етказиб қўйиб, топган ҳалол пули эвазига, онаси ўн уч фарзандини оқ ювиб, оқ тарашдан вақт орттириб, пишириқлар пишириб, болалар кийимлари тикиб топган машаққатли меҳнати эвазига оиласдаги ўн етти жонни боқар эдилар.

Кексалар Марямни Ниёзмамат (отасининг отаси) бобосига ўхшатишади. У киши тадбиркор, тиришқоқ, изланувчан, одамларга меҳрибон киши бўлганидан

куўчилик унга ҳавас қиласди. Қатагон йилларида Кавказга сургун қилинган эди.

Катта ҳовлида ҳеч ким тиниб-тинчимас, ҳаммага иш топилар эди. Марям ўзи туғилган маҳалладаги мактабни битиргач, Тошкент тўқимачилик институтининг “Тўқимачилик материалшунослиги” факультетини имтиёзли диплом билан якунлади. Тиришқоқ, изланишдан чарчамайдиган қизни домлалари институтда олиб қолишиди. Икки йилги илмий изланишлар давомида ўзининг ютидаги пахта заводига амалиёт ўташ учун келди-ю, қайноқ меҳнат кучогидан айрилолмай қолди.

Каттақўрғон пахта заводида ўттиз йил меҳнат қилди, бўлим бошлиғидан директор ўринbosаригача бўлган масофани босиб ўтди. Катта жамоа уни ҳали-бери нафақага қўйиб юбормоқчи эмас эди.

Аммо тадбиркорликка кенг йўл очиляётган дамлар Марямнинг қонида ишбильармонлиги учун қулоқ бўлган Ниёзмамат бобосининг армонлари, ташкилотчилиги каби мерос туйгулар кезарди. Нафақага чиқиб, турмуш ўртоғи Номозака билан гапни бир жойга қўйди. “Кумуш тола” корхонасига асос солди. Уйда боқилаётган ҳамма молларини, “Нексия” машинасини сотди. 350 000 сўм пул билан иш бошлашди. Янги 2000-йилга бир ҳафта қолганда, ҳужжатлар тайёр бўлди.

Дастлаб, етти-саккиз киши иш бошлашди. Марям уларга режаларини тушунтирди, ишонтирди. Турмуш ўртоғи ускуналарни

ўрнатишда ёрдам берди. Дўстлар анча ойлар текинга ҳам ишлаб беришди. Ягона транспорти эрининг кажавали мотоцикл қолган эди.

Бизнес режа тузиб, давлатдан уч йил муддатга, 3 000 000 сўм кредит олишди. Кредитни узиш пайтида 15 000 000 сўм пулим бўлади, деди-ю, гапидан ўзи ҳам ҳайратга тушди. 2003 йил БААга 37 000 АҚШ долларига ипак толаси сотилди. Ижарага турган бинони сотиб олишди. Салондан янги "Нексия"ни миниб чиқишиди.

* * *

Афсонавий кунлар бошланди буёғига. Марям кўринишидан жиддий, вазмин аёлга ўхшайди. Ичидағи тўфонларни сездирмайди. Минбарларда ҳам қўрагига уриб гапирмайди. Оддий, босиқлик билан гап бошлайди-ю натижасини рақамлар билан тугатади. Тингловчилар эса унинг гапларидан ҳаяжонга тушганини яширолмайди.

Рақамлар билан ўқувчини зериктиromoқчи эмасман-у, айтмасам бўлмайди-да. Бугунга келиб, "Кумуш тола" хусусий корхонасида 150 нафар киши доимий меҳнат қиласи. Беш минг киши мавсумий (бу йил яна кўпаяди) меҳнат қиласи. Шунча оилани ейишга нони, кийишга кийими бор дегани бу! Ҳар куни тушликда ишчилар учун сифатли, тўйимли овқат тайёрланади. Тандир-тандир нон ёпилади. Рўзгорнинг катталигини қаранг! Оилада 17 нафар кишининг бир дастурхонда жамланган пайтларида бугунги ишларга асос солингандир, балки..

2019 йилда 18028 миллион сўмлик, жами уч йилда 36902 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга муваффақ бўлинди. Ишлаб чиқаришнинг узлуксизлиги ва доимийлигини таъминлаш, ишчиларга етарли шароит яратиш мақсадида 18 километр масофага газ қувурлари тортилди, корхона ва теварак-атрофдаги маҳаллаларни газлаштиришда, корхонага келадиган ички йўлнинг асфальт қилинишида ўз ҳиссасини кўшиди.




Ушбу йилги пилла етиштирища фаол иштирок этган ва юқори ҳосилдорликка эришган меҳнаткашларга хусусий корхона ҳисобидан пул маблағлари ҳамда майший техникалар совфа қилинди. Пилла қурти боқишига қизиқувчилар кўпайиб кетди.

Марям Ниязова халқаро кўргазмаларда қатнашиб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот экспортини кўпайтиришга эришган тадбиркор раҳбар ҳисобланади. 2017 йил республика Тадбиркор аёллар уюшмасининг "Энг яхши экспортёр аёл" номинацияси бўйича биринчи даражали дипломи билан тақдирланди.

2019 йилда корхона томонидан ўзига тегишли бўлган тумандаги Қозоқовул қишлоғи худудидаги собиқ ипак йигириув цехи ўрнида майший хизмат кўрсатиш шохобчаси, савдо мажмуалари ва 30 ўринли меҳмонхона қурилиб фойдаланишга топширилди.

Коронавирус пандемияси даврида Каттақўргон тумани ахолисига кўплаб саховат ишларини ҳам амалга оширди. Жумладан, корхонанинг 150 га яқин ишчи-ходимлари ҳар бирига озиқовқат маҳсулотлари тарқатилди, иқтисодий ночор саналган 5 та оиласа 500 минг сўмдан ёрдам пули берилди. "Саховат ва қўмак"





фондининг туман бўлими ҳисоб рақамига эса 10 млн. сўм миқдорида маблаф кўчириб берилди.

Сир эмас, пиллачилик ўз нуфузини йўқотиб, табиий, экологик тоза, ял-ял товланадиган ипак толаларга талаб ва эътибор қаратган, одамлар сунъий толалардан тўқилган, усти ялтироқ, ичи қалтироқ, инсон организми учун заарли кийимларга ўргана бошлаган эди. Марямхон ишонч билан, тадбиркорлик билан, кумуш толанинг обрўйини тиклади. Бор маблағини тиқди. Мана натижаларни кўриб турибсиз. Доно ҳалқимиз шунинг учун айтаркан-да, шернинг аёли ҳам шер бўлади, деб. Бу корхонада алдов йўқ, хиёнат йўқ. Ҳамма иш очиқ-ойдин, жамоанинг кўз ўнгига рўй беради. Хусусий корхонанинг уч гектарлик катта майдонида бир-биридан салобатли иморатлар қад кўтарган. Яна бир уч қаватли бино бошқарув учун қурилмоқда. Бу ерда кутубхона, идоралар, мажлислар хонаси, меҳмонлар учун хоналар, хуллас, замонавий бошқарув учун зарур шароитларнинг ҳаммаси бўлади.

Марямхон ишчиларини, болаларини қаттиқ ҳимоя қилди-ю, аммо ўзи беморланиб қолди. Одамларидан ўн кунга узоқлашди. Калавасининг учини йўқотиб қўйган ипакчига ўхшаб қолди, ўзиям. Севимли ишхонаси, ортидан эргашган елкадошларидан айро яшаш қийин экан... Одамларига, юксак гояларига жон томирлари билан уланган экан. Ишини, ҳаммаслакларини жуда яхши кўрар экан.

Гоҳо:

– Опа тузалиб кетдингизми, – деган қўнгироқлар бўлиб қолади.

– Тузалдим, касал бўлишга ҳаққим йўқ, насиб этса яна юз йил яшашга дастурим бор, – дейди жилмайиб.

Аслида, унинг барча дастурларини амалга ошириш учун минг йиллар ҳам етмайди. Қолаверса, ўзига ўхшаган меҳнатсевар, зуваласи пишиқ қизлари – Гулзода, Азиза, Замирахонлар, қуёвлари Даврон, Шамшод, Абдулазизлар ҳам меҳнат ва орзулар юкини опа билан тенг елкалашади. Бир-биридан ширин етти нафар набирала-ри онгига ҳам меҳнатсеварлик, изланиш, илм олиш руҳи сингдирилган. Марямхоннинг фикру фояларини бир нигоҳидан англайдиган ёрдамчиси Роҳилахон Шомуродова ҳамиша ёнида ҳозиру нозир. Шукрлар бўлсинки, қаторида норлари бор.

Қад тиклаётган иморатларга ёндош ерда бир гектарлик иссиқхона қурилмоқда. Эрта-индин ишга тушаман, деб туриди.

– Неча марта қарз олдингиз давлатдан?

- 14 ёки 15 марта бордир.
- Ҳаммасини уздингизми?
- Ҳаммасини уздим.
- Қўрқмайсизми, бунча катта миқдордаги қарзлардан?
- Қўрқмайман.

Режалар аниқ бўлса, юрак катта бўлса, иигирма йил мобайнида давлатга, одамларга кимлигини исботлаб берган бўлса, нимадан кўрқади бу аёл!

Янги бошқарув биносининг пештоқига Мир Алишер Навоийнинг айни бугун учун, яна минг асрлар учун айтиб кетган ҳикматли сўзлари катта қилиб, учмайдиган қилиб, ёзиб қўйишни ният қилган:

Тухум ерга тушиб чечак бўлди,
Қурт жондин кечиб ипак бўлди.
Лола тухмича гайратинг йўқми,
Пилла қуртича ҳимматинг йўқму?!

Мен улардан ортиқ нима ҳам дердим? Марямхон ҳақида, унга ўхшаган фидойи, замондошларимиз ҳақида айтмоқчи бўлган фикрим ҳазратнинг шу тўрт сатридағи фалсафада аён-ку...

Хосият БОБОМОРОДОВА,
“Саодат”нинг Самарқанд вилояти муҳбари

Юрагим чиқмоқда

қиндан тиширлаб...



Мухаммад ИСМОИЛ

- 1964 йилда Сирдарё вилоятининг Ховос қўргонида туғилган.
1981-1986 йилларда ҳозирги ЎзМУнинг журналистика

факултетидаги таҳсил олган.

Шоирнинг “Тазарру саодати”, “Тасаввур чизиқлари”, “Кўнгил мулкига сафар”, “Сиз ҳамон ўшасиз”, “Чиройлисан, тенги йўқ”, “Кўксимни кўйдирган аланга” сингари кўплаб китоблари чоп этилган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

АБАДИЙ ҲАМРОҲ

Юрагим чиқмоқда қиндан тиширлаб,
Юз йилда бир келар бундайин айём.
Дунёнинг энг гўзал қизи пиҷирлаб,
Сизни севаман деб айтди бу оқшом.

Ҳар кимга ҳам насиб этмас бундай баҳт.
Бу шаеқдан, севинчдан сархуш, сармастман.
Менга муҳаббатдан қуриб бердинг таҳт,
Сўнгги нафасгача жонда асрайман.

Бу сўзга муносиб бўлмоқлик учун.
Юксак чўққиларга кўз тикажакман.
Мингта гул бераман қўлингга ҳар кун,
Ғиштлари олтиндан уй беражакман.

Сен учун бўламан энг кучли инсон.
Мехрим уммонида чўмиласан шод.
Сайёралар аро сурасан даврон,
Қуёшинг бўларман сенинг умрбод.

Ўлмасман сен баҳтили бўлган онгача,
Қоп-қаро кўзларинг жон олар мандан.
Сени мадҳ этарман тундан тонггача,
Шахло кўзинг ватан ичрадир ватан.

Ўлсам ўз ватани учун жон берган,
Жангчидай ўламан қўлимда байроқ.
Байроқдаги ўша, “Сени севаман” –
Сўзинг менга бўлгай абадий ҳамроҳ.

ТАБАРРУК ЁШ

Она! Бугун тўқсон ёшга тўлдингиз.
Ташаккур! Табаррук она бўлдингиз!
Етти маҳаллаға ош берар бу кун,
Эвара-чевара, қизу ўғлингиз!

Дўстлар, кенг даврада ўйнайлик шодон.
Сизнинг ҳам онангиз бўлсин соғ-омон.
Дунёдаги барча оналар учун
Тўйу тантаналар баҳш этсин жаҳон!

Кўтараильик азиз даврани бошга,
Кулгулар жарангни етсин Қуёшга!
Дўстлар, барчамизнинг оналаримиз,
Кирсин тўқсон ёшга, кирсин юз ёшга!

Балқиб чиқаверсин осмондаги ой.
Юртда тинчлик бўлсин, ҳамма бўлсин бой.
Оналар оёғи остидан барча
Топган-тутганимиз олаверсин жой!

Ғариблар – эс-хушин йигмаганлардир,
Онасин қадрига етмаганлардир.
Онасин севмаган инсонлар бари,
Хеч қачон ҳеч кимни севмаганлардир.



Икки дунё тақдиримиз шу заминда

Сайёра ТҮЙЧИЕВА,

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти профессори,
фалсафа фанлари доктори.

“Вафо бўлиб уйгонаман”, “Мен сени қызғонаман”, “Кўзларингни
согинаман”, “Элим”, “Санамгина”, “Суянганим сўз бўлди” номли шеърий,
“Буюк инсон бошлаган йўл”, “Мунаввар замин”, “Водийларни яёв
кезганда” номли насрой тўпламлари чоп этилган.

Илмий мақолалари Америка, Испания, Турция, Россия, Англия
давлатларининг нуфузли илмий журналларида чоп этилган.
Ўзбекистон Ёзувчилар ўюшмаси аъзоси.



ЎЗБЕКИСТОН

Ёрг тонглар сирға таққан наҳорларда,
Сахий қуёш аллалаган саҳарларда,
Бу диёрнинг муқаддас, пок бўйлари бор,
Момоларим таққан асл туморларда.
Дунёга зеб берган садарайхон ўзинг,
Ўзбекистон ўзинг, Ўзбекистон ўзинг!

Не баётдир жонбахш қўшиқ, аллаларинг,
Ёстиғингга қуёш қўнган паллаларинг.
Кўзмунҷоқдир жаннатий тўрт фаслинг аро
Кўзларига ҳайрат тўлган болаларинг.
Ҳар кимга ҳам насиб этмас бўстон ўзинг,
Ўзбекистон ўзинг, Ўзбекистон ўзинг!

Ҳаётимиз Тангри берган неъмат бўлур,
Савоб қилсан умримизга зийнат бўлур.
Эл юкини оғринмайин елкаласак,
Дуога кўл очсанг қанча қувват бўлур.
Етмиш икки томирдаги дармон ўзинг,
Ўзбекистон ўзинг, Ўзбекистон ўзинг!

Синовидир бу, кимлар келиб, ким кетмаган,
Ҳавас қилиб кимлар етиб, ким етмаган.
Бешигида авлиёлар ўсган элнинг –
Дуо истаб этагидан ким тутмаган.
Бошим узра тинч – у ёруғ осмон ўзинг,
Ўзбекистон ўзинг, Ўзбекистон ўзинг!

Аслим билинг – битта бутун юракмиз биз,
Пахтадай оқ, нурдай тиниқ тилакмиз биз.
Икки дунё тақдиримиз шу заминда,
Фақатгина шу ватанга керакмиз биз.
Замон ўзинг, макон ўзинг, имкон ўзинг,
Ўзбекистон ўзинг, Ўзбекистон ўзинг!

АРЗИМАС

Теграмдаги минг хил ташвишим,
Аламим, оғриғим, олқишим,
Боши бор, сўнгги йўқ юмушим
Онамнинг кўз ёшига арзимас.

Бўғзида тош қотган кунларим,
Кўзида ёш қотган кунларим,
Овозим яшринган унларим
Онамнинг кўз ёшига арзимас.

Бағрига офтоблар ботганим,
Кўнглига азоблар ботганим,
Согиниб бетоблар ётганим
Онамнинг кўз ёшига арзимас.

Жойим бор давралар тўрида,
Танишим ҳофизлар зўридан,
Дунёни кўчирсам ўрнидан
Онамнинг кўз ёшига арзимас.

Томлари қизғалдоқ эски уй,
Райҳонлар экилган сарвийўй,
Худога шукурлар рўбарўй
Онамнинг кўз ёшига арзимас.

Бу дунё кўнглида доги бор,
Елкамда залворли тоги бор,
Холим сўрайдирган харидор
Онамнинг кўз ёшига арзимас.

Бетоқат юракни ёраман,
Рұҳимни азобга қораман,
Онамни кўргани бораман,
Йўқ эса кунларим арзимас.



МОЗИЙХОНА БЕКАСИ

Олтин ва уран ишлаб чиқариш бўйича дунёдаги ўнта етакчи компаниялар қато-
рига кирувчи Навоий кон-металлургия комбинатининг нуфузига мос тарихий музейига
қадам қўяр экансиз, кўнглиңгиз ёргу түйгулардан нурафшон бўлиб кетади. Музейнинг
ажойиб эстетик дид билан жиҳозланганлиги, кон саноати соҳасига оид қимматли
маълумотлар ва экспонатларга бойлиги, қолаверса, мозийхона бекасининг ойдин
чехраси, чиройли муомала маданияти, нотиқлик санъати инсонни ўзига ром этади.

Музей раҳбари, журналист Салима Холдорова масканга келувчилар, хоҳ у чет элдан, хоҳ пойттахтдан ёки республика-
мизнинг турли ҳудудларидан ташриф буюрган азиз меҳмон бўладими ёки талаба ёки ўқувчи бўладими,
ҳаммани самимият ва ҳурмат билан қарши олади.

Комбинат тизимида чорак асрдан бери жон-
нисорлик билан фаолият юритиб келаётган Салима
Баҳодировна меҳмонларга Қизилқум саҳросининг
ўзлаштирилиши, гигант корхонанинг барпо этили-
ши ва ривожланиш босқичлари ҳақида қизиқарли
хикоялар сўзлайди. Музей экспозициялари, комби-
нат бўлинмалари, конбошқармалар, гидрометал-
лургия заводлари, “Муронтов” кони, Ўзбекистон
олтинининг энг олий сифати учун нуфузли ҳалқаро
ташкилотлар томонидан тақдим қилинган мукофот-
лар ҳақида ифтихор билан гапиради. Опанинг тақ-
димотларини тинглаган киши нафақат кон-саноати
ва металлургия оламига саёҳат қиласи, балки ада-
биёт гулшанию маънавият ва маърифат боғларида
ҳам сайр қилгандай бўлади. Унинг суҳбат мавзусига
мослаб топиб айтадиган гўзал шеърий сатрлари,
пур маъно тўртликлари ҳеч кимни бефарқ қолди-
майди.

Кўп йиллардан бери юртимизда китобсеварлик тарғиботи борасида вақтли матбуот нашрларида
чиқишлилар қилиб келаётган Салима опа ёшлар билан
бўладиган ҳар бир учрашувдан унумли фойдаланади,
уларга китобга меҳр қўймаган инсон келажакда ҳеч
қандай ютуқларга эриша олмаслигини ҳаётий мисол-
лар билан тушунтиради. Талаба ва ўқувчиларга вақт-
нинг қадрига етиб, дурдона асарларни ўқиб қолишига
улгурishлари зуурлигини таъкидлар экан, уларга
ҳар бир киши ўқиши зарур бўлган китоблар рўйхати-
ни тақдим қиласи, янги нашрдан чиқсан адабиётлар
билан танишитиради. Айниқса, Ҳазрат Навоий номи-
даги вилоят ва шаҳарда яшайдиган ҳамюрлар, буюк
аждодимиз номидаги олийгоҳларда таҳсил оладиган
ёшлар улуғ бобокалонимиз асарларини бошқа вилоят
ахлига қараганда ўн баробар кўп билишлари зарурли-
гини таъкидлашдан чарчамайди. Агар ҳар бир инсон
Навоий асарларидан бир кунда бир саҳифа ўқиса, бир
йилда 365 саҳифа ўқиб қўйишини куюнчаклик билан
уқтиради.

Ҳар бир учрашув, ҳар бир суҳбатда устоз табиа-
тидаги зиёлиларга хос босиқлик, самимият, мушоҳа-
дага бой фикрлар мени оҳанрабодек ўзига тортади.
Педагог бўлганим учун у кишидан ёш авлод кўнглига

йўл топишнинг сир-синоатлари ҳақида сўрадим.

– Музейга турли даражада тарбия топган болалар келишади. Мен уларнинг ахлоқини бир қарашда илғаб оламан-да, шунга яраша мумомала қиласман. Чиройли тарбия кўрган, одобли болалар музейга кириб келганда дилим яйраб кетади. Улар музейни томоша қилиб кетишганидан кейин ҳам бу ерда ижобий қувват сақланиб қолади, кун бўйи завқланиб юраман.

Минг афсуски, баъзан уларга тамоман тескари феъл-авторли болалар ҳам келиб қолишади. Бор кучимни йиғиб, улар билан мумомалага сўз излайман:

– Яхши ахлоқ ҳам, ёмон ахлоқ ҳам она-нинг тарбия маҳсули, – дейман юмшоқлик билан. – Жон болам, онангни яхши кўрсанг, уни менинг олдимда уялтириб қўйма! Токи, мен сенинг онанг дунёдаги энг яхши она эканлигига, сенга шу қадар чиройли тарбия берганига ишонч ҳосил қиласай!

Гапимни эшитгач, болалар бир муддат бўлса-да, ўзларини сипо тутишга ҳаракат қилишади. Тўғри-да, ҳар қандай бола ҳам онасини бегоналар олдида уялтиришни истамайди .

Шахс тарбияси бўйича берган навбатдаги саволим ҳам Салима опанинг кўнглини кўзгатди, шекилли, янам жонланди:

– Биз бирон касб эгасини тарбиялашдан олдин авваламбор, унинг шахсини тарбиялашга катта эътибор қаратишимиз керак. Ҳар битта инсон ортида битта мустақил шахс туриши керак. Навоий давлат

- кончилик институтида 160
- дан ортиқ гуруҳ бор. Ушбу гурухларда таҳсил олаётган юзлаб ёшларни оғир саноат соҳасида меҳнат қилишга руҳан тайёрлаб боришига камарбасталик қилишини ўзимнинг вазифам, деб биламан.

Салима Баходировнани қалбида бугун камдан-кам инсонларда учрайдиган миллат ва юрт ривожига дахлдорлик, жонқуярлик каби ажойиб фазилатлари борлиги учунми, гапдан гапга ўтганимиз сари кўзимга улуғвор-роқ, салобатлироқ кўринади.

– Менинг назаримда, миллатпарварлик, юртпарварлик инсоннинг қон томирларида айланиб юрса керак, – дейди Салима Холдорова.

– Ўзим зиёли оиласда камол топганман, ота-онам ўқишимни қатъий назорат қилишар эди-да. Мактабда фақат аъло баҳоларга ўқиганман. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтини ҳам имтиёзли диплом билан тамомлаганман. Кўп йиллардан бўён Навоий кон-металлургия комбинати тизимида меҳнат қилиб келар эканман, касбимга, ишимга бўлган масъулият ҳисси мен билан баравар улғайди. Бироқ Қирғизистонда тугилиб ўсганим учун Ўзбекистонда йигирма беш йил фуқаролиги йўқ шахс бўлиб яшадим. Шунга қарамай, ўтган йиллар мобайнида бир нафас ҳам оғишмай, шу юрт, шу миллат равнақи учун чин дилдан, катта ихлос билан хизмат қилдим.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг фармони билан 2017 йилда Ўзбекистон фуқаролигига қабул қилинди. Вилоят ҳокими кўлидан фуқаролик паспортини қабул қилиб олар эканман, шундай дедим: “Буюк шоир Фузулий Менинг битта умрим бор. Агар мингта умрим бўлганда,




ҳаммасини Ватан учун сарфлаган бўлардим, деб ёзган. Мен бундан кейин ҳам бор умрим, билим ва тажрибами Ўзбекистон равнақи учун сарфлайман!”

Бу гаплар мутлақо баландпарвоз гаплар эмас. Бу дунёда пул, мол-дунё билан ўлчанмайдиган улуғ қадриялар бор. Жамиятнинг зиёли қатлами Ватан ва миллат равнақи учун бетама хизмат қилишини билмас экан, ҳар жабҳада оқсашлар юз бераверади.

Нафс голиб юракда Ватан туйғуси бўлмайди. Ватан туйғуси тўғри шаклланмаган инсондан на корхонага, ва на эл-юртга наф тегади. Биз ёшларнинг нафс тарбиясига катта эътибор қаратишимиз керак. Айниқса, Қизилкўмнинг жазирама иссиқларию изғиринли, бўронли шамолларига дош бериб оғир ишлаб чиқаришда меҳнат қилиш учун кишининг эътиқоди бутун, иймони мустаҳкам, Она-юртни, халқини жонидан яхши кўрадиган бўлиши керак...

Салима Холдорова билан бўлган шу тарздаги самимий сұхбат менга яхши китоб мутолааси каби руҳий қувват ва ҳаётий куч берди.



Зоҳида ЭШБАЕВА,
Навоий давлат кончилик институти ўқитувчиси

БАХТИНГИЗ КҮЛИНГИЗДА



Феруза АКРАМОВА,
психология фанлари номзоди,
доцент.

ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИ УЧУН ПСИХОЛОГИК МАСЛАҲАТЛАР

Келишмовчилликлар-нинг мазмуни ва келиб чиқиш сабаблари қандай бўлишидан қатъий назар, психололгарнинг қўйидаги маслаҳатларини билиш ҳар бир эр-хотин учун foят зарурдир:

- жаҳгла жаҳл билан жавоб бермаслик керак. Имкони борича мунозарани бир дамга кечиктириш, бунинг иложи бўлмаса, мунозарани кўчага, боғ ёки хиёбонларга кўчириш лозим. Негаки табият кучогида асаб тизими осонлик билан осойишта ҳолатга келади;

- келишмовчилликка дахли бўлмаган нарсаларни, шунингдек, ўтган воқеалар, гап-сўзларни эсламасдан фақат шунга сабаб бўлган ҳолатни бартараф этиш устида гапириш лозим;

- мунозарада овозни кўтармасдан, эҳтиросларни жиловлаш зарур;

Маълумки, бизга чинакам, тўлақонли инсоний баҳтини инъом этадиган ёки аксинча, моддий жиҳатдан ҳар томонлама таъминланганилизга қарамасдан, бизнинг баҳтимизни яримта қиласидиган жараён бу – оилавий ҳаётдир.

Оилада баҳтли ҳаёт кечириш учун интилишга ҳар бир ўғил ва қиз болани эрта ўргатиш, бунинг учун унинг онгида оила муқаддаслиги ва қадрлилиги тушунчасини шакллантириши зарур. Тўғри, ўспирин ёшдагиларнинг бундай тасаввурга эгалиги осонгина юзага келмайди, албатта. Чунки оила – никоҳ муносабатларининг ўзига хослиги ва мураккаблигини англаш, икир-чикир муаммоларини тушуниш масаласи чуқур ҳаётий тажриба ва билим талаб қиласиди. Ёшлар никоҳ қуриш ёшига етмасданоқ оиланинг асосий мазмунини ташкил этадиган тушунчаларни англай олишлари керак.

Оила аъзоси бўлиш – бу шунчаки бир хонадонда кимгadir кимdir бўлиш эмас. Чунки ҳар бир ёш даврида юзага келадиган ўзига хос хусусиятлар мавжудки, бу хусусиятлар оилада томонларнинг ўзаро муносабатларда жуда эҳтиёткор бўлишларини талаб этади.

Оилавий ҳаёт бир текисда, рисоладагидек кечмайди. Унда ўзига хос равишда турли зиддиятлар ва низоли ҳолатлар келиб чиқади. Лекин бундай ҳолатларни юзага келтирмаслик ва олдини олишда ҳам ўзига хос қоидаларга риоя этиш лозим. Қуйида ушбу қоидаларни келтирамиз:

(айниқса мунозара кўчада ёки ўзга кишилар олдида содир бўлаётган бўлса);

- масалани таҳлил қилганда эр ҳам, хотин ҳам ўз айбига икрор бўлиши лозим,

- мунозарани жанжалга айлантириб юбормаслик керак. Чунки мунозарада низо сабаблари биргалашиб қидирилади. Жанжалда эса ҳар бир томон бир-бирларининг нозик жойларини топиб, уни билдиришга, шу йўл билан гўё ўзларига етган озор учун ўч олиш, найза санчишга интиладилар;

- йўл кўйган хатоларини билиб-билмай бир-бирларининг феъл-авторига хос иллат деб баҳоламаслик лозим (“сен доим шундай қиласан”, “сен ҳеч вақт тушунмагансан, тушунмайсан ҳам” ва бошқалар);

- энг яхши ҳимоя хужум эканлиги спортга, жумладан, футболга тааллуқли. Оила жанг ёки футбол майдони эмас, шунинг учун оилавий ҳаётда ён босиши фойдалариш бўлади;

- умр йўлдошларининг ота-оналари ёки яқин қариндошлари ҳақида ҳурматсизлик билан эмас, балки иложи борича,

эхтиром билан гапириш эр-хотин муносабатини яхшилайди;

– келишмовчилик ёки жанжалда эр-хотин ота-она, қариндош-урұғ, дүстлар, таниш-билишларнинг ўзларига нисбатан салбий баҳоларини тилга олмаслик, уни бир-бирларига қарши қорол қилиб ишлатмаслик зарур;

– уруш-жанжаллардан кейин аразлаб ота-она ёки бошқа қариндошлар, дүстларнигiga кетиб қолишни одат қиласлик керак;

– уйда бўлиб ўтган ҳамма гапни ота-онага етказиш яхши одат эмас, “Эр-хотиннинг уруши, дока рўмолнинг куриши” дегандек, улар тезда топишиб кетадилар, лекин икки ўртада куёв ва қудалар ўртасига совуқчилик тушгани қолади. Қолаверса, уйдаги сирни кўчага чиқариш ҳеч қандай яхшиликка олиб келмаган, олиб келмайди ҳам;

– мунозара ва жанжаллардан кейин гаплашмай аразлаб юриш бўлмағур одат хисобланади. Бундай одатнинг оқибати ҳам яхшиликка олиб келмайди;

– низо чиқсан пайтларда эр ҳам, хотин ҳам ўзини бир лаҳза турмуш ўртоғининг ўрнига қўйиб кўриши лозим: “унинг ўрнида бўлсам, мен нима қилардим?”

– деган саволни ўз-ўзига бериб кўриши керак;

– қорни оч ёки ишдан чарчаб келган одам билан ҳеч вақт мунозараға киришиш тавсия этилмайди. Бундай ҳоллар-

Ким иродали, мулоҳазалироқ бўлса, ўша биринчи бўлиб муросага қўл узатади.

да одам ҳатто асосли танбеҳ ва танқиддан ҳам тутоқиб кетиши мумкин;

– тутган ерини кесиш, бақириб-чақириш аёл кишига ярашмайди. Аёлларнинг аёллик хислати уларнинг заифлигида, нозик-латифлигида, вазиятга нисбатан устомонлигида, кўнгилчанлигидадир;

– мунозара ва жанжалларда узил-кеシリ, қатъий хulosалар чиқаришга ошиқмаслик керак (агар ўтган йиллар мобайнида шу охирги қадамга етиб келинмаган бўлса);

– турмуш ўртоғингизнинг ҳаётий қадриятларига (агар оила манфаатига зид бўлмаса) қарши чиқмаслик лозим. Акс холда ўё сизнинг ёки ўзининг ҳаётий қадриятларини танлашга мажбур бўлади. Қайси бири танланишидан қатъи назар, унга ҳам, сизга ҳам яхши бўлмайди.

Умуман олганда, оилавий ҳаётдаги мунозара ва жанжалларда ғолиб ҳам, мағлуб ҳам бўлмайди. Ё эр-хотин биргаликда ютадилар ёки ютқазадилар, чунки оила бу жуфтлиkdir. Буни эса унумаслик лозим.

Мунозара ва жанжал содир бўлганида оилада ким етакчи экани характерлироқдир. Ким иродали, мулоҳазалироқ бўлса, ўша

биринчи бўлиб муросага қўл узатади. Хонадондаги руҳий иқлимининг соғлом бўлиши учун оила етакчиси жавобгардир.

Одатда оилада низолар ва уларнинг оқибати кўп жиҳатдан аёлларга салбий таъсир этади. Шунинг учун бу муаммоларнинг оқибати аёлларнинг ҳаёт тарзига, туйгу-кечинмаларига, уларда стресс ҳолатлар юзага келишига ҳам олиб келади. Бу борада психологияк тавсияларни келтирамиз.


ЭРКАКНИНГ ХИЁНАТ ЙЎЛИГА КИРИБ КЕТИШИ ОЛДИНИ ОЛИШ УЧУН АЁЛЛАРГА ПСИХОЛОГИК ТАВСИЯЛАР:


Кийинишингизга алоҳида эътибор беринг, эркак кўзи билан “севиши”ни унумтанди.

Эрингизнинг дўстлари билан самимий муносабатда бўлинг (агар улар ичкиликбоз, гиёхванд ёки бузуқ одамлар бўлмаса), эрингизни улар билан бирга бўлишига кўп тўсқинлик қилманг, уларга нисбатан рашк қилманг.

Ҳафтада бир кун кечки вақтни эрингиз оила ва ўзга ишлардан озод бўлиб, вақтини ўзи хоҳлаганча ўтказсин, бу ҳаммада табиий кузатиладиган чарвоқни ёзишга имкон беради.

Мехнат таътилларини ҳам, иложи борича, турли вақтларда олиб, алоҳида ўтказишга ҳаракат қилинг. Чунки бу маслаҳатлар бир-бирингизга тўйиниш, жонига тегишдан ташқари, бир-бирингизни асоссиз рашк қилишдан сақлаши мумкин.





ХОТИННИ ХИЁНАТ ҚИЛИШДАН САҚЛАШ ВА АСОССИЗ РАШКДАН ХАЛОС БҮЛИШ УЧУН ЭРКАК-ЛАРГА ПСИХОЛОГИК ТАВСИЯЛАР:

Оилавий ҳаётда рашк асосида хаёлпарастликка берилмаслик, пашшадан фил ясамаслик, рашк таъсирига маҳлиё бўлмаслик лозим;

Рашк психологиясини яхши билиш ва бу билимларни ҳаётда қўллай олиш лозим;

Рашк ҳисларининг қулига айланмаслик учун эркаклар ўзларида матонат, ирова, ўзига ва турмуш ўртоғига ишонч ҳисларини тарбиялаб боришлари лозим;

Турмуш ўртоғига ишонмай, у билан бирга ишлайдиган кишилардан “қоровул”, “назоратчи” қўймаслик керак, чунки бу масалага ҳар бир одам ўзича ёндашиши, нотўғри хулоса чиқариши, баъзан эса онгли равишда оилавий ҳаётнинг бузилишига ёрдам бериши мумкин;

Дуч келган одамнинг гапига ишонавермаслик, асоссиз ахборотга қулоқ солиб, уйда уриш-жанжал кўтартмаслик, айниқса, болалар олдида бу масалага эҳтиёт бўлиш зарур.

Юкорида берилган барча маслаҳат, тавсияларни жамулжам қилган ҳолда биз ўзаро муносабатларда мумкин қадар, меҳр-муҳаббатли бўлиш, тушуниш, ҳурматни сақлаш, яхшиликка интилиш, сабр-тоқатли бўлиш, кечиримлилик, бўхтонга берилмаслик, ширинсуханлик, ишониш, ғам-ғусса вақтида иродали бўлиш, шукроналик каби инсоний фазилатларга эга бўлишликни тилаб қоламиз. Бу сифатларни эса ҳаётда қўллай олишимизда актёрик маҳорати ҳам талаб этилишини унутмаслигимиз лозим.

Шу ўринда биз одамларга ёқишининг олтита психологик қоидаларини келтириб ўтамиз:

Одамлар билан доимо яхши муносабатда бўлинг. Уларга самимий қизиқинг.

Чехрангизни тушунарли ва ёқимли қиёфада тутинг. Имкони бўлса, табассум қилинг.

Ёдингида бўлсин: ҳар бир одам учун ҳар доим энг ёқимли эшитиладиган сўз – бу унинг ўз исмидир. Чунки бу унга худди хос либос каби яқин эканлиги бир томондан бўлса, иккинчи томондан эса гўдаклик чогида исми инсонга азон орқали айтилганлиги ҳамдир. Боланинг миёси бамисоли оқ қофоз каби бўлган пайтда унга биринчи ёзилган сўз унинг исмидир.

Яхши эшитувчи бўлинг. Одамларнинг ўзлари ҳақида оддийроқ гапира олишларига имкон беринг.

Кўпроқ Сиз билан муомаладаги кишига нисбатан эътиборли бўлишни унутманг. Шунинг учун унинг қадр-қимматини юқори тутишингиз керак бўлади.

Тинглаш қайси холатда бефойдадек туюлади:

– асабийлик ва рақобатчилик даражаси ҳаддан ташқари юқори бўлганда;

– Сиз фақат низо ҳақида ўйласангиз, у ҳолда борган сари асабийлашишингиз ва ҳафсалангиз пир бўлиши ортиб боради, шунинг учун вазият Сиз учун чидаб бўлмас дараҷага етади;

– ўзаро муносабатларингизни сақлаб қолиш ўз ҳиссиятларингизни сарф қилишга арзимаслигини ҳис этсангиз;

– муаммони ҳал қилиш ва асабийлик ҳамда ишончсизликдан қутулишнинг реал усулини кўрмасангиз.

Бу усууллар ҳам самарасиз туюлган шароитда энг охири нима қилиш мумкинлигини ўйланг, бу вазиятда Сиз:

– ўзаро муносабатларингиздан кўрадиган манфаат ва зарарни солиштиринг;

– ўзингизни зарар ўрнини қоплаб, ҳамма нарсани ортга ташлашга ишонтиринг;

– ўзаро муносабатларингизни йўқотишдан унчалик катта зарар кўрмаслигингиз ҳақида ўйланг;

– ўзингизга ҳамма нарсага қўл силтаб кетишга руҳсат беринг;

– ўзингизни ҳамма нарса тугади, нарироқ кетиш керак, деб ишонтиринг.

Ҳиссиятларингиз тинчигандан сўнг низога четдан, бегона кўз билан қарашга уриниб кўринг.

УСТОЗЛАР ТУХФАСИ

Кадимий миллий маданият ва қадриятларимизни ёшлиқдан болалар онгига сингдиги бориш, комил авлодни вояга етказиш ҳар биримизнинг орзуимиздир. Ўйда, кўчада, мактабда, катталар олдида, тенгдошлар даврасида ўзни тутиш, ўзликинг англаутувчи унтутилган чиройли одобахлоқ қоидаларимиз бордирки, бугунги кунда бизга эртакдек туюлади, ҳавас қиласиз, узоқлашганимиз боис ўкинамиз.

Ўз-ўзлигимизни намоён этадиган хушхулк урф-одатларимизга муҳтоҷлигимиз кундан-кунга билиниб, замонавий тус олган кўнижмалардан возкечишга дилдан эҳтиёж сезамиз.

Назокат қоидалари, устозлар мақоми, отонага ҳурмат ва эътибор кабиларнинг буғунги кунда салмоғи камайгани боис оғрикли нуқталардан бирига айланди.

Кадимда устознинг уйи рўпарасидан ёки қабри олдидан ўтганда, ҳурмати учун отдан тушиб, пиёда ўтишган. Устозининг набирасини кўрган кекса болалар эҳтиром-ла сўрашиб, уйларига таклиф этишганда ҳам ёш болани уй тўрига ўтқазиб, ўз қўллари билан таом тайёрлаб меҳмон қилишни фазилат деб билишган. Бу юксак одоб аждодларимизда аввалдан ҳам мавжуд бўлган. Ислом дини орқали эса янада мустаҳкамланган, ажри ҳам жуда бебаҳодир. Ота-боболаримиздаги бу каби камтарлик, хунар, илим соҳибларига бўлган ҳурматнинг намуналари ҳар биримизда мавжуд.

Ўқитувчи ҳам, устоз ҳам ўз ўқувчиларининг, шогирдларининг ютуқлари билан фахрланади, фурурга тўлади. Ҳақ томонидан инсоннинг яратилиши – ўзи бир мўъжиза. Ана шу яратиқнинг комил инсон бўлиб вояга етиши учун қилинаётган ҳар бир саъй-ҳаракатлар негизида ҳам мўъжизанинг заррачаси мавжудлиги шубҳасиз. Фарзандларимиз келажаги учун ҳозирги

кунда таълим соҳасида қилинаётган савобли ишлардан бири ҳақида икки оғиз сўз айтишни жоиз деб билдим.

Бу борада Ҳалқ таълими вазирлиги, Республика таълим маркази ва бошқа мутасадди ташкилотлар, маърифат, маънавият тарғиботчилари билан ҳамкорликда ўйланиб, муҳокама қилиниб ташкиллаштирилган, бир гуруҳ зиё соҳиблари томонидан ҳамжихатлиқда яратилган, мактабларимизнинг барча синфлари учун тайёрланган “Тарбия” дарслиги, унинг юртимиздаги рус ва кардош тилларда таълим берилувчи мактаблар учун чиқарилаётган таржималари диққат-эътиборга, эътирофа сазовор муҳим ва савобли ишлардан биридирик, кўнглимини тоғдек кўтарди, умид ўйғотди.

Лойиҳанинг эътиборли жиҳати шундаки, таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларда асосан ўзбек миллати фарзандлари ҳам ўқишаётганилиги боис бу иш айни зарурат эди ва ўз вақтида амалга оширилди.

Мана, кўлимида тандирдан ҳозиргина узид олинган қайноқ қулча каби ҳали бирор кўриб, бирор кўришга улгурмаган ажойиб дарслик – жажжи болажонларимиз учун тайёрланган “Тарбия” китоби.

Зиёкорларимиз, ноширларимиз эзгу ният билан китобчани болаларимиз учун мақбул форматда, оппоқ қофозда, рангли, чиройли расмлар, суратлар билан безашибди. уни қўлига олган болажонларимиз, ҳаттоқи биз катталарнинг ҳам кўзимиз қувнаши шубҳасиз.

Пурмаъно қадриятларни ўз ичига олган мавзулар беихтиёр эътиборингизни жалб этади: “Ватан ишончи”, “Саломлашиш одоби”, “Менинг орзуим”, “Билим олиш сирлари”, “Мактабим – гулшаним”, “Эртаклар олами”... эҳче, шу ва яна кўплаб мавзулар ёритилганки, уларга беихтиёр шўнгиф кетасиз.

Бу дарсликдан вақтнинг қадр-қиммати ҳам, маҳалларимиз моҳияти ҳам, нотаниш одамлар билан муносабат ҳам, турли ҳавфли вазиятларда бола ўзини қандай тутиши лозимлиги ҳам, чиройли одоб-ахлоқ соҳиби бўлиш учун, қалб тозалигига эришиш учун қандай ва қайси амалларни бажариш зарурлиги ҳам, ҳар биримизнинг кундалик эҳтиёжимиз воситаларидан бирига айланаб қолган телефон ва ундан болаларнинг қандай фойдаланиш кераклиги, кийиниш маданияти, саломатликни, табиатни асрар, жамоат жойларида, турли давраларда ўзни тутиш одоби каби мавзулар жуда намунали тарзда хикоячалар, шеърлар мисолида берилиб, чиройли расмлар билан бойитилганки, эндинга мактаб остонасига, катталар оламига қадам қўяётган болажонларимиз учун арзирли бир тухфа бўлибди.

Ҳар бир мавзу ҳикматлар асосида ёритилган, оила даврасидаги сұхбатларда, дарс жараёнидаги саволларда, муҳокама-мунозара гаундовчи, ақлни пешловчи серқирра бир зукколик борки, дилингизга нур ёғилади, ҳузур оласиз, қониқиши туясиш.

Китобни ёзib яратган, бошқа тилларга ўгириб, қардошларимизни маърифатимизнинг назокатли хушхулқига ошно қилишга маълум бир даражада ўз ҳиссаларини кўшганлар, қимматли вақтини сарф этиб, шу китобнинг ўқувчиларга этиб боришига сидқидилдан интилган, шу билан бирга, уни ўқитган, ўргатган, қолаверса, ўқиб-уққан, ўрганган, ёдлаб амал қилган барча-барчага яхши тилак билдирамиз.

Нуртоқ САЙДОЛИМ қизи



Она қалби оёққа тұрса



Хафиза
ЭГАМБЕРДИЕВА

Мактабда дарс берган кезларим бир қолаттаға әзтибор берардим. Ҳаммага дарс бир хил ўтилади. Лекин ҳар хил ўзлаштирилади. Ҳамма синфларда дарсім борлығи учун ота-үкаларни фамилиясидан, іуз қиёfasидан билиб олиш мұаммо әмас. Фалончиевлар оиласын ағлочи бўлса, пистончиевлар ёппасига билмасвойлар бўларди. Алоҳида шугулланиб ҳам бир бет маълумотни ёдлата олмаган пайтим бўлган. Бу ген туфайлими ёки тарбияга боғлиқми? Мавзу баҳсталаб. Фарзанд кутаётган она ҳали түгилмасиданоқ ҳомила билан сұхбатлашиши, унга китоб ўқиб бериши, қўшиқ хиргойи қилиши керак, дейишади замонамиз руҳшунослари. Бизнинг ривоятларда ҳам янги түгилган нақалоқнинг тарбияси масаласида келган ота-онага тўйқиз ой кечикибсиз, деган жавоб берилган доноларимиз томонидан. Бугунги оналар ва фарзандлар мұносабати борасида фикрлашсак...

Бу кун фарзандининг келажаги учун қайғуриб, бօгча ёшиданоқ пойdevор қўяётган оналар бисёр. Натижада ёшларимиз ҳатто хорижлик олимларни-да лол қила оладиган салоҳиятга, билим ва заковатга эга бўлишмоқда. Бу ютуқ билан фахрланиш баробарида биз пайдо бўлаётганд иллатлар билан ҳам курашмогимиз керак. Бугунги қизлар – эртанги оналар. Қизларимизнинг тарбиясига, ақлу заковатини ўстиришига ҳам алоҳида аҳамият қаратишимиш керак.

ГАП-ГАШТАК МУҲИММИ ЁКИ ТАРБИЯ?!

“Оммавий маданият” деган ном олган антиқа одатлар ҳам сарҳад билмай, ими-жимида ҳаракатланяпти. Унинг таъсирида ёпирилиб келаётганд иллатлар хусусида тўхтalamиз.

Мана, бир тоифа оналар ресторанга келиб ўтирди. Бўйинларида, бармоқларида ялтираган зеб-зийнатдан атроф ёришиб кетди. Дастурхондаги таомларни санаб ўтирмаймиз. Ҳатто, ранг-баранг шишалар орасида спиртли ичимликлар ҳам бўй чўзиб турибди. Даврадагиларнинг овози баландлашмоқда. Энди ким гапиряпти, ким тингляяпти деманг. Тингловчи йўқ. Ҳамма гапиряпти.

Мусиқа авжига чиққанда, ўйинга тушиб, пасайганда фийбатлашиб, кийган лиbosларини, таққан тақинчоқларини кўз-кўз қилиб ўтиришади. “Бир ойда тўртта гаштагимиз бор, – дейди бир аёл. – Ҳали бу ўғлим, ҳали униси пул жўнатиб турмаса, гапнинг ўзига ойига фалон сўм кетади. Гаштак навбати тегиб қолса, дастурхон учун бир дунё харражат. Келинимнинг ҳам учта гаштаги бор. Иккаламизники бир кунга тўғри келиб қолмасин, невараваларга ким қарайди деб ташвишланаман доим”.

Ташвишини қарант онанинг. Оиладаги аёлларнинг гап-гаштаги учун ҳам камида бир ярим миллион сўм керак экан. Аёлларнинг ҳар сафар гаштакка бир хил кийинаманми, деган иddaоларини ҳам кўшсак, қор қалин ёғадиган томонларга чиқиб кетган йигитларни тушуниш мумкин.

ОНАЛАР ҲАММА ДАВРДА БИР ХИЛМИ?

**Кечаги оналар қандай эди?
Бир зум кўз юмиб кечаги оналарни эслайлик.**

Фарзандлари таомланиб кетгандан сўнг дастурхондаги ушоқларни еб қаноат қилган, қашшоқлик, йўқчиликни бошидан ўтказган, уруш кўрган момоларимиз. Сандал атрофида болаларини тўплаб эртак, достон ўқиб берган оналар. Улар ҳозир ҳам орамизда бор. Умрлари узоқ бўлсин. Тилларидан шукrona тушмайди. Невара-эвараларини дуо қилиб чарчашмайди. Ҳар гапида хикмат бор. Ҳеч бўлмаса, битта мақол қўшиб сўзлайди. Олисдаги ўғлидан хат келса йиглаб ўтирадиган, борлигини фарзандига бағишлаган, ўзини унугланган жонфидо оналар.

Яқин йиллар ичida замон шиддат билан ўзгарди. Истиқлолга эришганимиздан сўнг ўтиш даври ортда қолиб, кун сайин турмушимиз фаронвонлашиб борди. Кўз тегмасин. Илгари бир аёлнинг кўчалик кийими икки-учтагина бўлса, ҳозир жавонларга сифмайди. Илгари йиртиқ кийимга ямоқ солиб кийилган ва юпаниш учун ямоқ кийган савоб, дейилган бўлса, бугун ямоқ кийган инсонни кўрмаймиз. Йигит-қизларгина эмас, катта ёшлилар ҳам замонавий, урғфа қараб, рангини рангига мослаб кийина бошлашди. Бу оналарга ҳам кескин таъсир қилди.

Шукурки, аёлларимиз энди ўттиз ёшида ўтин бўлмаяпти. Улар ҳам ўзгарди. Энди ўзини ҳам ўйлаяпти. Ҳатто бир марта кўпчиликнинг орасида кийган либосини узоқ вақт қайта киймайдиган аёллар ҳам бор.

КЎЗ ЁШ ТЎКА- ЁТГАН ОНАЛАР

**Бир тоифа оналар борки, улар уй бекалари орасида.
Ойна жаҳон қаршисида михланган.**

Қайсиdir мамлакатдаги муҳаббат мажароларини кўриб, қаҳрамонлар учун кўз ёш тўкиб ўтиради. Ёнига эмаклаб келган боласини ҳам силтаб, фамга ботади. Ҳаётининг мазмуни шу. “Шу ҳафта зўр сериал бошланди. Узокроқ вақт талаб қиладиган таомларни қилмай қўйдим. Ёкуйиб кетади ёки сериалимни қўролмай қоламан. Айни сери-

ал бошланганда дадаси ишдан келадилар. Қовоғидан қор ёғиб қолмасин, деб тухум пишириб келаман. Кеча йигитни қамаб қўйганда қон босимим кўтарилиб кетибди. Ҳалигача дори ичиб ётиман. Туҳматга қолди шўрлик. Кундузи тақрор кўраман. Болалар роса халақит беришади-да”. Қўшнилар сұхбатидан бу гаплар. Энди бу она фарзанди учун нима қила оляпти? Оиласидагилар яrim тайёр овқатларни еявериб, саломатлигидан ажралмайдими?

Илгари оналаримиз уйда масаллик тугаб қолса, ун-урвоқдан атала қилиб ҳам вазиятдан чиқишар ва болаларини оч қолдирмасликка интилишарди.

Бугун-чи, “Гўшт узилдими, овқат қилмайман. То дадаси олиб келгунча қозоним тўнкарилади. Болаларим ҳам шунга ўрганишган. Музлатгичим тўла бўлиши керак. Бўлмаса, онамниги кетвораман”. Ёш жувоннинг мақтаниб айтган бу гапларидан оила бошлигининг аҳволини тасаввур қилаверинг. Биз – оналар фарзандларимизга эътиборлироқ бўлишимиз керакмасми? Фарзанди улғайиб ватанфурушга айланәётган айрим оиласаларда катталар бўлар-бўлмасга нолимаётганимик? Мана шу ўринисиз нолишлар туфайли айрим ёшларимиз жаннат қидириб, жаҳаннамга тушиб қолмаяптими? “Ўзбекистон” телеканалидан берилган “Қиёматга қолган қарз” кўрсатувида ўғли ватан хоини бўлган ёки ёт ўлкаларда қурол кўтариб юрган, турли террористик гурухларга қўшилиб кетган ота-оналарнинг аянчли аҳволи, сўнгсиз пушаймонини кўриб, кўнгил бузилади. Демак, хавф-хатар қайсиdir мамлакатларда эмас, эшигимиз ортида пойлаб турибди. Соатлаб сериаллар кўриш ўрнига уйдан кўчага чиқиб кетаётганд үғлимизнинг қаерга бораётгани билан қизиқсан маъқул эмасми?



ОЛИСДАГИ ЯҚИНЛАР

Халқ оғзаки ижодига назар ташласак, XX аср бошида Николай подшони қарғаб айтилган құшиқлар күп яратилған.

Бу подшо үғлонларни мардикорликка жалб қилиб, мажбуран олиб кетгани учун оналар тилида тавқи лаънатта учраган. Ыша давр оналари жуда болажонмидики, бунчалик қайғу-ғамга ботған? Ҳолбуки, дастурхонда бир бурда нон бўлмаган, эгни-боши юпун ҳолатда ҳам фарзанди ёнида бўлишини хоҳлаган. Бугун-чи? “Энг йўқсилман” деган хонадонда ҳам дастурхон ноз-неъматга тўла. Қимирлаган ризқини топиб еса бўладиган бир даврда ўз қўли билан ўғилларини четга жўнатиб, қаерга кетганини ва қачон келишини билмай, ўликми-тирикми хабарсиз ўтирганлар қанча. Бутун бўлмаса яримта нон ейлик, четга чиқишни хоҳлашса, қонуний йўл билан жўнатайлик. Ахир, излаган имкон топар, де-йишади-ку. Фарзандларимиз совуқ ўлкаларда баҳор келишини кутиб, ертўлаларда яшаётгани, соғлигини бой бериб қайтаётгани, турли юқумли касалликка чалинишаётгани ҳам бор гап-ку. Жигаргўшаларимизни ўтга ташлагандан кўра, тўй-ҳашамдаги дабдабалар, кераксиз олди-бердиларни қисқартирайлик, ортиқча чиқимлардан тийилайлик. Тан олишимиз керакки, оиласда аёлларнинг нолиши кўпроқ, “Одамларнинг эрини қаранг, одамларнинг ўғлини кўринг, жарақ-жарақ пул жўнатяпти”, деган нолишлар эркакларни кўчага чиқиб кетишга мажбур қилмайдими?

“Олисдаги яқиним, омонмисиз”, деб сўз бошлиди телебошловчи қизлардан бири. Қулоққа хуш ёқади. Биздан олисрокда яшаётган қариндошлар, дўстлар ҳақида ўйлаб қоламиш. Бироқ яқинимизда туриб узоқлашиб кетаётган жигарларимизни ўйлаймизми? Бир хонадонда яшасак-да узоқлашиб кетмаямизми? Ҳар куни ёнида бўлсак, бир-биrimизни кўрсак, бирга овқатлансак, нега узоқлашамиз дедингизми? Хонадонингиз аъзоларини кузатинг.

Сиз телефонда дугонангиз билан ҳасратлашайпсиз. “Бепул вақт” берилғанми, унумли фойдаланишни истаб гурунглашяпсиз. Ўғлингиз компютер ёнидан соатлаб жилмайди. Кичкиналар кўлида планшет, ўйин ўйнашмоқда. Қизларингиз телевизордаги сериалдан кўз узмайди. Қўлларидаги телефон ҳам тинмайди. Болаларни овутиш учун зап ўйинчоқ топилди дейсизми? Катталар ҳам зериkmайди, болалар ҳам.

Эрнинг хотининга, онанинг болаларига айтадиган гапи ҳам камайиб бормоқда. Бир уйда туриб “SMS” лашаётганингиз-чи? Ўфлингиз ким билан ёзишяпти, қизингиз-чи?

Балки қул бўлиб қолар, балки ўзи истамаган ҳолда донорга айланар.

Билмайсиз, уларнинг виртуал дўстлари аллақачон сиздан тортиб олишган. Уларнинг олисдаги “яқин”лари бор. Бироқ бехабарсиз. Кун келиб, хорижга “яқин”ларининг ёнига кетиб қолишиша ҳам билмай қоласиз. Чунки виртуал “дўст”лар жуда “вафодор” бўлишади. Фарзандларингизнинг дам-бадам аҳволини сўраб, нолиб қолса, муаммосини ҳал қилишга шай туринг. Айни оқ-корани ажратиш ёшида интернетга муккасидан кетган фарзандларингизга қандай қилиб ҳаёт дарсини берасиз?

Ҳа, сиз айтгандек, қаерлардадир уруш бўлмоқда. Биздан нари. Бироқ ўша хатарли жойларга фарзандингиз бориб қолиши мумкинлигидан, бу каби воқеалар содир бўлиб турганлигидан чўчимаяпсизми? Ҳатто моддий таъминлашни ваъда қилаётган чет эллик “дўст”лар ҳам бор. Яқиндаги “олис”ингиз ҳақида ўйланг, қайғуринг, фафлатда қолманг.

ВИРТУАЛ ДЎСТЛАР ҚАНДАЙ ХАВФ ТУФДИРИШИ МУМКИН?

Биринчидан – улар билан юз кўришмаганмиз, иккинчидан – улар қай манзилдан эканини билмаймиз. Буни ўрганиш учун ижтимоий тармоқлардан бири – “Facebook” да профил очдим. Тўғриси, биринчи ой қўлимдан телефон тушмай қолди. Салом-аликлар, танишувлар, “янгиликлар” домига тушдим. Асосий ниятим яхши ижодий намуналардан баҳра олиш эди. Олдин битталаబ ўқиб чиқсан бўлсам, кейин истеъодли ижодкорларнигина кузата бошладим. Бирорта хабарни ўқиб турган пайтим дўстлардан салом юборилади. Жавоб ёзишга рағбатим қолмади. Юртимиздан олисда туриб, бизнинг қандай яшаётганимиз ҳақида фикр билдирувчи, тухмат тошини отувчи қаслар туфайли асабларим чарчади. Мана, қандай қилиб ижтимоий тармоқлар фарзандларимизни ўзига қарам қилиб олмоқда экан? Мен 50 ёшимда шунчалик берилиб қолдим. Ўзимни тўхтатгунимча бир ой керак бўлди. Ёшлар эса ойлаб, йиллаб унинг асирига айланмоқда. Энди мени қайсиdir дўстимнинг қандай овқат тайёрлагани, оиласвий суратлари, бекорчи салом-аликлар, яхши шеъргаям, ёмонига ҳам “Like” босувчи виртуал муҳлислар қизиқтирамай қўйди.

Кутилмаганда Ли исмли “дўст”дан хабар келди. Унда банкларнинг бирида менинг исми-шарифим билан бир хил бўлган бир мижоз

кatta миқдорда пул қўйганлиги, бироқ баҳтсиз ҳодиса туфайли оила аъзолари билан автоҳалокатга учраб, ҳалок бўлишгани, унинг фалон миллион долларлик маблагини қўлга киритишим мумкинлиги ҳақида эди. У бу маълумотни сир сақлаб, боғланиш учун "e-mail"ини ёзганди. Худди шундай хабар бошқа бир танишимга ҳам келганини эшитганим учун мен эътибор бермадим. Бироқ ўрнимда ёшларни тасаввур қилиб хавотирга тушдим. Баъзи бир содда фарзандларимиз бунча катта маблагни олиш имконияти борлигини билиб, ҳатто чет элга бориб қолганлигини ўзиям билмай қолиши мумкин. Хорижда уни нима кутиб турибди? Балки қул бўлиб қолар, балки ўзи истамаган ҳолда донорга айланар. Ёхуд қўлига қурол бериб, террорчи бўлишга, ватан хони бўлишга мажбурлашар. Ҳар қандай шароитда ҳам уни хавф-хатар, келажаги йўқ таклиф кутиб олиши турган гап.

Қўлидан мобиль телефони тушмайдиган, компьютер қаршисидан силжимайдиган фарзандингизни ана шундай хатарли тузоқлар борлигидан огоҳ қилиб қўйсангиз яхши бўларди.

Виртуал дўст қизми-ўғил, эркакми-аёл, унинг ёши ҳақида ҳеч нарса билмаймиз. Шу боис интернетдан танишиб, турмуш қурмоқчи бўлган қизлар отаси тенги "куёвтўра"ни ҳақиқий ҳаётда қўриб, ойлаб "SMS"лашган дўсти билан "дийдор" кўришганда ачинарли ахволга тушиб қолишишмоқда. Самиранинг бошидан ўтганлари кўпчилик қизларимизга сабоқ бўлади, деб ўйлайман.

СЕВГИЛИМ ДАДАМДАН КАТТА ЭКАН

У билан бир йил ёзишдик. Ақлли, ширин сўз, ҳар бир гапни топиб гапирадиган, хафа бўлсам, кўнглимни кўтарадиган йигит эди. Мен учун ярим тунгача, баъзан тонгача уйкусидан кечарди. Телефонимга пул ташлаб қўйган кунлари ҳам кўп бўлган. Ниҳоят, учрашишга қарор қилдик. Мен оқ шарфда бўлишимни билдирам, у эса шляпа ва қўлида кичкина сумкача бўлишини айтди. У "Сал эртароқ келиб, ресторанга жой буютириб қўйдим, Гуля исмли официант сизни кутиб олади. Бемалол ўтириб, чой ичиб туринг", деди. Айтганидек, мени маликалардек кутиб олишди. Кабиналарнинг бирига таклиф қилишди. Ҳаяжондан юрагим ҳаприқиб кетар, икки юзим оловдек ёнарди. Ўтириб, бир стакан сув ичиб олдим. Бироздан сўнг ёши олтмишдан ошган бир одам келиб ўтириди. Овози жуда қадрдон эди. Йигитнинг отаси бўлса керак, деб ўйладим. Унинг бир четга қўйган кичкина сумкачини кўриб, тилим айланмай қолди.

– Самира, бу узун тунлар сиз билан сухбатлашган ошиқ мен бўламан. Сизни юзма-юз

кўриб, муҳаббатим ўн чандон ошди. Биз баҳтли бўламиз, худо хоҳласа... У тинмай ўша майин ва салмоқли товушда гапирав, мен эса тинмай йиглаётгандим. Ўрнимдан туришга ҳам ҳолим йўқ эди. – Икки йил бўлди, нафақага чиқдим. Хотиним вафот этган. Болаларим ўзи билан ўзи овора. Тунлари уйқум келмайди. Нафақага чиқсан, маза қилиб ухлайман, дегандим, қайда. Шундай қилиб, интернетта асири бўлдим. Кейин эса сизни топдим.

Эҳтимол, ёшим бироз ўтиб қолгандир. Бироқ бир йигит бериши керак бўлган баҳтни ҳадя қилоламан, деб ўзимга ишонаман. Топиб-тутганим, йигиб қўйганим бор. Иккимизга етади. Хоҳласангиз, институтга ҳам кириб ўқишингиз мумкин...

Қолган гапни эшитмадим, бир амаллаб оёқقا туриб қочдим. Мен оппоқ қўйлакда ўзимнинг tengkuriymga турмушга чиқиб, ягона баҳтим билан яшаб ўтишни хоҳлардим. Дадам ҳали эллиқдан ошмаганлар. Куёви олтмиш беш ёшли чол бўлса-я...

Шунчалик тез қочдимки, кўз ўнгимга дадам келаверди. Яхшиям, такси тўхтади. У ортимдан юргурганча қолди. Юрагим шунчалик тез урганидан бўғзимга бир нима қадалар, кўз ёшларим тийилмас эди. Мен аҳмоқ унинг ёлғонларига ишониб қанча совчиларни қайтардим. Бир йил ҳаётдан узилиб қолгандек эдим. Юрагим хувиллаб қолди. "Гулим, сиз мени маънан севиб қолдингиз, деб ўйлагандим. Наҳотки, инсоннинг ёши шу қадар муҳим бўлса! Қалбингиз тоза, туйгуларингиз рост бўлса бўлди, дегандингиз-ку. Ҳеч бўлмаса, "SMS"лашиб турайлик. Уйкусиз тунларимнинг овунчоги эдингиз. Майин овозингиз менга ҳаёт бағишларди".

Бу унинг сўнгги телефон хабари эди. Уни "блок" лаб ташладим. Онам бечора бир ахволда кириб келганимдан қўрқиб кетдилар. Дарҳол асалли чой ичириб, ўрнимга ўраб қўйдилар. Шунда ҳам дар-дар титрашим тўхтамасди. Ўзимга келгач, ижтимоий тармоқдаги танишларимга дўстим "отахон" "экан, дея хабар жўнатдим. Кимдир менга ачиниб, кимдир кулиб жавоб қайтарди. Биттаси интернет-магазиндан эртопмоқчимидинг, деб таъна тоши отса, кимдир ачиниб ёзарди.

Ишонувчанлигим панд берди. Ҳаммаси бачкана гап-сўзлар эканлигини, орзулатим ва ҳасратим бир бегона одамлар томонидан эрмак бўлаётганини англашим. Кечроқ англашим. Шунча кетган вақтимга, гулдек умримга ачиндим. Бунинг ўрнига китоб ўқисам, тўқиши ўрганиб синглимга пайпоқ тўқиб берсам бўлмасмиди, қўшимча сабоқ олиб олийгоҳга ҳужжат топширсам бўлмасмиди, деб ўйлаб кўнглим йигларди.

Ҳаётга қайтдим. Тенгдошларимга эса кўрмаган-бilmagan, суриштиргмаган кишингизга кўнгил қўйманг, деган бўлардим.

“СУПЕР ҚАЙНОНА”

БЎЛИБ ФАМЛАРНИ УНУТДИМ...

Бу даргоҳга қалблар таскин, тасалли, илинж истаб келишади. Ўзини, ўзлигини излайди. Унинг ҳар бир гиши, деворлари не-не тақдирларнинг кечмишига гувоҳ. Бу ернинг кулгулари чин, кўз ёшлари рост.

Ҳар куни турфа роллар ижро этадиган актёр ва актрисаларнинг ҳаёти ва кечмиши ҳам аслида спектакллар каби турфа, қизиқ, гоҳи изтиробли. Биз бугун халқимизга роллари билан яхши таниш бўлган санъаткор, Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқали драма театри актрисаси, **Ўзбекистонда хизмат қўрсатган артист** Малика Қаюмованинг кўнгил битикларига қулоқ тутамиз.

– Болалик нималигини билмай ўтганман. Ўн икки ёш эканимда отамдан айрилиб қолганимиздан сўнг ҳаммамиз онамга тиргак бўлишимиз кераклигини ҳис қилганимиз. Уч ойлик мактаб таътилида рўзгорга кўмак бўлиши учун синглим билан боғча опаларга ёрдамлашардик. Топган чойчақамизга ўкув қуроллари, кийимлар сотиб олардик. Бу билан

ўттиз беш ёшида бева қолган, турмушнинг юки гарданига эрта тушган волидамнинг огирини уddaлаганимизча енгиллатордик.

Турмушнинг қийинчиликларига қарамай, бола эканмиз-да, катта-катта орзулар қиласардик. Мен санъаткор бўлишни жуда хоҳлардим. Кўнглимда ҳавас уйғонишига мактабимиздаги драма тўгараги сабаб бўлганди. Ўзбекистон халқ артисти Махсум Юсупов шу тўгаракни бошқарар эди. Эсимда, ўқувчилик пайтимда “Кутлуг қон” асаридаги Нури образини ўйнаганман. Лекин, биласизми, актриса бўламан деб бемалол орзу қиломасдим. Чунки акам жуда қаттиқўл эди. Отамдан кейин акам бизга ота нигоҳи билан қарабарди, отадек қаттиқ туради. Актриса бўлиш қиз бола учун жуда мушкул эди. У пайтларнинг қарашлари, ўлчовлари бошқача эди.

Бир куни кўп қаватли уйимизнинг йўлакларини тозалаб юрсам, қўшнимиз – рус аёл мени ўқишга кириш учун рағбатлантирди. У университетда ўқитувчи бўлиб ишларди. Ўзи ўзбекчани яхши билар, ўзбек адабиёти вакилларининг асарларини яхши кўриб мутолаа қиласарди. Шу аёлнинг далласи сабаб бўлиб, у ишлайдиган ҳозирги Ўзбекистон Миллий университетига ҳужжат топширдим. Ўқишига кираман деган ниятларда юриб, синдошим Фарҳод Файзиевни учратиб қолдим. У санъат институтига ўқишига кирмоқчилигини оғзидан бол томиб гапира кетди. Юрагимда яна илинж пайдо бўлди. Ахир мен ҳам шу йўлни орзу қиласардим-ку. Қизиқиб кетиб, унинг кириш имтиҳонига бирга бордим. Имтиҳонда домлаларга ўқишига талабгор ёшлар бири шеър, бири ҳикоя айтиб маҳоратини кўрсат-





*Сўз билан далда қилиб, ёнган юрагимга малҳам босишиди.
Ишга қайтиб, кўксимни кўтаришимда куч беришиди.*

вақт мени қўллаб-қувватлади. Бир-биримизни аяб, қадрлаб яшадик. Аммо... ҳаёт бир хилда равон кечмас экан. Қизим Дилдора Қаюмова тележурналист, шоира, режиссёр, қўшиқчи...

Қалби тўла ижод эди унинг. Кутилмаган айрилиқдан кейин ўзимни йўқотиб қўйдим. Ҳаётим тамомила бўшаб қолгандек бўлди, кунларимдан мазмун, юзимдан ранг кетди. Ҳеч ким болам, демасин экан. Бағримдаги ўт ҳалиям учмаган. Ҳалиям бир томоним куйиб туради. Чехраси кўз олдимдан кетмайди. Бироқ иложим йўқ. Оллохнинг ишига кўнмаслик мумкинмас. Шундай оғир кунларда турмуш ўртоғим, жамоам, устозларим ёнимда бўлишиди. Сўз билан далда қилиб, ёнган юрагимга малҳам босишиди. Ишга қайтиб, кўксимни кўтаришимда куч беришиди. Ўша кезлари театримизда “Супер қайнона” спектакли айни авжи паллада қўйиляётган эди. Устозларим Бахтиёр ва Марям Ихтиёровлар, Мурод Ражабов, ҳамкасбим Зулайҳо Бойхонова, раҳматли истеъододли режиссёр Рустам Маъдиев менга катта далда берган. Спектакль кунига 2-3 марта саҳнада қўйиларди. “Супер қайнона” спектаклининг иккинчи қисмида ҳам бош қаҳрамон образини кейинчалик ўн беш йиллар ижро этдим. Партиёрларим, барча театр жамоаси саҳнага кулиб чиқишим, дардимни унутишим учун ёрдам беришган. Саҳнанинг сехри, кучи билан ўзимга келдим. Янги ролларим кўнглимда умид чироғини ёқди. Устозим Фароғат Раҳматова менга кўп насиҳат қиласарди. “Болам, шу корхонанг корингга кор келади. Ҳеч қачон театрга хиёнат қилмагин”, дерди. Шундай яшадим. Ҳатто устозим Бахтиёр Ихтиёров бизнинг ижара уйларда қийналиб юрганимизни билиб, ёрдам деб 1979 йили икки хонали уй олишимизга сабабчи бўлганди. Бу кунларни ҳеч қачон унутмайман.

Бугун ортга қараб, гарчи синовлар, фамаламлар кўп бўлган бўлса-да, ҳаётимдан рози бўламан. Зеро, севимли кишиларим, театрим ҳамиша мен билан бирга. Театрни жуда яхши кўраман. Умримнинг охирига қадар шу меҳру санъат оғушида яшашни ният қиласарди.

САБИНА БОНУ тайёрлади.

япти. Бир маҳал мени бир ўқитувчи кузатиб турган экан, даврага чақириб қолса бўладими? “Мен томошага келганман”, десам ҳам кўймади. Мен ҳам таваккал қилдим-у, “Сен етим эмассан” шеърини ёд айта кетдим. Домлалар бир зум жим туришиди, кейин менга бир овоздан санъаткор бўлишим кераклигини айта бошлишиди. Ҳайрон бўлдим, лекин қувондим. Ўзимга бўлган ишонч оташи яна алангалай бошлиди. Шу ишонч билан ҳужжатларимни олиб санъат институтига топширдим. Ўқишга кирганимни уйдагиларимга айтмай юрдим. Талабалик давримнинг олтин дамларига сармаст юрган чоғларим турмуш ўртоғим Зокир aka Қаюмовни учратдим. Улар режиссёр эди. Пойтахт турмушига кўнинкан, шаҳарда улғайган қиз гуллар шаҳри Намангандаги келин бўлиб кетдим. Эҳ-хе, у дамларни эсласам, умримнинг энг гуллаган, файзли, ёруғ кунлари эканини қайта ҳис қилиб, энтикиб кетаман. Ўша вақтлар пойтахт қизларини олисга турмушга беришмасди-да. Лекин Худо тақдирга битган бўлса ҳеч гап эмас экан. Биласизми, шаҳарликман демадим. Ўша юртнинг ҳамма одатларига, тарзига кўндиндим. Водийнинг гўзал шевасига, такаллуфига, очиқчехра одамларига меҳр кўйдим. Бирин-кетин фарзандларим туғилди. Касбдош бўлганимиз учун Зокир aka ҳамма

“Гулистанни гуллатаётганлар

Қува туманидаги энг чекка ҳудудлардан бири саналган “Гулистан” маҳалла фуқаролар йиғинида ҳозирги кунда 4876 нафар аҳоли истиқомат қилиб, улар турли миллат вакиллари дидир. Маҳаллада 2 та мактабгача таълим ва 2 та умумий ўрта таълим муассасалари маевжуд. Бу ерда одамларнинг асосий даромадлари дехқончилик ва чорвачиликдан бўлиб, улар орасида мева етишириш бўйича катта тажрибага эга бўлган фермерлар ҳам бор.

Моҳир боғбон Исмоилжон Умрзоқов ўз боғида етиширилган гилос ва шафтоли меваларини чет элга экспорт қилиб, яхшигина даромад топди. Саховат йўлини танлаган фермер даромадининг бир қисмини маҳалла гузарини обод қилишга ажратди. Унинг ташаббуси билан бугун Гулистан қишлоғида хотин-қизлар учун гўзаллик салони, чевархона, фитнес соғломлаштириш клублари фаолият олиб бормоқда. Энг муҳими, қишлоқдаги ўнлаб хотин-қизларимиз иш билан таъминланди. Уйига яқин жойда ишлаб, рўзгори ва болаларидан боҳабар бўлса аёлнинг ишида унум, топганида барака бўлади.

Маҳалланинг энг обрўли хонаёнларидан бири бўлган бу оиласда, аввало, оила устунлари – ота ва оналар томонидан фарзандларга ҳалол меҳнат, меҳру саховат, одамийлик илмлари пухта ўргатилган. Улар яхши ҳаёт замирида ҳалоллик, бирдамлик, ўзаро аҳил-иноклик мужассам эканини англаған ҳолда иккиси ҳам бирдай меҳнат қилганлар.

Гулистан қишлоғида бир пайтлар ташкил этилган колхозлараро бўрдоқчилик корхонасида, асосан, чорва моллари учун ем-ҳашак тайёрланар, ўз навбатида қорамоллар ҳам

парвариш қилинар эди. Хотамжон Умрзоқов шу хўжалиқда 15 йилдан зиёд вақт давомида бригада бошлиги бўлиб ишлади. Унинг аёли Башоратхон опа ҳам хўжаликнинг фаол аъзоси сифатида тинимсиз меҳнат билан машгул бўлган. Фарзандларига ҳалол луқма едириб, оила фарновонлигини таъминлашда қилган ҳаракатлари зое кетмади. Бу оиласда камол топган Исмоилжон, Исройлжон, Иброҳимжон, Иномжон ва ёлғиз қизлари Соҳибаҳон ҳам ота-оналарига муносиб фарзандлар бўлишиди.

Мехнатсевар, тадбиркор ўғил-қизлар бугун ҳаётда ўз ўринларини топиб, жамиятилизнинг фаол аъзоларига айланганлар. Ўғил болалар раҳматли оталари Хотамжон аканинг ишларини давом эттириб, дехқончилик билан шуғулланадилар. Ер илмини пухта билиш, у билан тиллашиш кишига саодат келтиришига ўз ҳаётлари мисолида иқор бўлишмоқда.

– Туман ҳокимининг қарорига кўра мавжуд 30 гектар майдонда интенсив боғлар барпо қилмоқчимиз, янги боғда гилос, шафтоли, анор мевалари етиширилади ва уларни томчилаб сугориш асосида парвариш қиласиз, – дейди тажрибали боғбон Исмоилжон Умрзоқов.

Интилган имкон топади. Ҳар куни бир янги ташаббус билан тонгни қарши олаётган бу оиласнинг дуогўйи Башоратхон ҳожи она катта оиласга бош-қош бўлгани учун ҳам меҳр-оқибат бор. Энди набираларини ҳам яхши инсонлар қилиб тарбиялаш мақсадида эзгу орзулар билан яшамоқдалар. Онахоннинг 19 нафар набира, 5 нафар чевараси бор. Яқинда

қизи Соҳибахон ўғил уйлаганда, ҳожи она невара келин кўрганидан қувонди, уларнинг умрига барака тилаб, дуога қўл очди.

Исмоилжон қўли очик, саҳоватли инсон бўлиб, укаларини ҳам шу эзгу ишларга бошлиётганидан онахон жуда мамнун. Ўз хўжалиги, маҳалла гузаридан ташқари ҳудуддаги мактабгача таълим ва умумтаълим мактабларига ҳам ҳомийлик ёрдамини кўрсатиб келаётган тадбиркор йигитдан барча хурсанд.

Жумладан, 37-мактаб ўқувчилари учун турли саёҳатлар, мусобақалар уюстиришда, танлов голибларини тақдирлашда тадбиркор Исмоилжон Умрзоковнинг беминнат ёрдамлари борлиги ҳақида мактаб директори Лазизбек Усмоналиев ҳам жуда илик фикрлар билдириб, ўз жамоаси номидан бу тадбиркорга миннатдорчилик билдири. Ёши улуғлар эса бу каби ҳимматли инсонлар сафи кўпайишини тилаб, ҳамиша қўллари дуода.

Ҳаёт синовлардан иборат деганларидай, бугунги пандемия шароитида одамлар уйда қолиб, бор кучларини томорқа ишларига сарфламоқдалар. Кимдир асалари парвариши, айrim опа-сингиллар чеварчилик билан шуғулландилар. Ҳеч ким тушкунликка тушмай, ҳаёт ва тақдир синовларини борича қабул қилиб, бир-бирига елқадош бўлиб меҳнат қилмоқдалар.

Бироқ гуруч ичида курмак бўлгани каби аҳён-аҳёнда турли жиноятлар ҳам содир бўлиб ту-

ради. 2017 йилдан буён ҳудудда профилактика нозири бўлиб ишлаб келаётган катта лейтенант Оқилжон Абдубанноев бу ҳақда шундай дейди:

– Одамнинг ичида ни ма борлигини билиб бўлмайди. Шундай кунлар келдики, яшаш ва томорқа ер участкаларида турли гиёҳванд моддаларни парваришилаётган фуқароларни ҳам учратдик. Баъзан voyaga етмаган ёшлар орасида тартибсизлик, қоидабузарлик ҳолатлари намоён бўлди. Бу ишларга барҳам бериш учун маҳалла фаоллари, ҳалқ таълими ва мактабгача таълим муассасалари вакиллари билан ҳамкорликда ҳар бир кўча ва гузарларда, хонадонма-хонадон тарғибот ишлари олиб бордик. Жиноят охир-оқибат қандай аянчли азобларга дучор қилишини кенг оммага тушунтирдик.

Натижада, 2017 йили 9 та, 2018 йили 6 та, 2019 йилда 3 та жиноят содир бўлган бўлса, 2020 йилнинг шу кунига қадар бирорта ҳам жиноят содир этилмади. Бунинг сабаби шуки, маҳалла аҳли фақат меҳнат билан банд бўлди. Ҳамма хатоликлар бекорчиликдан чиқишига одамларнинг ўzlари ҳам иқрор бўлишиди.

– Маҳалла тинч бўлса, юрту элизим тинч бўлади,

– дейди шу маҳалла раисининг оила, хотин-қизлар ва ижтимоий-маънавий масалалар бўйича ўринбосари Мавлудаҳон Миралиева. – Шу мақсад йўлида барча жойларда обод маҳалла, осойишта ҳудуд учун маҳаллий сектор раҳбарлари, Маҳалла ва оиласи қўллаб-қувватлаш вазирлиги туман бўлимлари билан ҳамкорликда иш олиб бормоқдамизки, охир оқибат ҳар бир ҳудуд жиноятдан холи ҳудудга айлансин. Аёллар ҳақида гап кетганда, қишлоғимиздаги тадбиркор аёл Ҳосилаҳон Ҳасанова ҳақида сўзлагим келади, – дейли Мавлудаҳон сұхбат давомида. – Бу иродали синглимиз турмуш ўртоғини, фарзандларини йўқотди. Бироқ ҳеч кимга кўз ёшини кўрсатмай, ўзини меҳнатга урди. Томорқасида лимонария ташкил қилди, резаворлар етиштириди, бозорга сифатли маҳсулотлар чиқарди. Бугун у келини ва набираларига ҳам ҳалол меҳнат қилишни ўргатиб, меҳнатлари роҳатини кўриб ўтирибди. Зулфияхон Тожибоева ҳам томорқадан оқилона фойдаланишда кўпчиликка ибрат бўладиган аёллардан. Қисқаси, маҳалламизда аёллар ўртасида ҳеч қандай жиноятчилик, ҳуқуқбузарлик ҳолатлари юз бермайди, негаки, ҳамма иш билан банд, бекорчи одамнинг ўзи йўқ.

Мавлудаҳоннинг айтишича, маҳаллада осойишталикни сақлаш, турли ҳолатларнинг олдини олишда, тўй ва ҳашамларнинг тартибли ўтказилишида маҳалла фаолларидан Дилоромхон Ҳасанова, Мавлудаҳон Мирзаева, Бусораҳон Абдукаримова, Мұхаббатхон Умрзокова сингари опа-сингилларнинг алоҳида жонбозликлари бор.

Дарҳақиқат, инсонга биринчи навбатда тинчлик керак, йўқса, унинг барча орзу -ўйлари армонга айланади. Илоҳим, ҳар бир хонадонда, ҳар бир маҳалла да “Гулистон”даги каби осойишта кунлар бардавом бўлаверсин.

Зухра АЛИЕВА.
Райимжон Қосимов олган
сувлар.





Висенте Бласко ИБАНЕС

Оңир төмчилар

Хикоя

Кекса Тофол ва унинг қизи қуллардек мاشақатли кун кечиришарди. Улар бетўхтов ёсил бераверганидан силласи куриган боғчаларининг қули эдилар. Ўзлари ҳам шу бир парча, қўшиларнинг таърифи билан айтганда, дастрўмoldан сал катта ерга илдизи билан кириб кетган иккита дарахтга ўхшашар, отабола пушталарда гўё чувалчангдек гимиirlаганлари-гимиirlаган, айниқса, шу заҳилгина қиз куни билан тинмас эди. Қўшилар қизга “Борда” дея лақаб қўйишганди, чунки Тофол амакининг марҳума хотини туғмаслиги маълум бўлгач, уни етимхонадан асраб олишганди. Борда шу боғчада катта бўлди. У ўн етти ёшларда бўлса-да, кўринишидан ўн бир яшар қизалоқдан фарқ қилмас, озғин елкалари эгик, кўкраклари ботик, қизларга хос латофат кўринмасди.

Борда кўримсизлиги устига тинимсиз йўталаверганидан қўшни аёлларни, айниқса, ўзи билан Валенсия бозорида ёнма-ён туриб савдо

қиласидиганларни чўчитиб қўйган. Шундай бўлса-да, уни ҳамма яхши кўрарди.

Кизгина бирам тиришқоқ эдики! Бозор растасидан жой олишга улгуриш учун тонг отмасданоқ боғчага кирар, саҳарги изғириндан жунжикиб қулупнай терар ёки гулларни кесиб, Валенсия шахри дарвозасидан биринчи бўлиб кирар эди. Полизларига сув олиш учун Тофол амакининг навбати етган тунларда қиз этакларини липпасига қистириарди-да, оғир сўқани итоаткорона олиб чолга эргашар, зовур билан ариқ туташган жойларга тупроқ ташлаб ясалган ғовларни очишга ёрдамлашарди. Занг ранги урган сув ариқларга таралиши биланоқ, чанқаган ер уни қулқуллатиб ютиб юборарди.

Мадридга жўнаш учун карвон тўплана бошласа, қиз шамолдек елиб, жўякларни титиб чикар, қадоқловчи аёл сабзвотларни катта-катта саватларга жойлаб улгурмасдан, қучоқ-қучоқ атиргул, чиннингулларни кесиб келарди.

Шу қадар кичик бօғ орқасидан тирикчилик қилиш учун бош қўтартмай ишлаш, бир лаҳза бўлсин, ерни унутмаслик керак. Ота-бода худди ўжар, хала урмаса, қимирламайдиган хачир учун жон қўйдиргандек уринишарди. Тофол амакининг экинзори инқилоб вақтида мусодара этилиб, ижара ерлари сифатида тақсимлаб юборилган кенг монастир бօғининг бир қисми эди. Шаҳар кун сайн қенгайиб, атрофдаги экинзору бօғларни ютиб борар, чол бօғчасини қанчалик лаънатларга қўммасин, ер эгаси бир кунмас-бир кун мўмай пулга учиб ерни шаҳар учун сотиб юбориши мумкинлиги хаёлига келиб қолса, қалтираб қоларди.

Чол ўзининг бутун умрини, олтмиш йиллик меҳнатини шу бօғчага қўмган, ернинг бир қаричи ҳам бўш қолмаган. Дараҳту буталар зичлигидан, бօғчанинг ўртасида туриб ҳар бурчига назар солгандা ҳам девор ўрнидаги тўсиқлар кўринмасди. Магнолия, қизил мевали бутазорлар, пушти ясмин буталари, чиннигул ва атиргул – барининг нархи бор, уларнинг ҳаммаси феъл-автори ғалати шаҳарликлар жон деб пул тўлайдиган мол.

Чол бօғининг гўзаллигига лоқайд, фақат тушумни ўйлади. У гулларни худди майсадек, кучоқ-кучоқ кесиб юборишга тайёр, араваларни мева-чевага тўлдириб ташлашни истайди, очқўзликка муккасидан кетиб, бечора Бордани қийнагани-қийнаган. Қиз йўтали тутиб, бир дақиқага тўхтаса, қўпол ўшқириқ янглиф, курагига кесак келиб тегарди.

Қўшни аёлларнинг аччиғи чиқарди. Бу чол қизни адойи тамом қиласди-ку! Ахир, бояқишининг йўтали кун сайн кучайиб боряпти! Лекин чолнинг жавоби тайёр: қизча йўталаётган бўлса, нима қилсин, тақдири шу экан, қорни тўқ, нонсиз, гуручсиз қолиб кетмаяпти, баъзан ҳиссасига камёб неъмат – колбаса билан пиёз тегиб қолади. Якшанба кунлари қизининг хурсандчилик қилишига, яъни хонимчалардек черковга жўнашига халал бермайди, юбка сотиб олиш учун уч пепсет берганига ҳали бир йил ҳам бўлгани йўқ. Қолаверса, у қизнинг отасими ё йўқми? Тофол амакининг оталик ҳисси худди қадим римликлар тарозисида ўлчангандек: фарзанднинг ҳаёти ҳам, ўлими ҳам отанинг измида, дилининг қат-қатига яширинган меҳрини уйилган қош-қовоқлари, ғазабнок қарашлари, баъзида жаҳлланиб туртишлари билан ифодалайди.

Қиз бояқиши зорланмасди. Ўзи ҳам кўпроқ ишлашга уринарди, фақат бօғларини тортиб олишмаса бўлгани. Кўпинча бօғча сўқмоқларида ўзи она деб атаган, бир вақтлар ёрилиб кетган қўллари билан уни эркалаган кекса аёлнинг ямоқ этаклари лишиллаб ўтгандек туюларди. Бу

ерда қиз севган ҳамма нарса: болалигидан таниш дараҳтлар, қизлик кўнглида оналик муҳаббатига ўхшаш ҳислар уйғотувчи гуллар бор эди. Қиз учун гуллар гўё фарзанддек, чунки улар ғарип болалигининг қўғирчоқлари эди. У ҳар тонг фунчалардан янги гуллар бунёд бўлишини таажжуб билан кузатар, фунчалар аввал уялигина, худди бегона назардан яширинмоқчи бўлгандек, ўз гул япроқларини қисиб олишини, кейин бирдан дадилланиб, митти рангдор мушаклардек портлаб ёрилишини кўради.

Боғча қиз учун туганмас қўшиқ куйларди, унда ранглар куйи, япроқлар шитири ва яшил гумбаз остида югураётган, итбалиққа тўла лойка зовурдаги сувнинг бир текис жилдираши бир-бирига қўшилиб кетарди. Жазирама туш пайти чол мизғигани ётганда, Борда бօғчани кезар, баҳорни қутлаш учун энг соз либосини эгнига илган ниҳолларнинг гўзаллигига маҳлиё бўлиб тикиларди.

Оппоқ лилия бал либосларига ўранган қизлар мисоли нафис тебранади. Нимпушти камеллия киши тасаввурда ўзининг кўркам сирларини яширмасдан тўшақда осойишта чўзилган гўзалнинг илиқ баданини жонлантиради. Танноз бинафша барглар орасига яшириниб, нозик ислари билангина ўзини ошкор қиласди. Ҳамиша баҳор гуллари ўтлар орасида олтин сўлкавой сингари сарғаир, чиннигуллар оқими алвон қалпоқ кийган инқилоб қўшинларидек пушталарни тўлдириб, сўқмоқларни қамал қилган, улар устида магнолиялар фил суюгидан ясалган ладандонга ўхшаш косаларини тебратиб, сархуш қилувчи хушбўй ҳидлар сочар, капалакгуллар – наъфармон баҳмал қалпоқча кийган шўх миттилар қизнинг назариди:

– Борда, Бордета! Мунча иссиқ! Худо ҳақи! Сув... – дея шивирлаётгандек туюларди.

Ҳа, гуллар шивирларди, қиз буни аниқ эшитарди! Ҳорғинлиқдан суяклари зирқилласа-да, қиз гулчелакка сув тўлатгани зовур сари югурап, гулчелакдан ёғилган ёмғирдан руҳланган гуллар унга миннатдорлик ила бош тебратарди. Нозик бандларни кесар экан, кўпинча Борданинг қўллари титрар эди. Гуллар ўз умрини яшаб ўтиши учун жон деб уларни пушталарда қолдирган бўларди! Лекин тирикчилик учун саватларни гулларга тўлдириш, уларни Мадридга жўнатишдан бошқа иложи йўқ эди. Узоқ сафарга кетаётган гулларга қизнинг ҳаваси келарди. Мадрид! Қандоқ шаҳар экан у? Унинг ҳаёлига эртакларда тасвирилангандек шоҳона саройлар – деворлари чиннидек ярқироқ кенг хоналар келарди, атроф тўла кўзгу, уларда минглаб чироқлар, соchlарига гуллар тақилган башанг хонимлар акс этади. Бу тасаввур шундай жонла-

нар эдики, худди қиз буларни қачонлардир, балки ҳали дунёга келмасидан аввал кўргандек!

Мадридда хўжайнинг ўғли яшарди. Бола чоғлари улар бирга ўйнардилар. Ўтган йили у балоғатга етган кўркам йигит бўлиб боғларига кириб келганида, Борда уялиб қочиб кетди. Ҳаяжонли хотиралар! Қиз бир вақтлар зовурнинг лабида ёнма-ён ўтирганларини, бола унга бирданига гўзал маликага айланган камбағал, етим бир қиз – Золушка ҳақида хикоя қилганларини эслаб, юзлари ёнди.

Унтилган барча болаларнинг доимий орзузи уни ҳам олтин қанотлари остига олади. Гүё эшик олдига ажойиб арава келиб тўхтайди, ундан гўзал бир хоним тушади-да: “Қизалогим! Ниҳоят, топдим сени!” – дейди. Худди эртакдагидек. Кейин – башанг либослар, саройдаги баҳтли ҳаёт, ниҳоят, у ҳақиқий жанобга турмушга чиқишга рози бўлади (сенга уйланишга тайёр шаҳзода доим ҳам топилавермайди-ку!)

У борлиги билан орзуларига берилган маҳал, гарданига кесак келиб тегади.

– Ҳой, мунча анқаясан? – дей ўшқиради отаси. Яна ишга берилади, тагин ерни ўйиб, қийнай бошлайди, назарида, замин гулларга бурканеётиб, оғриқдан инграйди.

Қуёш боғчани қиздиради, дараҳтларнинг пўстлоғи дарз кетади. Одатда салқин бўлган эрта тонгда Борда худди кун тиккага келган пайтдагидек терга ботади, янада озади, кучлироқ йўталади. Ўзи тушунарсиз маъюслик билан упган гуллар унинг ҳаётини тортиб олаётгандек, юзидаги қизилликни ўчириб юбораётгандек туюлади.

Докторни чақириш ҳеч кимнинг эсига келмасди. Нега? Докторга пул тўлаш керак, Тоғол амаки эса тиббиётга ишонмасди. Мана, жонзорлар, табибсиз ҳам, дорисиз ҳам яшайди, дерди у. Бир кун эрталаб Борда қўшни аёлларнинг ачиниш билан қараб пичирлашганларини эшишиб қолди. Қизнинг ўткир кулоқлари шивирлаб айтилган гапни дарров илғади: “У кузга, хазон-рэзгига ҳам етолмайди”. Шу кундан бошлаб бу хаёл уни тинмай таъқиб қила бошлади. Ўлиш! На илож, майли... Фақат бечора чолга қийин: бир ўзи, ёрдамчисиз қолади. Агар ҳаёт билан видолашмоққа тўғри келса, жуда бўлмаса, онаси кетгандек – авжи баҳорда, ранглар қўшиғи баҳтиёр кулгу сингари кўкка ўрлаганда кетса! Фақат кузда ўлмасин, фақат бу маъюс фаслда, ер яланғочланиб, ҳимоясиз дараҳтлар худди супургидек шўппайган, пушталарда қиши гуллари ҳазин тебранган

паллада кетмасин!

Дараҳтлар барг ташлаган кунлар! Борда кузда хунук оғочларга айланувчи дараҳтларни ёмон кўриб қолди, у худди ўлим олиб келаётгандек туюлган дараҳтларни кўриқлаб юрган кезлари бундан юз йил аввал монахлар ўтқазиб кетган палмани – қомати расо, ҳилпироқ патлардан жига таққан юксак дараҳтни жон дилдан севди. Палманинг барглари ҳеч қачон тўкилмас эди!

Қиз бу ақлдан эмаслигини англарди, лекин мўъжизага мойиллик ҳисси унинг дилига умид бахш этарди, бечора Борда истироҳат чоғлари Биби Марям оёқлари остидан даво излаган баъзи художўйлар мисоли ўткир учли япроқлар соясидан паноҳ изларди.

Унинг сўнгги ёзи палма остида ўтди. Бир куни қиз гүё ер қаърида биқирлаётган вулқонга йўл очгандек, тупроқдан буғ сиқиб чиқараётган қуёш энди унинг жунжиккан баданини исита олмайдиган бўлиб қолганини сезди. У худди шу ерда, палма остида дараҳт япроқларини узиб олаётган дастлабки изғириналарни кутиб олди. У одамларнинг кўз ўнгидаги кун сайин сўлиб, маъюсланиб борарди, энди унинг қулоқлари боғчанинг инсон илғамас шитирлашларини ҳам эшитар эди. Оппоқ парвоналар Борданинг боши устида айланаркан, уни ўзга оламга, хуш исли ажойиб гуллар ўзини парвариш қилганларнинг ҳаётини тортиб олмайдиган шафқатли дунёга олиб кетишини тилагандек, қизнинг нам пешонасига астагина қанот теккизарди. Қиши ёмғирлари қизни боғчадан топа олмадилар. Оғир томчилар Тоғол амакининг букик белига тушди. Чол доимгидек сўқани қўлида маҳкам тутган, қўзларини ергатиккан, қисматига тушган йўлдан қашшоқликнинг итоаткор аскарига хос бемаъни лоқайдлик билан кетиб боради. Ишлаш керак, бир сиқим гуруч сотиб олиш, вақтида ижара ҳақини тўлаш учун ишлаш, ишлаш керак! Энди у ёлғиз. Қиз онасининг ортидан кетди. Чолнинг серҳосил, гүё ўлим нафаси тегмагандек гуллаб-яшнаб, муаттар ислар таратиб ётган, одамнинг умрини емирувчи, бир кун келиб, чолни ҳам адойи тамом қилувчи мана шу дийдаси қаттиқ ердан бошқа ҳеч нарсаси йўқ. Чол етмиш ёшида икки кишининг юмушини қилишга маҳкум. У ерни аввалгидан ҳам тиришиб чопади, атрофидаги алдоқчи гўззаликка қарамай, бош кўтармай ишлайди. У биладики, бу гўзалик унинг машакқатли меҳнатлари самараси, чол фақат битта истакка мубтало – ўзи яратган гўзаликни қимматроққа пуллаш. Шунинг учун чол даладаги пичанни ўргандек, гулларни бамайлихотир кесиб бораверади.

Рус тилидан Рисолат ҲАЙДАРОВА



ШАҲНОЗА
СОАТОВА

Қиз бола онасига айтмаслиги керак БҮЛГАН 10 ТА ГАП

Қиз бола ота-она багрида, ташвишлардан холи юрган чоглари унинг одатлари, тарбияси ва қадриятлари шаклланади. У “бироннинг уйига борадиган одам”, деб тарбияланади, яъни ўзгаришларга чидамли, эгилувчан, итоаткор... Чунки бир уйдан бошқасига бориш, у ерда яшаб, кўнишиб кетиши осон эмас. Тарбия жараёнида оналар қизларига маълум чегараларни қўйиб боришади. Ана ўша чекловларнинг энг каттаси тилга қўйилади, яъни қиз бола тилини тийшини ўрганиши керак, дейилади. Қуйида қизлар айтмаслиги керак бўлган гапларни санаши орқали ана шу чегаранинг айрим нуқталарини белгилаймиз.

12-13 ёшда: “Келинойим ёмон, тили заҳар, ишни чала қиласди...”

Бу ёшда қизалоқ болалик ва ўсмирлик чегарасида турган эса-да, руҳан ҳали бола. Уни болаликнинг чақмачақарлик, қитмирлик, жанжалкашлик ва инжиқлик одатлари ҳали тарқ этиб улгурмаган. Оиласа янги келган аёл билан ҳудуд талашиш, акаси, отаси, онасининг эътиборини келинойисидан қизғаниш, ҳалиям ўзининг айтгани айтган, дегани деган эканини оиласанинг янги аъзосига кўрсатиб қўйишга уриниш кучли бўлади. Шу сабабли келинойисининг қилиқларидан қийик ахтариб, хатоларини қўшиб-чатиб онаси ёки акасига чақиб бериши мумкин.

Оналар! Бу ёшда қизларни йўлга солиш, эгиб олиш осонроқ. Шу сабабли уларга янги келиннинг фазилатларини кўрсатиб, янга-қайнисингил ўртасида дўстлик ришталарини боғлаш муштдек қизчанинг гапи билан бироннинг боласига зуфум қилишдан афзалроқ.

Қизлар! Келинайнингиз сиздан бир неча кўйлак ортиқ йиртгани учун опа ўрнида. Балки, унинг қилаётганлари тўғридир-у, сиз нотўғри тушунаётгандирсиз?!

14 ёшда: “Мени яхши кўрмайсиз, тушунмайсиз, ҳаммангиз менга қарши...”

У ўз дунёсига эга, кап-катта инсон.

Ҳамма нарсани билади, ҳамма иш қўлидан келади, фақат атрофдагилар ғалати, ҳеч ким уни тушунмайди. Ҳатто онаси ҳам... Ўсмирлар шундай ўйлади-да.

Оналар! Сиздан сабр ва устомонлик талаб қилинади.

Энди қизингизга ортиқча зуфум қила олмайсиз. Ҳаммасини тушунтириш, самимий мулоқот йўли билан ҳал этишингиз керак.

Қизлар! Кап-катта одамсиз. Энди сизга ортиқча насиҳатнинг кераги йўқ. Аммо дунёда сизни тушунса шу яқинларингиз тушуниши мумкин. Ундан наридагилар фақат тушунган одам ролини ўйнашяпти, сизга ёқишига уринишяпти, холос.

15 ёшда: “Калта юбка, тор шим олиб беринг”.

Бу ёшда қизлар ташқи кўринишига кўпроқ эътибор беришади. Уларга қанча кийим олиб берманг, барибир, дугонасининг отаси пулдорроқ, онаси меҳрибонроқ, кийим жавони бойроқ туюлаверади. Тақлид қилиш ва кимўзарга ўйнаш одати кучайган. Афсуски, улар ҳар доим ҳам яхши нарсаларга тақлид қилавермайдилар.

Оналар! Қизингиз ҳаддан ортиқ очиқ-сочиқ либос олиб беришингизни талаб қилса, “йўқ” деб чўрт кесишига ошиқманг. Барибир, бу билан муммони ҳал қила олмайсиз. У олдингиздан сипо кийиниб чиқиб кетиб, дугонасиникида этагини баландроқ қўтариб олиши мумкин. Яхсиси,

Эх, бу ўсмирларга хос максимализм! Марра уни тўгри ўзанга бура олганники! Албатта, қиз бола эрта бир кун бирорнинг эшигига боради.

нега очиқ кийинмаслиги кераклигини тушунириинг. “Қиз бола озгина сирли бўлиши керак. Очиқ-сочиқ юрсанг сирлилигинг қаёқда қолади, йигитлар сенга фақат ёмон кўз билан қарашиди, уларга юрагинг, кўнглинг эмас, фақат ташки кўринишинг қизиқ, чиройли бир буюмдек қўринасан, холос”, тарзидаги гапларни айтинг. Барibir, қизлар бу ишларни қарама-қарши жинснинг эътиборини тортиш учун қилишяпти. Шу туйғуни ўз фойдангизга буринг. Майли, замонавий, аммо сипо ва чиройли кийим олиб беринг. Ўзингиз ҳам: “Менинг ёшимга етганингда бунаقا кийимларни киясан”, – деманг, аксинча, дидли ва иболи аёл сифатида унга ўрнак бўлинг.

Қизлар! Сиз кимгадир ўхшаганингиз эмас, ўзига хослигингиз билан атрофдагиларнинг эътиборини торта оласиз. Демак, “Ўша фалончи ҳам оддий қиз, барibir, соchlари меникидан калта!” дeng-у мағрур одимланг.

16 ёшда: “Мени барвақт уйғотманг, уйқуга тўйиб олай. Керак бўлганида барвақт туришниям эплаб кетарман”.

Эх, бу ўсмирларга хос максимализм! Марра уни тўгри ўзанга бура олганники! Албатта, қиз бола эрта бир кун бирорнинг эшигига боради. Дангаса, уйқучи деган ном орттирмасин деб онанинг хавотирланиши бежиз эмас.

Оналар: “Йўқ, эрта турасан дедимми, турасан!” Асло бу кескин усулдан фойдаланманг. Қизингиз яrim кечагача телевизор кўрган, телефонда кимлар биландир гап-

лашган ёки интернетда ўтирган бўлиши мумкин. Ана шу воситалардан уни маҳрум этишни ҳам тавсия қилмаймиз. Яххиси, унда барвақт туришга рағбат уйғотинг. Масалан, уч кун вақтли уйғонса, тўртинчи кун эрталаб барвақт бозорга тушиб у сўраган нарсани олиб беришингизни айтинг. Узоги билан бир ойда қизингизнинг биологик соатлари барвақт туришга мослашиб қолади.


Қизлар! Истаган вақтда барвақт туришни эплайсизми? Қани, бир ой шундай қилиб кўринг-чи! Эплармикансиз?

17-18 ёшда: “Турмушга чиқмаган!”

Ўн саккиз ёш қизларни айни турмушга узатиш вақти бўлса-да, қиз бола бу ёшда ўз-ўзидан “эрга тегаман” дейиши нотабиий. Ахир, у ноз қилиши, эрга бераман дейилса, “ҳали ўқийман” дейиши ёки оёқ тираши керак эмасми?

Оналар! Қизингизда эрта турмушга чиқиши истаги уйғонишига, балки, сиз сабабчидирсиз. Неча марта сандигингизни очиб, тахи бузилмаган сепларни кўз-кўз қилиб, келин бўлсанг киясан дегансиз. Унинг олдида ўқиш, илм ёки касб эгаллаш ҳам ҳаётнинг асосий мақсадларидан экани ҳақида ҳам қизиқиш уйғотадиган “тил” да гапиринг! Ҳали қизингиз ўн саккизга тўлиб улгурмаган бўлса, уни ўз олдига тўғри мақсад қўйишга ўргатинг. Акс ҳолда, биринчи дуч келган шаҳзодасифат йигитга турмушга чиқаман, деб кўйдириши ҳеч гапмас.

Қизлар! Оқ либосми ёки қизил диплом? Ё диплом олиб, кейин оқ либос киясиз, яъни ҳар иккисига ҳам навбатма-навбат эга бўласиз ёки фақат оқ либос кийиб дипломни унутасиз ва бир умр эрингизнинг қўлига қара-а-аб яшаб ўтасиз. Танланг!



20-22 ёшда: “Турмушга чиқмайман!”

Қизларнинг “эрга тегаман”идан “тегмайман” и оналарни кўпроқ ташвишлантиради. Нимага ёши йигирмадан ўтса ҳам бундай деяпти? Бировга кўнгил бериб, кутаётганмикан? Ё кимдир қизгинани алдаб кетдими? Хуллас, шайтон минг хаёлга етаклади.

Оналар! Қизингиз билан дилдан сухбатлашиб олинг. Энди у кап-кatta бўлиб, оқу қоранинг фарқига бориб қолди. Йигитларга, бўлажак турмуш ўртофига ва ҳаётга нисбатан талаблари ўзгарган. Шунинг учун унинг кўнглига йўл топа оладиган йигитнинг учраши қийин кечაётгандир.

Қизлар! “Тегмайман”, дейишга шошилманг. Умрингиз ўтиб, ёшлигингиз қайтмас бўлгач, афсус бефойда. Яхшироқ қаранг, баҳт олдингизда, остоңангиздадир, балки. Мағрурлик қилиб уни кўрмаётган бўлишингиз мумкин. Талабларни осмондан эмас, ердан туриб қўйинг.

22-24 ёшда: “Қайнонам (эрим, қайнинглим, овсиним ва ҳ.к.) ёмон”.

Киз болани узатмасанг, бир бало, узатсанг, минг бало. Борган жойида тиниб-тинчидек кетармикан, уни хафа қилишмаётганмикан, эрталаб ухлаб қолмаётганмикан, қорни оч эмасмикан?.. Шўрлик онанинг хаёлини бундай фикрлар бирзумга бўлсин тарк этмайди. Шундай жонсарак пайтда ўн беш кунда бир келиб келинлик ҳаётидан нолиш хатодир.

Оналар! Ташлаганга тош тегмас дейишади. Қизингизни энди ҳаёт уммонига ташланг. Мустақил яшасин, ўзи бироз қийналсин, хато қилсин, уни тузатсин ва ақли кирсин. Унинг гапларига кўп эътибор бериб юрагингизга яқин олаверманг. Янги ҳаётга кўниши ҳеч кимга осон бўлмаган. Сиз ўтгансиз, онангиз ўтган, момонгиз ўтган бу синов кўпригидан, қизингиз ҳам ўтади, ғам еманг.

Қизлар! Унутманг, сиз бир куйган жойда онангиз ўн куяди. Шунинг учун келин бўлиб тушган уйингизнинг яххисини ошириб, ёмонини яшириб етказинг. Муаммоларингизни эса ўзингиз ҳал қилишга урининг.

25-26 ёшда: “Болам касал, ишим унмаяпти, ҳеч нарсага улгурмаяпман”.

Бу нолишни эшитган она ўзини, ёшини, соғлиғини унтутиб, қизига ёрдамга ошиқади. Кетма-кет туққан қизининг бир ярим яшар гўдагини кечалари аллалаб ухламай чиқаётган, болам болалари билан улгурмайди, дея бозордан помидор ташиб қизига қишилик банкаларни ёпаётган ёки икки-уч яшар набираларини олиб қолиб қизини күёви билан дам олишга жўнатган оналарни кўрганда одамнинг раҳми келади. Зоро, ҳар ким ўз бошига тушган қорни ўзи кураши керак!

Оналар! Қизингиз ўш бола эмас, ўз аравасини ўзи тортадиган ўшга етган. Қачонгача унинг муаммоларига елка тутасиз? Озгина оёқни узатиб, ўзингиз учун ҳам яшанг.



Қизлар! Онангизга бирон ишга улгурмаётганингиздан нолигандан қўра келиб унга қарашинг. Унинг ҳам рўзгори, ўзига ярашаш ташвиши бор. Ҳеч бўлмаса, ўз ташвишларингизни унинг зиммасига ортманг.

30-35 ёшда ва ундан каттароқ: “Бола меники, ўзим (билганимча тарбиялайман).

Қари билганини пари билмас деганлари рост. Бола ота-онаники, аммо тарбияси бувию бобо, ҳатто етти маҳаллага тан.

Оналар! Фарзандингиздан юқоридаги гапни эшитганда мунғайиб қолиши ёки ўзинг биласан, дейишга ошиқманг. Ниятингизни тушунтиришига ҳаракат қилинг. Сиз тажрибангиз билан ўртоқлашяпсиз, ахир. Тажриба эса ҳар кишининг пешонаси деворларга урилиб топадиган бебаҳо бойлигидир. Шу бойликни баҳам кўраётганингиз учун қизингиз сиздан миннатдор бўлиши керак.

Қизлар! Неча ёшда бўлманг, онангизнинг маслаҳатини олишдан оғринманг. Унутманг, қўшиқда айтилганидек: “Онаси бор одамлар ҳеч қачон қаримайди!”

Ҳамма ёшда: “Сиз ниманиям билардингиз?”

Буни онага айтиш учун қанчалик бефаҳм бўлиши керак одам? Бизни дунёга келтириб катта қилишни билган инсон камида донишманддир! Ортиқча изоҳга ҳожат йўқ.

(Давоми бор)



Ҳомиладорликнинг иккинчи ва учинчи ойи

Ҳомиладорликнинг илк ҳафталаридан аёл ҳаётида янги давр бошланади. Она қорнида иккинчи ойнинг охиридан - тўққизинчи ҳафтадан бошланиб ривожланаётган пушт эмбрион Одам қиёфасига киради. Бу даврда ҳомиланинг боши, кўзи, бурни, оғзи, танаси, қўл-оёқлари, ички органлари, мия, асаб тизими ва скелет шаклланади. Иккинчи ойнинг охирида ҳомиланинг бўйи 3,5 сантиметр, вазни 4 граммга ошади, учинчи ойнинг сўнгида эса ҳомила бўйи 8-9 сантиметр, вазни 40 грамм атрофида бўлиб, боши катталашади, жинси аниқлашади.

Айни пайтда бўлгуси онанинг соғлигини синчковлик билан кузатиб бориш, соғлом турмуш тарзига риоя қилиш, тўғри овқатланиш, ортиқча меҳнат, заарли таъсирлардан ва стресс ҳолатлардан сақланиш муҳимдир. Агар ҳомиладор аёл саломатлик учун салбий таъсири бор ишлаб чиқариш соҳаларида ишласа, ишини ўзгартиришга ҳаракат қилиши керак, чунки кимёвий моддалар, лаклар, бўёқлар эмбрионга ёмон таъсир кўрсатади. Бундан ташқари, иссиқхоналарда ишлаш ҳам туғилажак

бала учун турли ногиронлик ҳолатларини келтириб чиқариш эҳтимоли бор. Чунки ҳомила шаклланмоқда.

Иш фаолиятим даврида бўлиб ўтган бир аянчли воқеани ҳикоя қилмоқчиман. Ҳомиладор аёл вақти-соатига етиб ўғил фарзандни дунёга келтирди, бироқ боланинг икки оёғи тиззасидан пасти йўқ эди. Сўраб-суриштирувлардан шу маълум бўлдики, аёл кимёвий моддалар билан ишлар экан. Биринчи фарзанди эди. Бу ҳақда УТТ текширувлар ўз хуносасини берган, лекин аёл мўъжиза кутган.

Заарли таъсирлардан сақланишдан ташқари, кучли стресслар ҳам ҳомила ҳаётига нуқта қўйиши ёки турли асаб тизими касалликларини келтириб чиқариши мумкин. Оиладаги келишмовчиликлар, қайнона-келин можаролари, эрнинг аёлга қўпол муносабатлари шундай ачинарли ҳолатларга олиб келиши мумкин. Шундай экан, дунёга келаджак фарзанд учун оила аъзолари хонадонда хотиржамлик рухи ҳукм суришига имконтопишлари, унча-мунча муаммоларга қўл силташлари керак бўлади.

Ҳомиладорликнинг бу ойларида кучли токсикозлар ҳам бошланади, қўпинча ҳамма нарса ўз-ўзидан ўтиб кетади, вақт ўтса бўлди, қабилида безътиборлик ҳолатлари кузатилади. Айрим қайноналар: “Бошқоронгифлик касаллик эмас, азалдан бўлиб келган

үткінчи ҳолат”, деб бепарво бўлади. Ётиб қолган келинчакка меҳр бериш ўрнига қаҳр кўрсатадилар. Ҳозирги ёшлар жуда нозик бўлиб кетган, деб ёзгирадилар. Ахир келин уй хизматкори эмас, бўлажак она, сулолани давом эттирувчи зот. Унга энг катта эътибор қаратилиши лозим. Бу ҳақиқатни хонадон аъзоларининг ҳаммаси билиши, унинг ёзилмаган қоидаларига амал қилиши шарт. Меҳрибон, оқила оналар бундай нозик пайтда келини уйининг жавонлари, токчаларига анор, лимон, новвот қаби бошқоронғиликни босиши мумкин бўлган неъматларни олиб кириб қўядилар. Ўғлига: “Ҳар куни келинимдан сўраб тур, кўнгли тусаган нарсасини ўзига лойиққина қилиб олиб келиб бер”, дея тайинлайди. Аммо сир эмас, шундай қайноналар ҳам борки, рафиқасига кабоб олиб келган ўғлига:

– Сенга она эмас, хотин бўлса бас! – дея таъна қиласди.

“Касал қизингизни берган экансиз, энди тузалгунича боқиб беринг”, дея гавдасини кўтара олмаётган келинчакни она уйига элтиб қўядиганлар ҳам йўқ эмас. Бошқоронғулик касаллик эмас, лекин аёл ҳаётидаги ўта нозик, ўта эътиботалаб давр.

Ҳомиладор аёл бу ойларда яна нималардан огоҳ бўлиши керак? Қориннинг пастки ва бел қисмида такрорланадиган оғриқ, тўғри ичакка босим ҳисси, қиндан шилимшиқ секрециясининг кўпайиши кузатилса, зудлик билан шифокорга мурожаат қилиш керак. Чунки бу ҳолат ҳомила тушишидан далолат беради. Агар шифокор сизга касалхонага боришни маслаҳат берса, рад қилманг, баъзида ўз вақтида даволанишгина гўдакни сақлаб қолишига ёрдам беради.

Қалтис ҳаракатланишдан, югуришдан сақланиш, оғир кўтармаслик ҳам ҳомиланинг тўғри ривожланишига ёрдам беради.

Шифокор тавсия қилмасдан туриб ҳеч қандай дори ичмаслик хақида кўп маслаҳат



берилса-да, баъзида бўлажак оналаримиз бунга кўпда аҳамият беришмайди ва натижада турли нуқсонли белгилар билан фарзандларини дунёга келтиришади.

Ушбу ойларда қабзиятга мойиллик қузатилиши мумкин. Бунда албатта, овқат рационига қора нон, янги узилган мева, сабзавотлар, айниқса, қайнатилган лавлаги, тузланган қарам, янги қарам, қуритилган ўрик туршаги каби неъматлар киритилса, қабзиятдан сақланишга ёрдам беради. Оч қоринга ҳўплаб-ҳўплаб ичилган бир пиёла сув ёки кечаси қатиқ ичиш ҳам яхши ич юмшатувчи таъсирга эгадир.

Бундан ташқари, яхши овқатланиш ҳақида ҳам унутмаслик керак. Бўлажак оналар кўпроқ сабзавот ва мевалар, қайнатилган гүшт ва балиқ, сут маҳсулотларини истеъмол қилишга ўрганишлари зарур. Газли ичимликлардан ўзларини тийишлари, бодом, писта маҳсулотларини ҳам меъеридан оширмасликлари тавсия этилади. Айрим чақалоқлар террида турли аллергик тошмалар билан туғилади. Кузатишлар ва суриштиришларда оналар “ўзи жуда кўп писта ёки бодом чаққандим”, деб тан олишади. Газли ичимликлар эса ҳомиланинг ичакларида нуқсонлар келтириб чиқариши амалиётда кўп кузатилган.

Юқорида берилган тавсияларга бўлғуси ёш оналаримиз риоя этсалар, тўрт мучаси соғлом фарзандларни дунёга келтирадилар. Албатта, оила аъзоларининг яқиндан меҳрли қўмак беришлари эса бўлажак онага ҳар жиҳатдан мадад бўлади. У ҳар лаҳза юраги остидаги жон факат ўзига эмас, яқинларига ҳам керак эканлигини, атрофидагилар ҳам уни интиқлик билан кутаётганини ҳис қилиб туради. Бу ҳис унга ҳамиша ёқимли кайфият бахш этади.

(Давоми бор)

Дилфузә ТУРДИЕВА,
ТошПМИ 1-госпитал педиатрия
кафедраси доценти, олий тоифали неонатолог

Агар шифокор сизга касалхонага боришни маслаҳат берса, рад қилманг, баъзида ўз вақтида даволанишгина гўдакни сақлаб қолишига ёрдам беради.

Занжабил – минг бир дардга даво

Буюк ҳаким Абу Али ибн Сино “Тиб қонунлари” асарида кўплаб хасталикларни даволашда қўлланадиган малҳамларни тайёрлашда уларнинг таркибиغا занжабил қўшиш лозим, деб ёзган.

Қадим қадимдан занжабил дори воситаси ва зиравор сифатида кенг қўлланилади. Айниқса, юқумли касалликларни даволашда, хусусан, қадимда ўлатнинг олдини олишда асосий дори воситаси ҳисобланган. У иммунитетни ошириши, микробларга қирон келтириши билан ҳам саримсоқча ўхшаб кетади. Аллома Ибн Сино занжабилга пиёз ва мингdevona уруғларини аралаштириб дудлатиш йўли билан тиш касаллиги, яъни кариесни даволашни энг афзал восита деб билган.

Занжабил “Қуръон”да номи келган ўсимликлар қаторида туради.

Занжабилнинг қуруқ илдизи доривор бўлиб, таркибида 1,5 дан 3 фоизгача эфир ёғлари, 70 фоизгача органик бирикмалар, шунингдек, камфен, цинеол, бисаболен, борнеол, цитраль, линалоол модалари, C, B1, B2 дармондорилари, аминокислоталар мавжуд.


Кўпинча туйилган ҳолда ишлатиладиган занжабил илдизи қўнғирсимон-сарик унга ўхшайди. У офтобда қуритилади. Тозаланмаган қорамтири занжабилнинг ҳиди ва таъми ўтқир бўлади. Уни кўпроқ қуритиб туйилган ҳолда таомларга қўшганлар. Хамирларга эса қорилаётганда ёки қориб бўлингач қўшилади. Гўштни димлаганда таом тайёр бўлишидан 20 дақиқа олдин

аралаштирилади. Шарбат ва бошқа ичиладиган таомларга 2-5 дақиқа аввал, соусларга эса оловдан олингандан сўнг қўшилади. Бир килограмм хамир ёки бир килограмм гўштга бир чимдим занжабил солиш кифоя.

Бу гиёхнинг илдизи дорихоналарга тозаланган ва ярим тозаланган ҳолда топширилади. Занжабил оғиз бўшлиғи ҳамда томоқ яллиғланганда яхши муолажадир. Дамламаси ва кукуни денгиз касаллигига, ошқозон ярасига даводир. Иштаҳани очади, таомлар ҳазмини яхшилади. Атеросклерозда фойдали, қондаги холестерин миқдорини камайтиради. Қон томирлар ҳолатини меъёрга солади.

Занжабил илдизининг шарбати асосида тайёрланган мурабболар ҳам шу мақсадга хизмат қиласди. Занжабилли чой – асал ва лимон билан бирга шамоллаш билан боғлиқ, хасталикларда тез-тез қўлланилади. Бош оғриғида, елкада оғриқлар пайдо бўлганда, сурункали бод хасталигига ундан компресс қилинади.

Янги соғилган сутга қирғичдан ўтказилган занжабил қўшиб ичилса, йўталдан фориғ бўлишга ёрдам бе-



ХАЁТИЙ ВОКЕА

Суданнинг Нил штатидаги мактабда ўқитувчилардан бири ўқувчилардан имтиҳон олишга қарор қиласди. Энг яхши натижага эришган ўқувчига янги пойафзал совға этилишини айтади.

Болалар хурсанд бўлиб, қунт билан ёзишни бошлишади.

Ярим соат ичидаги ҳамма ўқувчилар ёзма ишларини топширишади. Деярли барчаси мукаммал жавоб беришган эди. Ўқитувчи барчага ажойиб натижага учун, саъй-харакатлари учун миннатдорчилик билдиради ва совға кимга берилиши ҳақида ўйлай бошлади.

Шундай бўлса-да, у муносиб ечимни топади. Ҳаммаси чин бўлиши учун у ҳар кимдан ўз исмини бир варақчага ёзиб, уни бувлаб, қутича ичига солишларини ва бу кутичадан ўқитувчи биттасини олиб, номи чиқсан ўқувчи ҳақиқий фолиба айланишини эълон қиласди.

Дарҳақиқат, ўқитувчи кутичанинг ичидан бир қофозни чиқариб, ўқувчининг исмини ўқийди. "Вафаа Абдел Карим". У мукофот соҳиби бўлди.

Қизалоқ Вафаа ўқитувчи ва барча болаларнинг қарсаклари остида кўз ёшлари билан олдинга қадам қўяди. У барчага миннатдорчилик билдиради ва ўқитувчисидан ўзи учун жуда зарур бўлган ушбу ажойиб совғани қабул қилиб олади.

Унинг мактабга кийиб келаётган оёқ кийими жуда эскириб, титилиб кетган, ота-онаси камбагаллиги сабабли янгисини сотиб олиб беришолмаган эди.

Ўқитувчи мамнуният билан уйига қайтади ва бу воқеани эрига йиглаб айтиб беради. Эри бундай воқеани хотинидан эшитганидан жуда хурсанд бўлади, аммо кўз ёшларининг боисини турушонламай хотинидан сўрайди.

"Кутичага ташланган ҳамма қофозчаларда "Вафаа Абдул Карим" деб ёзилган экан. Барча болалар унинг аҳволини пайқашган ва бу қизнинг фойдасига ўқувчилар совғадан воз кечишган экан", дейди у.

Интернет

саҳифасидан тайёрланди

ради. Томоқ шиши (ангина) ва тиш оғриғида ҳам шифо бўлади, организмни заҳарли моддалардан тозалайди. Бунинг учун қирғичдан чиқарилган 1 грамм занжабилни лимон шарбати ва озгина туз қўшиб, эрталаб нонуштадан аввал истеъмол қилиш керак.

Машинада бош айланганида бир бўлак занжабил илдизини чайнаш кифоя. Занжабилли чой эса кўпгина шамоллаш хасталиклиридан халос этади. Бундай чойни тайёрлаш усули: қирғичдан янги чиқарилган уч чой қошиқ занжабил илдизи 100 мл. сув ёки сутга солиниб, қопқоғи зич ёпилган эмалли идишда паст оловда 10 дақиқа қайнатилади. Сўнг 5-10 дақиқа димлаб қўйилади. У илиқ ҳолига келганида асал ва лимон қўшиб ичилади. Чунки асал иссиқ чойга, қайноқ сувга аралаштирилса фойдали хусусиятлари пасаяди.

Тибетда майдалаб кесилган ёки нафис бўлакланган занжабил илдизини чойнакка солиб, устидан қайнаб турган сув кўйилади ва 10-15 дақиқа дамланади. Қайноқлиги кетгач, илиқ ҳолатда лимон ва асал қўшиб ичилади. Бу жуда хуштаъм ичимлик бўлишдан ташқари, ниҳоятда фойдали: шамоллаш, томоқ оғриғини даволайди, иммунитетни кўтаради. Аклни ва хотирани пешлайди Меъда фаолиятини яхшилаб, ҳазмни кучайтиради. Қоринда йигилган елларни, та надаги ортиқча хилтларни ҳайдаб, қувват бағишлиади. Изтиробли йўталда балғамни кўчиради. Балки, тибетча умр узоқлигининг омили ҳам шундадир.

Бу қимматбаҳо гиёҳ жаҳон бозорларида иккى хил кўринишда савдога қўйилади. Оқ ва қора занжабил тайёрланиши жиҳатидан фарқ қиласди. Қазиб олинган илдиз поялари покиза қилиб ювилганидан сўнг қуёш тобига қўйилиб қуритилса, оқ занжабил ҳосил бўлади. Агар ўсимликнинг илдизпоялари қозонда ёхуд бирор идишда қайнатилиб, пиширилганидан сўнг қуёш остида қуритиладиган бўлса, унда қора занжабил ҳосил бўлади.

Барча неъматлар каби занжабил ҳам меъёрдан ортиқ истеъмол қилинса, кўнгилни айнитиши, ични суриши, аллергик акс таъсирларга олиб келиши мумкин. Занжабилни доим истеъмол қилиш ҳалқумга зарар қиласди. Бундай пайтда асал ва ширин бодом ёғи истеъмол қилинса, етган зарарни бартараф этади.

Шоира БЕКЧАНОВА,
Тиббиёт фанлари номзоди



Шоҳида ШАКИРОВА,
филология фанлари бўйича
фалсафа доктори

Инсон деб аталган зотнинг ақлан етук, ахлоқан барқамол, маънавий гўзал бўлиши, уни покиза руҳда тарбиялаб, вояга етказиши муммоси асрлар давомида кишилик жамиятининг олий мақсади бўлиб келди. Бугунги жамиятимизнинг янгиланиш шароитида ҳам бу фоят долзарб масала бўлиб келмоқда. Инсон – энг олий мавжудот. У табиатнинг тожи ва Яраттганнинг буюк мўъжизаси, бутун жаҳоннинг соҳиби. Айнан табиат инсонни яратиб, ўз моҳиятига эришди. Чунки инсон бўлмагандан, назаримизда, табиат ўз-ўзича маълум объектив мавжудотлигига қолаверар эди. Табиатга маълум маънода гўзаллик баҳш этадиган ҳам инсон. У ақл-идроқи, ахлоқ-одоби билан жамиики мавжудотлардан юксаклиқда туради. Шарқнинг буюк мутафаккирлари ҳам барқамол авлод ва маърифатли инсон хусусида дурдона асарлар ёзиб қолдирганлар.

Кейинги пайтларда республикализ оммавий аҳборот воситаларида улуғ алломалар, саркардалар ва уларнинг тарихимизда тутган ўрни, уларнинг ҳаёти, ижоди талқин қилинмоқда. Меросимиз минг йиллик бой тарихга эга. Маданий меросимиз ҳақида Аҳмад Яссавий, Сулаймон Бокирғоний, Ҳувайдо, Хазиний каби шоирлар диний мавзуларда ҳам асарлар ёзганлар. Бироқ бу асарлар ўз вақтида қадр топмаган.

Мустақилликдан сўнггина Шарқ мутафаккирларининг таъ-

БОБОЖОН САНОЙ

лим-тарбияга оид маданий меросига эгалик қилиш, катта хазинамиз сифатида қайта-қайта мурожаат қилиш имкони яратилди.

Улуғ алломалардан бири Форобий ўзининг фалсафий-ахлоқий қарашларида инсон шахсини фоятда улуғлайди. Инсон ўзаро мулоқот ва касб-хунар кўниммаларига эга бўлган дагина қалбидаги истаклар ва маънавий-моддий эҳтиёжларини амалга ошира олади, у ақл-идроқи орқали баҳтга эришади, деб таъкидлайди. Форобийнинг фикрича, билимлар инсонни хушаҳлоқ, саховатли ва ақл-идроқли қиласи, билимсиз инсон кўзлаган мақсадига эриша олмайди. Форобий таълимотига таянган, XIX аср охири XX аср бошларида яшаб ижод этган Хоразм тасаввуф адабиёти намояндаларидан бири Бобожон Саноий ҳам диний, ахлоқ-одобга тегишли асарлар яратган. Уларда инсоннинг ҳалол ва ҳақгўй бўлиши, раҳмдиллиги, камтарлиги камолоти пиллапоялари сифатида кўрсатилган.

Бобожон Саноийнинг "Ҳадиқаи азҳор" асари ўзликинг англаш муаммосига багишланган. Асарнинг муқаддимасида берилишича, муаллиф ёшлигидан Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Зайниддин Муҳаммад Фаззолийларнинг таълимотига қизиқиб, ҳикмат ва фалсафани чуқур ўзлаштирган. Унинг талқини бўйича, барча илмлар агар инсонга ҳақиқатни англаш йўлида хизмат қилмас экан, ўз моҳиятига кўра фойдасиз бўлиб қолаверади. Шунинг учун дунёвий илмларни эгаллашда ҳам, диний билимларни ўзлаштиришда ҳам инсон, энг аввало, эзгуликнинг куч-кудратини бўрттириб кўрсатишга интилади. Ўзликинг англашга интилмоғи, бунинг уддасидан чиқмоғи, ушбу илмнинг фойдаси ва афзалликлари ҳақида тушунча ва хуласаларга эга бўлмоғи керак. Бу йўлда илм талабида бўлган қиши энг аввало ўз дунёқарашини кенгайтириши ва маънавий камолот соҳиби бўлиш учун изланиши зарур. "Агар, – дейди Саноий, – инсоннинг маънавий олами бузуқ бўлса, унинг ўрганган илми ва амали ҳам, ўзига ҳам жамиятга зарар келтиради".

Бобожон Саноий ўзининг бутун илмий ва адабий фаолиятини шу мақсадни амалга оширишга багишлади. У инсонпарварлик фояларини чиройли мисоллар билан тарғиб қилиб, инсонларни ҳақ йўлига, эзгулик йўлига қайтариш мумкин, деб чуқур ишонган эди. Бунда у сўфиийлик таълимоти, унинг маънан етук ва барқамол инсон ҳақидаги фояларига таянган. Айни вақтда Саноий ўз давридаги руҳий ва жисмоний камолот йўлига тўсиқ бўлаётган салбий ҳолатларни фош қилиш билан бирга, эзгуликни қарор топтиришга интилади. Қалбida катта куч, шижоат билан инсоният камолоти йўлида меҳнат қиласи. Жамиятнинг барча иллатлари, унинг фикрича, маънавий қашшоқлиқдан келиб чиқади. Кишиларга вижданойлик, инсонийлик удумларини, руҳ гўзаллиги ва олийжаноблиги моҳиятини тушунтирум оқ керак. Шу тариқа инсонлар тафаккурига эзгулик ва маърифат уруғларини сочиш мумкин.

Халқимиз маданияти узоқ тарихга, бой меросга эга. Бу меросни, жумладан, Бобожон Саноий яратган тафаккур сарчашмаларини ўрганиш, таҳлил, тадқиқ қилиш бугун илму маърифатга янада кучли интилаётган миллат кишилари қалбida янгидан-янги маънавий булоқлар кўзини очади.

ПОМИДОР ВА ПИЁЗЛИ САЛАТ

Керакли масаллиқлар:

2-3 дона йирик булғор қалампири, 2 дона йирик помидор, 1 дона пиёз, 3 ош қошиқ олма сиркаси, 2-3 ош қошиқ зайтун ёғи, майда тұғралған петрушка, шакар, янчилған қора мурч туз.

Соус учун:

Сирка, зайтун ёғи, петрушка, шакар, қалампир ва туз.

Тайёрланиши:

Булғор қалампири уруғлардан тозаланиб, сомонча шаклида тұғралади.

Помидор ҳам булғор қалампири сингари тұғралади.

Пиёз ҳалқача шаклда тұғралғац сабзавотларға күшилади.

Сабзавотларға соус күшиб арапаштирилади ва тахминан 2 соатта музлаткичга қўйилади.



КАРТОШКА ВА ПИЁЗЛИ САЛАТ

Керакли масаллиқлар:

5-6 дона ўртача катталиқдаги картошка, 1 дона пиёз, 1-2 дона саримсоқ палласи, 2 ош қошиқ ўсимлик ёғи, 1 ош қошиқ майда тұғралған укроп, янчилған қора мурч туз.

Тайёрланиши:

Картошка тузли сувда қайнатилади ва паррак қилиб кесилади.

Пиёз ҳалқача шаклда тұғралыб, тилларанға киргунича ўсимлик ёғида қовурилади.

Идишга аввал картошка, кейин қовурилған пиёз солинади. Устидан майда тұғралған саримсоқ, туз, мурч укроп сепилади ва арапаштирилади.

ЛОВИЯ ВА ОЛМАЛИ САЛАТ



Керакли масаллиқлар:

1 стакан ловия, 1 дона олма, 3 дона сабзи, 1 бөг сельдерей, хантал 2-3 ош қошиқ ўсимлик ёғи, 1 ош қошиқ сирка, туз.

Соус учун:

Хантал, туз, шакар, ўсимлик ёғи ва сирка

яхшилаб арапаштирилади.

Тайёрланиши:

Ловия совуқ сувда ювиліб, бир неча соатта ивитиб қўйилғач тузли сувда қайнатилади. Сабзи ҳам шу тарзда қайнатиб пиширилади. Совигач сомонча шаклида тұғралади. Олманинг пўчоги арчилади ва йирикроқ қилиб тұғралади.

Тайёр маҳсулотларға соус күшиб арапаштирилади.

Салат ярим соат музлаткичда турғанидан сўнг дастурхонга тортиш мумкин.

ГУРУЧ ВА БОДРИНГ БИЛАН ТАЙЁРЛАНАДИГАН ПОМИДОРЛИ САЛАТ

Керакли масаллиқлар:

3-4 дона қизил помидор, 1 стакан гуруч, 1 дона бодринг, 2 ош қошиқ майда тұғралған укроп, 1 ош қошиқ ўсимлик ёғи, 2 дона қайнатилған тухум, 1 чой қошиқ лимон шарбати, 3 ош қошиқ кунгабоқар ёғи, 4 ош қошиқ майонез, янчилған қора мурч туз.

Тайёрланиши:

Гуруч тузли сувда қайнатилади. Озроқ совигач ўсимлик ёғи күшиб арапаштириб қўйилади.

Помидор тұртбурчак қилиб тұғралғанидан сўнг унга лимон шарбати қўшилади. Бодринг пўчогидан тозаланиб ярим паррак қилиб тұғралади.

Тухум ўртача катталиқда майдаланади.

Тайёр масаллиқларға майонез қуилиб, туз, мурч сепилади ва ҳаммасини бирға қўшиб, салат идишига солинади.

БОДРИНГЛИ АЧЧИҚ САЛАТ

Керакли масаллиқлар:

2-3 дона бодринг, 3-4 ош қошиқ сирка, янчилған қора мурч, 1 чимдим туз.

Тайёрланиши:

Бодринглар ювилади, қирғичдан ўтказилади. Унга туз, мурч ва сирка күшиб, ярим соатта тиндириб қўйилади.

Салат ликопчага солиниб, дастурхонга тортилади.



САОДАТ

Ўзбекистон Республикаси
хотин-қизларининг ижтимоий-
сиёсий, адабий-бадиий,
безакли журнали

1925 йилдан чиқа бошлаган

8-9-сон (912-913) 2020 йил

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси
Маҳалла ва оиласи қўллаб-
кувватлаш вазирлиги

БОШ МУҲАРРИР:
Мунаввара УСМОНОВА

“САОДАТ” КЕНГАШИ:

Танзила НАРБАЕВА

Гулнора МАЪРУФОВА

Муҳаббат ШАРОПОВА

Саодат БОЙМИРЗАЕВА

Ойдин ҲОЖИЕВА

Энахон СИДДИҚОВА

Гулистон МАТЁҚУБОВА

Гавҳар АЛИМОВА

ТАХРИРИЯТ:

Бош муҳаррир ўринбосари:

Маҳмуда САҶДУЛЛАЕВА

Бўлим мудири:

Кутлибека РАҲИМБОЕВА

Мусаххих:

Маъмура ЗОҲИДОВА

Саҳифаловчи:

Фиёсiddин ЎНАРОВ

Тахририят манзили:

Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани

Мирзакалон Исмоилий Г-1.

E-mail: info@saodat-gul.uz

Веб сайт: www.saodat-gul.uz

Тел.: (71) 202-70-04, 202-70-05

Босмахонага 30.11.2020 йил
топширилди.

Қоғоз бичими 60x84 1/8.

Ботик босма.

Нашр ҳисоб тобоги 5,75.

Индекс – 867

ISSN 2010-541X. Журнал 2006 йил
22 декабрда Ўзбекистон Матбуот
ва ахборот агентлигига 0061-рақам
 билан рўйхатга олинган.

“Шарқ” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонасида чоп этилди.

Буюртма №1156. Адади 1619.

Баҳоси келишилган нархда.

Ушбу сонда:

МИЛЛАТ ҚАҲРАМОНЛАРИ

2 Зар қадрини заргар билди

БУГУННИНГ НАФАСИ

6 Улуғбек ҲАМДАМ
Ҳадемай қуёш чиқади

НАСР

16 Мен, онам ва Ўрта Ер денгизи

БИРГА ФИКРЛАШАМИЗ

28 Она қалби оёққа турса

ҚЎНГИЛГА ТАШРИФ


32 “Супер қайнона” бўлиб
ғамларни унудим...

ЖАҲОН АДАВИЁТИДАН

36 Висенте Бласко Ибанес
Оғир томчилар. Ҳикоя

ОИЛА БАХТИНИНГ СИРЛАРИ

38 Қиз бола онасига айтмаслиги
керак бўлган 10 та гап



Биринчи муқовада:

Музейимизга қизиқувчан,
серсавол болалар келишса,
севиниб кетасан. Уларга қа-
димий экспонатлар тарихи,
моҳиятидан эмас, адабиёт
тарихидан ҳам дарс ўта
бошлайман, дейди Навоий
кон-металлургия комбинати
музейи раҳбари
Салима Холдорова

Азиз мухлисларимиз!

Бутун дунёга, шу жумладан, юртимиз бошига тушган синовли
қунлар туфайли журнализмининг навбатдаги сони кечикди. Сиздан
узр сўраган ҳолда “Саодат”нинг август-сентябр – қўшма сонларини
тақдим қилмоқдамиз. Бу машаққатли, сабоқли дамларни ҳам, албатта,
биргаликда енгигб ўтамиз. Маънавият, маърифат инсоннинг бошига
тушган ташвишларни енгиллатиш, унга руҳий қувват баҳш этишини
ҳисобга оладиган бўлсак бутун бир-биримизга ҳар қачонгидан ҳам
кўпроқ керак эканимизга шубҳа йўқ. Демак, биз Сиз учун меҳнат
қилишни давом эттирамиз, Сиз ҳам ўз хонадонингиз, оилангиз,
маҳаллангиз билан қадрдан нашрингиздан узоқлашмайсиз, деб
ишонамиз!



Устозим Фарогат Раҳматова менга кўп насихат қиласарди. “Болам, шу корхонанг корингга кор келади. Ҳеч қачон театрга хиёнат қилмагин” – дерди. Шундай яшадим, – дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Малика Қаюмова.

БОШЛАНГИЧ БАДАЛ ТҮЛОВИ

- Тошкент шаҳри ва вилоят шаҳарлари учун **20 фоиз**
- Вилоят туман жойлари учун **10 фоиз**

КРЕДИТ ФОИЗИ

- Тошкент шаҳри учун йиллик **18 фоиз**
- Республиканинг бошқа шаҳар ва туман жойлари учун йиллик **17 фоиз**

Yangi uyga
OSON
IPOTEKA
qulay shartlarda

20
yilga



1233
contact center

(78) 150-11-22